

М.А. Шадманов

КРЕДИТ МОДУЛ ТИЗИМИНИ ЖОРЙ ЭТИШДА  
ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯ АСОСИДА УРОЛОГИЯ ФАНИ  
МИСОЛИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

**Эксперт кенгаши раиси**

**т.ф.л., профессор**



**М.М.Мадазимов**

**«31/03 2023 й.**

**Шадманов М.А.**

**КРЕДИТ МОДУЛ ТИЗИМИНИ ЖОРӢ ЭТИШДА ФАНЛАРАРО  
ИНТЕГРАЦИЯ АСОСИДА УРОЛОГИЯ ФАНИ МИСОЛИДА ЎҚУВ  
ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ**

**(монография)**



**Андижон -2023 й.**

ISBN: 978-9910-9859-1-1  
ББК: 74.489  
УЎК: 618.614.253:378.147

**Тузувчи:**

**Шадманов  
Мирзамахмуд  
Алишерович**

**Андижон давлат тиббиёт институти  
жаррохлик ва урология кафедраси  
доценти, (PhD), доцент.**

**Такризчилар:**

**Гиясов  
Шухрат  
Искандерович**

**Тошкент Тиббиёт Академияси, Урология  
кафедраси профессори, т.ф.д., профессор.**

**Садикова  
Дилфузা  
Ибрагимовна**

**Андижон давлат тиббиёт институти  
жаррохлик ва урология кафедраси  
доценти, т.ф.н.**

Монография Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан  
2023 йил 31-мартда 2-сон баён билан тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган

**АДТИ Эксперт кенгаш  
котиби, т.ф.н., доцент:**

**Г.Н.Маматхужаева**

<b>МУНДАРИЖА</b>	
Аннотация	5
Кириш	6
<b>I БОБ. ТИББИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА КРЕДИТ МОДУЛ ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ</b>	10
§1.1. Хорижий давлатларда кредит- модул тизимини жорий этишга доир ислоҳотлар	10
§1.2. Хорижий тиббиёт олий таълим муассасаларида кредит- модул тизимишинг ўзига хос хос томонлари	28
§1.3. Тиббиёт олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишда модулли ёндошувнинг аҳамияти	40
§1.4. Биринчи боб бўйича хуносалар	42
<b>II БОБ. ТИББИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА МОДУЛЛАР ШАКЛАНТИРИЛИШИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ</b>	48
§2.1.Модулли ёндошув асосида таълим жараёнини ташкил этишда хорижий тиббиёт олий таълим муассасалари тажрибаси	48
§2.2. Кредит модул тизимида клиник фанларни ўқитишида фанлар аро интеграция	74
§2.3.Урология фанини бошқа фанлар билан интеграциясини таъминлашда педагогик технологияларни қўллаш	82
§2.4. Иккинчи боб бўйича хуносалар	135
<b>III БОБ. ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУХИТИДА УРОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ШАКЛАНТИРИШ</b>	136
§3.1 Тиббий таълим жараёнида инновацион мухитнинг аҳамияти	136
§3.2 Бўлғуси оилавий шифокорларни тайёрлашда касбий компетентликни ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари	146
§3.3 Оилавий шифокор фаолиятида урологик касалликлар билан беморларни олиб бориш самарадорлигини оширишда касбий компетентликни ривожлантириш	152
<b>IV БОБ. КРЕДИТ МОДУЛ ТИЗИМИДА КЛИНИК ФАНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН МЕТОДИК ТАЪМИНОТИДАН ФОЙДАЛАНИБ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ</b>	160
§4.1Кредит модул тизимида клиник фанларни ўқитишида методик	160

таъминотнинг ўзига хос томонлари	
§4.2 Клиник фанларни ўқитишда мустақил таълим жараёнини ташкил этиш	165
§4.3 Малака ошириш тингловчиларини ўқитишда интерфаол усуллар: мобил мобил иловасининг ўзига хос томонлари	171
§4.4 Урологик касалликлар билан касалланган беморларда ривожланиш прогностик харитасини ишлаб чиқиш	175
Хулоса	185
Фойдаланилган адабиётлар	187

## **АННОТАЦИЯ**

Монографияда тиббиёт олий таълим муассасаларида таълим жараёнида кредит-модул тизимини жорий этишда фанлараро интеграция асосида урология фани мисолида ўқув жарёнини ташкил қилиш батафсил ёритилган.

Кредит модул тизимини таълим жараёнига жорий этиш натижасида бўлажак шифокорларда билимларни синтез қилиш ва сифатини ошириш, уларни актуаллаштириш, клиник фикрлашнинг чуқурлиги ва исботи, ўрганилаётган фанларга комплекс ёндашув шаклланади, ижодий салоҳиятни ривожлантириш учун кўпроқ имкониятлар юзага келади.

Монография оилавий шифокорлар, урологлар ва педагоглар учун мўлжалланган.

## **АННОТАЦИЯ**

В монографии подробно описана организация учебного процесса по урологии на основе междисциплинарной интеграции при внедрении кредитно-модульной системы в учебный процесс в медицинских учреждениях высшего образования.

В результате внедрения в учебный процесс кредитно-модульной системы у будущих врачей появится больше возможностей для синтеза и повышения качества знаний, их актуализации, глубины и доказательности клинического мышления, комплексного подхода к изучаемым наукам, и развитие творческих способностей.

Монография предназначена для семейных врачей, урологов и педагогов.

## **ANNOTATION**

The monograph describes in detail the organization of the educational process on the basis of interdisciplinary integration in the introduction of the credit-module system in the educational process of higher medical educational institutions, using the example of urology.

As a result of the introduction of the credit module system into the educational process, future doctors will have more opportunities for synthesizing and improving the quality of knowledge, its actualization, the depth and proof of clinical thinking, a comprehensive approach to the studied sciences, and the development of creative skills.

The monograph is intended for family doctors, urologists and pedagogues.

---

## КИРИШ

---

Бутунги кунда мазкур кредит ўлчови тизимини амалиётга татбиқ этиш бўйича тўртта модель кенг тарқалган. Булар Америка қўшма Штатларининг кредит тизими (USCS); Европа мамлакатларининг кредит тизими (ECTS); Осиё — Тинч океани мамлакатларининг кредит тизими (UCTS); Буюк Британиянинг кредит тизими (CATS).

Маълумотларга кўра, мамлакатимиз таълим жараёнида кредит тизимини жорий этишда Европанинг ECTS тизимидан фойдаланишга устуворлик қаратиласяпти. Шу сабабли унинг афзалликлари, қулайликлари, ютуқ ва камчиликлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур тизимнинг олий таълимга жорий қилиниши ўқитиш сифатини ошириш, шаффоффликни таъминлаш, коррупцияга барҳам бериш, таълим олувчининг ҳақиқий билимини юзага чиқариш ҳамда талабанинг мустақил ўқиб-ўрганиб, ўз устида ишлашига замин яратади.

Кредит-модуль ўқитиш тизимига ўтиш ўз навбатида олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларига бўлган мажбурият ҳамда талабни ҳам оширади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, модулли ўқитиш тизими билан ўқитувчи нафақат ахборот берувчи ва назорат қилувчи функцияларини, балки маслаҳатчи ҳамда мувофиқлаштирувчилик вазифаларини ҳам бажаради. Бинобарин шундай экан, педагогик жараёнда ўқитувчининг етакчилик роли сақлаб қолинади.

Соғлиқни сақлаш тизимида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда хорижий тажрибага таянган ҳолда таълим жараёнини ташкил этиш ҳамда инновацион ёндошувлар асосида педагогик технологияларни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар дунёning етакли олий таълим муассасалари ва илмий марказларида олиб борилмоқда: Harvard

university (АҚШ), American University of Beirut, University of Kansas; University of Pavia (Италия); University Hospital Schleswig-Holstein, Virtuelle Hochschule Bayern, Fraysburg University (Германия), Ludwig-Maximilians-Universität München (Германия); Koryo university (Жанубий Корея), University of College London (Буюк Британия); Universidade de São Paulo (Бразилия); Yonsei University (Жанубий Корея); King George's Medical University, Aladdin Keykubat University (Турция), Department of Community Medicine, Great Eastern Medical School (Хиндистон); University of Griffith (Австралия); King Saud University (Саудия Арабистони); National University Taiwan (Тайвань); Вильнюс университети, Каунасс университети (Литва); И.М.Сеченов номидаги Биринчи Москва давлат тиббиёт университети, Н.И. Пирогов номидаги миллий тиббиёт университети, С.Д. Асфендияров номидаги Қозоғистон миллий тиббиёт университети (Қозоғистон).

Тиббиёт бўйича узлуксиз таълимни ташкиллаштиришда кредит модул тизимини жорий этишда ва инновацион таълим технологиялар истиқболларининг илмий асосларини такомиллаштириш борасида олиб борилган илмий тадқиқотларда ўзига хос илмий натижалар олинган, жумладан: жаҳон амалиётида ўқув дастурларини амалга оширишда таълим сифатини яхшилашга қаратилган бир қатор кредит тизимлари – Кўшма штатлар кредитлар тизими (USCS), кредитларни тўплаш ва ўтказиш Британия тизими (CATS), зачет орқали ўтказиш Европа тизими (ECTS) ҳамда университет кредитларини ўтказиш Осиё – тинч тизими (UCTS). ЕС SOCRATES/ERASMUS талабалар мобиллиги дастури доирасида ECTS тизимини ривожлантириш борасида Германиянинг бир қатор олий таълим муассасалари кенг қамровли тадбирлар амалга оширилган. Венгрия университетида таълим соҳасидаги ислоҳатларнинг асоси сифатида кредит модул тизимини жорий этишда ўқув режаларини модернизация қилишга

алоҳида эътибор қаратилган. Шу билан бирга худудлар кесимида таълим муасасаларини касбий ва техник томондан қўллаб қувватлаш, малака ошириш курсларини ташкил этишга доир тизимли ишлар амалга оширилган (Szegedi Tudományegyetem); Данияда тиббиёт йўналишларида имтиҳон жараёнини ташкил этишда ва самарасини оширишда умумевропа тизимининг ахборотли пакетлари ҳамда кредитларни ҳисоблаш шкалаларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган (Копенгаген университети); таълимнинг замонавий фаол ва интерфаол ўқитиш усулларида индивидуал таълим дастурларини жорий қилиш ҳамда мутахассислар касбий компетентлигини ривожлантириш асосланган (Хельсинк университети).

Дунёда кредит модул тизимини жорий этиш, такомиллаштириш ва ахборотлаштирилган таълим муҳитини яратиш, унинг илмий ва услубий таъминотини шакллантиришга оид қўйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: кредит модул тизимини таълим йўналишларининг ҳамда худудларга боғлик ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш, касбий компетенцияларни эгаллашга йўналтириш; ахбортлашган таълим муҳитида таълим берувчиларнинг инновацион ёндошувини шакллантириш; инновацион технологиялардан фойдаланиб таълим жараёни трансформациясини амалга ошириш; бўлажак мутахассисларнинг касбий, илмий ва инновацион салоҳиятини ривожлантириш.

Таълим жараёнини кредит модул тизимида ташкил этиш, олий ўкув юртларида мазкур тизимни жорий этишдаги муаммо ва ечимлар, Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ECTS кредит-модуль тизими: асосий тушунчалар ва қоидалар, Болонья жараёни, тадбиқ этиш борасидаги декларация, амалдаги тажрибалар бўйича маълумотлар Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А., Ўринов В., Жабборова О.М., Махмонов У.А., Умаров Б ва Р.Р. Агишев, И.В. Анисимова, Ш.М. Валитов, Д.А. Гопкало, В.Г. Крюков,

А.Е. Пушкина, Л.А. Симонова, А.П. Снегуренколар томонидан ҳар томонлама ўрганилган. Республикаизда нопедагогик таълим муассасалари учун педагогика масалалари, таълим жараёнидаги интеграция турлари, педагогик компетентлик, касбий фаолиятга тайёргарлик, таълим технологиялари, инновацион компетентлик ва интерфаол усулларнинг қўлланилишига доир масалалар Н.А. Муслимов, Н. Усмонбоев, М. Мирсолиева, М.Б. Уразова, М.Х. Тўхтаходжаева, У.И. Иноятов, Р.Ж. Ишмуҳамедов, Б.С. Абдуллаев; МДҲ олимлари Л.В. Антропова, В.И. Байденко ва хориж олимлари Анжело Стоф, Джон Глаба, Бенжамин Блумлар томонидан тадқиқ этилган.

Кредит модул тизимиға асосланган тиббий таълим бир қатор ривожланган давлатларда ижобий натижаларга эришилмоқда. Масалан, АҚШдаги Гарвард универститети тиббиёт колледжи, Германия ва Литва университетларида, Турция ҳамда Жанубий Корея тиббиёт университетларида замон талаблари ва стандартларига асосланган кредит модул тизими ўзига хос томонлари билан ажралган ҳолда жорий этилмоқда. Бир қатор тадқиқотчилар томонидан бўлажак тиббиёт ходимларининг касбий маҳоратини ривожлантиришга доир илмий изланишлар олиб борилган бўлсада, кредит модул тизимини жорий этиш борасида бўлажак шифокорлар маҳоратини замонавий ахборот ва коммуникация технологияларининг мукаммалашиб бориши шароитида мазкур йўналишнинг педагогик томонларини янада такомиллаштириш масаласи маҳсус тадқиқ этилмаган.

---

## I. БОБ. ТИББИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА КРЕДИТ МОДУЛ ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

---

### §1.1. Хорижий давлатларда кредит модул тизимини жорий этишга доир ислоҳотлар

Замонавий жамият ўзининг тез ва чуқур ўзгарувчан тавсифига эга бўлиб, бундай ўзгаришлар жамоатчилик тузилмалари, жумладан, мустақил давлатлар, шахс ва жамият ўртасидаги муносабатлар, демографик сиёsat, урбанизация жараёнларида кўзга яққол ташланмоқда. Таълим ҳам глобал умумхамжамият тузилмасининг алоҳида таркибий қисми сифатида жамиятда бўлаётган барча ўзгаришларни ҳисобга олиши, ана шу асосда ўз тузилиши ва фаолият мазмунини ўзгартириши зарур.

Таълим масаласи жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида муҳим вазифалар қаторидан ўрин олган. Кўпчилик давлатларда глобал рақобат шароитидаги янги талабларига жавоб берувчи, мослашувчан таълим тизимини яратишга қаратилган туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Булардан асосий мақсад олий ўқув юртларининг ва ўқув дастурларининг мослашиш имкониятларини кенгайтириш бўлиб, улар академик ва ташкилий тузилмаларни ислоҳ қилиш, инфраструктурани, таълим методлари ҳамда технологияларини янгилаш, педагогик жараённи такомиллаштириш, ўқитувчилар таркиби ва сифатини яхшилаш орқали амалга оширилмоқда.

Бу борада, ЮНЕСКО томонидан мунтазам равиша, олий таълимни ривожлантириш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилмоқда, халқаро ҳамкорликнинг меъёрий асосларини яратиш бўйича янги ғоялар илгари суреб келинмоқда. Академик эркинлик ва демократияни таъминлаш бўйича универсал меъёрларнинг мавжудлиги, ЮНЕСКО ва Европа Иттифоқининг миллий таълим тизимлари учун тобора меъёрий аҳамият касб этаётган

халқаро конвенциялар ҳамда бутун жаҳон декларациялари бу жараёнлар учун асос бўлмоқда.

Бугунги кунда таълимнинг жамият ривожланиш суръатларидан ортда қолаётганлиги, таълим жараёнида қўлланилаётган технологияларнинг замонавий талабларга тўлиқ жавоб бермаслиги ҳақидаги масала дунё ҳамжамияти томонидан тез-тез эътироф этилмоқда. Чунки таълим ҳам ижтимоийлаштириш вазифасини бажарувчи сифатида жамиятдаги ўзгаришлар ортидан бориши ҳамда унинг ривожланишига ўз таъсирини ўtkазиши керак. Бироқ жамият ривожланиши ва таълим тизими ўrtасидаги муносабат мураккаб кўринишга эга бўлиб, юқори даражадаги жўшқинлик билан фарқланади.

Таълим барча фаол ва суст ўзгаришлар таъсирини қабул қилавермайди, жамиятда бўлаётган воқеаларга эса ўз таъсирини ўtkазади. Ана шу нуқтаи назардан таълимдаги ўзгаришлар фақатгина натижа сифатида эмас, балки жамиятнинг келгусидаги ўзига хос ривожланиш шартидир.

Шу маънода Ўзбекистон олий таълим жараёнига тадбиқ этилаётган кредит-модуль тизими таълим олувчи шахсига қаратилган жараённи янада технологиялаштириш йўли билан жаҳон таълим тизимида қўлланилаётган энг илгор инновацияларни ижобий ўзлаштириш демакдир.

(Ўринов В., Умаров А. Олий таълимда кредит-модуль: янги ўқув йилида талабаларни нималар кутмоқда? <https://kun.uz/news/2020/07/22/oliy-talimda-kredit-modul-kelayotgan-oquv-yilida-talabalarni-nimalar-kutmoqda>).

Кредит тизими илк маротаба XVIII ва XIX асрларда АҚШ университетларида жорий этилган бўлиб, ўқув жараёнларини либерализация қилиш, талабанинг ҳафталиқ академик юкламасини белгилаб бериш мақсадида яратилган. АҚШ кредит-модуль тизими энг биринчилардан жорий этилган тизим сифатида дунё давлатлари ва шу билан бирга Европа

давлатлари олий таълим муассасаларида кредит-модуль тизими шаклланишига ўз ҳиссасини қўшган.

1869 йилда Гарвард университети президенти, Америка таълимининг таниқли арбоби Чарльз Уильям Элиот “кредит соати” тушунчасини амалиётга киритади. Кўп ўтмай у университетдаги қатъий белгилаб қўйилган ўкув дастурларини бекор қиласди. Эндиликда, Гарвард Университетида талабалар ўкув дастурида таклиф қилинадиган фанлар орасидан ўzlари хоҳлаган, қизикқан фанларни танлаб, ўрганиш имкониятига эга бўладилар. Яъни, ҳар бир талаба ўзининг университетдаги ўқиш дастурини маълум маънода ўзи шакллантириш имкониятига эга бўлган эди. Бу ислоҳот мамлакат ёшлари орасида Гарвард Университетига бўлган қизиқиши жонлантириб юборади. Талабалар ўzlари қизикқан фанларни танлаётганликлари учун университет ўкув дастурларидаги фанлар ҳам табиий равишда саралана бошланади. Университет фанлари рўйхатини иқтисодиёт, меҳнат бозори ва талабалар эҳтиёжларига мос фанлар эгаллай бошлайди. Ўз фанларига талабаларни жалб қилиш мақсадида ўқитувчилар ҳам дарслари сифатини яхшилашга ҳаракат қила бошлайди. Акс ҳолда улар ўқитаётган фан ўкув дастуридан чиқариб юборилиши мумкин эди. Дарсларда талабаларнинг фаоллиги ҳам анча ортади.

Гарвард Университети қатъий ўкув дастурлардан воз кечгандан сўнг, университет олдида бир қатор масалалар ечими зарур бўлади яъни, талабаларнинг курсдан курсга ўтиши ёки битиришига доир мезонлари, уларнинг ўқиш дастуридаги ривожланишининг тавсифланиши, талабалар мутахассис сифатида шаклланиши учун қанча билим эгаллаши лозим. Гарвард Университетида мазкур саволлар қуйидагича ҳал қилинади: ҳар бир фанга унинг ўқиш юкламасидан келиб чиқиб рамзий ўлчов бирликлари, яъни кредитлар тақсимланади. Яъни, ҳар бир фан муайян миқдордаги кредитларда

акс этади ва талаба бир ўкув йили охиригача ушбу миқдордаги кредитларни түплаши кераклиги белгилаб қўйилади. Эндиликда, университет талабаларни ўкув дастурларидаги ривожланишини, муайян таълим даражасига муносиблигини у жамғарган кредитлар сонига қараб аниқлай бошлайди. Бу университет учун ҳам, талабалар учун ҳам қулай, тушуниш осон бўлган тизим эди. Аста-секинлик билан бошқа университетлар ҳам Гарвард Университети амалиётини ўзларида қўллай бошлайди. Қайси университетлар шу амалиётни қўлласа ёшлар орасида шу университетларга қизиқиш орта бошлайди. ([Jessica Shedd \(2003\), "The History of the Student Credit Hour". New Directions for Higher Education. 122 \(Summer\) \(122\): 5–12.](#)

[Resolution of The Council and of the Ministers of Education, Meeting within the Council, Official Journal of the European Communities, 1976.](#)  
<https://eur-lex.europa.eu/legal>)

Шундай қилиб, 1870 — 1880 йилларда кредит соатлари билан ўлчанадиган тизим жорий қилинади. Кредит тизими билан ўқиш ва ўкув дастурларини ўзлаштириш талабаларга ўкув жараёнини мустақил равища режалаштириш, унинг сифатини назорат қилиш, таълим технологияларини - такомиллаштириш учун имконият яратиб берди. 1930 йилларга келиб АҚШ олий таълим муассасаларининг деярли барчаси кредит тизимида фаолият юрита бошлади.

1976 йилда Европа Иттифоқи давлатлари таълим вазирлари мазкур давлатлар университетлари ўртасида ҳамкорликда ўқиш дастурлари жорий этиш борасида келишувга эришишади. Лекин бу лойиҳани амалга ошириш, унинг молиявий ва хуқуқий томонларини ишлаб чиқиш учун 10 йилдан кўпроқ вақт керак бўлди. Ва ниҳоят 1987 йилда Европа иттифоқининг Лондон Саммити давомида иттифоқ аъзо мамлакатлари олий таълим муассасалари ўртасида талабалар алмашинувини қўллаб-куватловчи

Эрасмус (ERASMUS) дастури ташкил этилади. Бундан кўзланган мақсад Европа иттифоки давлатлари университетларида ўқиётган талабалар бир йил ёки бир семестр давомида бошқа аъзо давлатлар худудидаги университетларда ўзаро алмашлаш бўйича таълим олиш имкониятларини кенгайтириш эди.

Эрасмус дастури 1989 йилда Америка кредит тизими ва Нидерландия олий таълим тизимига асосланган ҳолда янги кредит-модуль тизими қоидаларини ишлаб чиқади ва уни European Credit Transfer System (ECTS) деб номлайди. Ушбу қоидалар ўзида Европа Иттифоки давлатлари университетларининг ўқув дастурлари, уларда таклиф этиладиган фанларни қиёслаш ва талабалар алмашинуви доирасида ҳориж университетларида олган фанларини ўз университетларида тан олиниши тамойилларини қамраб олган эди. ECTS кредит-модуль тизими қоидаларини жорий этиш натижасида Европа Иттифоки давлатлари университетлари ўртасида талабалар алмашинуви ривожлана бошлайди. Дастурда қатнашувчи университетлар ўқув дастурлари халқаро даражада эътирофга эга бўла бошлайди. ([Robert Wagenaar, A History of ECTS, 1989-2019. Developing a World Standard for Credit Transfer and Accumulation in Higher Education. International Tuning Academy, 2020](#)).

Кредит-модуль тизими бу — таълимни ташкил этиш жараёни бўлиб, ўқитишининг модуль технологиялари жамламаси ва кредит ўлчови асосида баҳолаш модели хисобланади. У бир бутунликда олиб борилиши зарур бўлган серкирра ҳамда мураккаб тизимли жараёндир. Кредит-модуль тамойилида иккита асосий масалага аҳамият берилади: талабаларнинг мустақил ишлашини таъминлаш; уларни билимини рейтинг асосида баҳолаш.

Кредит-модуль тизимининг асосий вазифалари сифатида қуидагилар эътироф этилади:

- ўқув жараёнларини модуль асосида ташкил қилиш;
- битта фан, курс (кредит)нингқийматини аниқлаш;
- талабалар билимини рейтинг бали асосида баҳолаш;
- талабаларга ўзларининг ўқув режаларини индивидуал тарзда тузишлариға имкон яратиш;
- таълим жараёнида мустақил таълим олишнинг улушкини ошириш;
- таълим дастурларининг қулайлиги ва меҳнат бозорида мутахассисга қўйилган талабдан келиб чиқиб ўзгариши мумкинлиги.

Юқоридагилар дарс машғулотларини нафакат ўқитишни инновацион таълим технологиялари асосида олиб бориш, балки талабадан мустақил ўқиб-ўрганиш, таълимга янгича муносабатда бўлиш, меҳнат бозори талабидан келиб чиқиб, зарурий ва чуқур назарий билимларни эгаллаш, амалий кўнималарини шакллантиришга ўргатишдан иборатdir. Мухтасар айтганда, мазкур тизим талабанинг касбий ривожланиши ва камолотига йўналтирилган. Илм соҳибининг бутун хаёти давомида билим олишини таъминлашга ҳамда меҳнат бозори ва замонавий талабларга жавоб бера оладиган инсон капиталини шакллантиришга қаратилгандир.

Бугунги кунда мазкур кредит ўлчови тизимини амалиётга татбиқ этиш бўйича тўртта модель кенг тарқалган. Булар Америка қўшма Штатларининг кредит тизими (USCS); Европа мамлакатларининг кредит тизими (ECTS); Осиё — Тинч океани мамлакатларининг кредит тизими (UCTS); Буюк Британиянинг кредит тизими (CATS).

Ушбу моделларнинг ичида энг кўп тарқалгани АҚШ ва Европа моделларидир. Маълумотларга кўра, мамлакатимиз Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги кредит тизимини жорий этишда Европанинг ECTS тизимидан фойдаланишга устуворлик қаратяпти. Унинг афзал жиҳатлари,

қулайликлари, ютуқ ва камчиликлари ҳам мавжуд бўлиб уларга қуида тўхталамиз:

ECTS (The European Credit Transfer and Accumulation System) – Европа Кредит Трансфер Тизими 1989 йилда асос солинган бўлиб, Европа давлатлари томонидан ишлаб чиқилган, текширилган ва такомиллаштирилган кредитларни тақсимлаш тизимиdir. Мазкур тизимда талаба олган билимининг баҳосини бир давлатдан (ОТМдан) иккинчи давлатга (ОТМга) эркин кўчишини, эришилган кўнумка ва малакасини эркин тан олинишини, пировардида барчасини ҳисобга олиб даража (диплом) берилишини назарда тутувчи тизимdir. Бунда таълим олишнинг барча турлари (кундузги, кечки, сиртқи, масофавий) ва ўқув юкламасининг барча кўринишлари (маъруза, амалиёт, лаборатория в.х) қўлланилиши мумкин.

Кредит тўплаш ўлчовининг киритилиши талабага катта эркинлик бериш билан бир қаторда, келажакда танлаган соҳасининг рақобатбардош мутахассиси бўлиб етишиши учун академик жараённи мустақил режалаштириш имконини ҳам тақдим этди. Айни чоғда, баҳолаш тизими ва таълим технологияларининг такомиллашишига ҳам олиб келди.

1999 йилга келиб Европада Болонья процесси деб аталган Европа мамлакатлари олий таълим вазирликлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш халқаро форуми иш бошлайди. Форумнинг мақсади Европа давлатларида олий таълим стандартлари ва сифатини уйғунлаштиришга қаратилган эди. Болонья процессида Европа давлатлари эндиликда ECTSни ўзларининг олий таълим муассасаларида таълимни ташкил этишнинг асосий усули сифатида тарғиб қилишга келишиб олишади. Бунинг натижасида ECTS эндиликда нафақат талabalар халқаро алмашинуви мақсадида балки, Европа мамлакатлари доирасида университетларда таълимни ташкил қилиш усули сифатида кенг тарқала бошлайди. Мазкур ҳаракатларнинг самараси ўлароқ,

1999 йилда Италиянинг Болонья шаҳрида 29 та мамлакат вакиллари томонидан Болонья декларацияси имзоланади.

Бутунги кунга келиб, Болонья жараёнида дунёнинг 48 та мамлакати иштирок этмоқда. Уларнинг орасида мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларидан Россия, Украина, Озарбайжон, Молдова, Арманистон, Грузия, Қозоғистон ва Беларусь Республикалари ҳам бор. Марказий Осиё мамлакатлари ичida Қозоғистон Республикаси 2010 йилда Болонья декларациясига қўшилди ва у ушбу худудда ҳозирча ягона бўлиб турибди. Болонья жараёни – бу Европа мамлакатлари орасида олий таълимни уйғулаштириш жараёнидир. У тушуниш осон бўлган ва ўхшаш олий таълим даражалар тизимини яратишни, таълимда кредит-модуль тизимига ўтишни, таълим сифатини таъминлашда эркин академик ҳаракатланишни ва Европадаги таълим ҳамкорлигини ўз ичига олади. Демак, бу Европа мамлакатларининг олий таълим тизимларини уйғулаштириш, ҳар бир киши учун тенг равищда таълимни таъминлаш, интеллектуал, маданий, ижтимоий, илмий ва технологик салоҳиятни шакллантириш ва мустаҳкамлаш, таълим сифатини такомиллаштириш жараёнидир. ([Махмонов У.А. Олий таълимда кредит-модуль тизимининг жорий этилиши ва имкониятлари // Замонавий таълим / 2021 йил, \(1\)](#)).

Болонья декларациясида кўзда тутилганидек, кредит-модуль тизими айнан мустақил таълимга ургу қаратгани ҳолда, асосан, иккита фаолиятни бажаришга хизмат қиласи: биринчиси, талабалар ва ўқитувчиларнинг мобиллигини, яъни бир олий таълим муассасасидан бошқа ОТМга тўсиқларсиз, эркин равищда ўтишини (ўқишни ёки ишни кўчириш)ни таъминлайди; иккинчиси, талабанинг танлаган таълим йўналиши ёки мутахассислиги бўйича барча ўкув ва илмий фаолияти учун академик юклама

— кредит аниқ ҳисоблаб борилади. Кредит йиғиндиси талабанинг танлаган - дастури бўйича нимани қанча ўзлаштирганлигини намоён этади.

Болонъя декларациясининг энг муҳим жиҳатларидан бири олий таълим муассасалари ягона “кредит тизими”дан фойдаланиш (ECTS)га асосланади. Кредит ёки кредит бирлиги — ўқув режасида ҳисобга олинган ҳар қандай ўқув фаолиятининг қиймат кўрсаткичи ҳисобланади.

Бугунги қунда таълим тизимига дахлдор бўлган мутахassisлар томонидан Болонъя тизими, унинг аҳамияти бўйича турли фикр-мулоҳазалар мавжуд. Ушбу тизимни яратиш учун ўтган асрнинг 70-йилларидан Европадаги барча олий таълим муассасаларининг интеграциясини таъминлаш, унинг ягона стандартини яратиш, талabalар ва ўқитувчилар мобиллигини йўлга қўйиш, дипломларни тан олиш, талabalар билими, малакаси ҳамда кўниқмасига қўйиладиган балларни унификация қилиш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ечишга қаратилган саъй-харакатлар бошлаб юборилади.

ECTS тизими Европа ва умуман, Болонъя жараёни иштирокчи-мамлакатлари талabalariга катта афзалликларни тақдим этади - талаба таълим олаётган университетида эгаллаган академик билимларини шу тизимга аъзо мамлакатлар олий таълим муассасаларида тан олинишини, яъни ўзига хос “конвертацияси” кафолатланади. Шу билан бирга, мазкур тизим аъзоларига талabalарни бошқа ОТМга ўқишини тиклаш, қўчириш ва тугатиш имкониятини беради.

ECTS тизими университетларга ҳам бир қатор қулайликларни тақдим этади. Жумладан, маълум бир таълим йўналиши ва мутахassisliklar кесимида ўқув жараёни ҳақидаги ахборотларни аниқ акс эттирувчи ўқув режаларнинг ўҳашшлиги ҳамда ягоналигини таъминлайди. Шунингдек, мутахassislik даражасининг тан олинишига эришиш мақсадида талабани

қабул қилувчи ва жўнатувчи олий ўқув юртларидағи дастурларнинг мазмунини олдиндан келишиб олиш имконини беради. Талабанинг таълим олиши билан боғлиқ барча масалани ҳал этишдаги жавобгарлиги ҳамда мустақиллиги сақланади. Европа таълим тизимида ўқув курслари ва барча таълим жараёни кредитларда, Ўзбекистон ҳамда МДҲнинг бошқа мамлакатларида эса академик соатларда ҳисобланаб келинади.

ECTS тизими бўйича ҳар бир олий таълим муассасаси кредит таркибини, ҳар бир модуль бўйича кредитлар сонини, қолаверса, ҳар бир курс ва умуман, ўқиш даврини тамомлаш учун талаба томонидан тўпланиши лозим бўлган кредитларнинг умумий миқдорини мустақил белгилайди.

Амалдаги ўқитиш тартибидан фарқли ўлароқ, кредит тизимида мажбурий фанлардан ташқари танлов фанлари ҳам талабанинг индивидуал дарс жадвалига киритилади. Талabalар ўқишидан четлаштирилмайди ёки курсдан-курсга қолдирилмайди. Қайси фан (курс)дан белгиланган кредитларни тўплай олмаса, фақат ўша фаннинг ўзидан қайта имтихон топширади, холос. Олий маълумот тўғрисидаги диплом эса белгиланган кредитлар тўплагандан сўнг берилади.

ECTS тизими бўйича талabalарнинг бир йилда тўплаши лозим бўлган кредит миқдори 60 ни ташкил этади. Бир ўқув йили икки семестрдан иборат бўлади деб олсак, талаба ҳар семестрда 30 кредит тўплаб бориши лозим. Бакалавриат дастури 3-4 йиллик бўлса, талаба бакалавр даражасини олиши учун жами 180 — 240 кредит, 1-2 йиллик магистратура дастурини тугаллаши учун эса, 60 — 120 кредит тўплаши мажбурият ҳисобланади.

Модуль — бу бир нечта фан ҳамда курслар кесимида ўрганиладиган ўқув режанинг бир қисми. У талabalarda маълум бир билим ва кўникма ҳосил қилиш, таҳлилий-мантиқий мушоҳада юритиш салоҳиятига эга бўлишига қаратилган бир нечта фанлар (курслар) мажмуи ҳисобланади.

Бунда ўқитувчи ўқув жараёнини ташкил қиласи, жонли, видео ҳамда аудио маърузалар ўқийди, талабанинг фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қиласи. Талаба эса мавзуни мустақил ўрганади ҳамда берилган топшириқларни бажаради.

Хорижий тажрибага қўра, кредит-модуль тизимида ўқув жараёни ҳар семестрда 2 — 4 тагача модулдан иборат бўлади. Модулда жамланган фанлар осондан мураккаблик сари, назарий-услубий фанлардан амалий фанларга қараб ҳамда мантикий жиҳатдан бир-бирини ўзаро узвий тўлдириш тамойиллари асосида шакллантирилади. Талаба мутахассис бўлиб шакланиши учун нафақат ахборотлар, балки уларни қайта ишлаш, амалиётга жорий қила олиш малакасига эга бўлиши талаб этилади.

Модулга асосланган ўқув дастурлари маҳсус схема асосида ишлаб чиқилади ва қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

- ўқув мақсади ҳамда вазифаларнинг тўлиқ очиб берилиши;
- талабанинг фанни (курсни) бошлиши ва тугатишидан кейинги орттириши лозим бўладиган малакасига қўйиладиган талаблар;
- модуль таркибига кирган ҳар бир фаннинг қисқача мазмуни (силлабус), яъни маъruzalар мавзулари, семинар ва амалий машғулотларнинг режаси, мустақил таълимни баҳолаш учун мўлжалланган топшириқлар;
- ўқитишининг қисқача баёни: таълим бериш усул ҳамда воситалари; билимларни баҳолашнинг усул ва шакларидан иборат.

Модуль асосида ўқитиш тизимида талabalар билими, малакаси ҳамда кўниумасини баҳолашда рейтинг баҳолаш тизимидан фойдаланилади. Унда талабанинг барча ўқув фаолияти, яъни аудитория ва аудиториядан ташқарида олган, ўзлаштирган билимлари балл бериш орқали баҳоланади. Кредит — талабанинг меъёрий ҳужжат билан белгиланган, одатда бир ҳафта давомида аудиторияда ва мустақил равишда таълим олиши учун ажратилган минимал

вакт ўлчовидир. Талабага кредит маълум бир фандан белгиланган топшириқларни бажариб, якуний имтиҳондан муваффақиятли ўтгандан сўнг берилади.

Ҳар бир талаба келажакда танлаган йўналиши ва мутахассислиги бўйича дипломга эга бўлиши учун кредитларни йиғиб бориши лозим. Тўпланган кредит талабага бутун умр давомида ўзининг малакасини ошириб бориш ёки қўшимча олий маълумот олишига хизмат қилиб бораверади. Иқтисодий тилда айтганда, тўпланган кредит талабанинг академик “активи”га айланиб боради.

Кредит технологияси таълим олувчиларга ишчи ўқув режага киритилган танлов фанларини танлаш, бу орқали индивидуал ўқув режасини шакллантиришда бевосита иштирок этиш ҳукуқини беради. Уларга, нафақат фанларни, балки профессор-ўқитувчиларни ҳам танлаш эркинлиги берилади. Талабаларга фанларни танлаш имкониятининг берилиши ижобий ҳол саналади. Бу ўқув жараёнларини баҳолашнинг ўзига хос қиймат кўрсаткичи бўлиб ҳам ҳисобланади.

Кредит-модуль тизими дунёning кўплаб илгор ва ривожланган мамлакатларининг таълим тизимида жорий этилган бўлиб, турли давлатларда ўзига хос хусусиятларга эга.

АҚШ миллий таълим қўмитаси “коллеж-мактаб” бўғинини яхшилаш, ўрта мактабларда ўқув дастурларини стандартлаш мақсадида нафақат колледжларда, балки ўрта мактаблар учун ҳам “кредит” тушунчасини жорий қилди ва кейинчалик бакалавриат дастурлари мазмунини баҳолашнинг кредит тизимини магистратура ва докторлик таълим босқичларигача кенгайтирди. Бакалавр даражасини (Bachelor of Arts - BA ёки Bachelor of Science - BSc) олиш 4 йил ўқиши назарда тутади. Бу давр ичida талаба ўртacha ҳар бири 3 кредитлик 40 тача фанни ўзлаштириши зарур бўлади.

Биринчи ва иккинчи йил таянч билимларни олиш учун ажратиласы (таъминан, 60-68 кредит) ва у оралық даражасы (Associates) билан якунланади, учинчи ва түртінчи йиллар мутахассислик фанларини жадал ўрганишга бағишендериди ва бу жараён малакавий имтихон билан тугалланади.

Олий таълимнинг иккинчи босқичи (Graduate Level) – бу ўрта ҳисобда иккى йиллик ўқиши натижасида магистр даражасини (Master of Arts - MA ёки Master of Science - MSc) олиш учун мүлжалланган магистрлик дастурларидир. Юқори малакали мутахассислар тайёрлашнинг иккинчи босқичи ва учинчи поғонаси – докторлық дастурлари бўйича ўқиши бўлиб, у тор мутахассисликга ўқиши ва мустақил илмий изланувчиликга йўналтирилгандир.

Даражани олиш учун талаба белгиланган миқдордаги кредит-соатларни тўплаши зарур. АҚШ да қабул қилинган USCS (US Credit System) тизимида кредит-соат – бу ўқиши вақтига асосланган ўлчовдир. Масалан, бакалавриатда 1 кредит-соат талабанинг семестр давомида ҳар ҳафтадаги 1 академик соат аудитория ишига teng. Бундан ташқари ҳар бир аудитория машғулотига 2 соат (100 минут) мустақил иш қўшиб берилади.

Магистратурада, ва айниқса докторантурада бу меҳнат ҳажмида мустақил ишнинг ҳиссаси кўпайиб бориши назарда тутилади. АҚШ да бакалавр даражасини олиш учун 4 йилда камида 120 кредитсоат, магистр учун 1-2 йилда мос равишда 30-60 кредит-соат, докторлық дастурларида эса 3-4 йилда мос равишда 60-90 кредит-соат тўплаш талаб этилади.

USCS тизими Америка талabalарининг мобиллигини оширади, чунки бир университетда олинган кредитлар бошқаларида ҳам ҳисобга олинади ва уларни ўқишиларини бир олий ўқув юртидан бошқасига синов бирликларини сақлаган ҳолда кўчиришиларига имкон беради. Бундай амалиёт қолдирилган ўқиши ва ўқишига тиклаш жараёнларини ўзаро боғлаш учун ҳам кўлланилади.

Испанияда университет таълими кўп погонали бўлиб қуидаги даврларни ўз ичига олади:

- биринчи таълим даври: у камида 3 йил давом этади ва 180-270 испан кредитларига тенг бўлади;

- бирлаштирилган биринчи ва иккинчи даврлар: 4-5 йилга мўлжалланган бўлиб (тиббиёт мутахассисликлари учун 6 йил), биринчи давр - 2-3 йил, иккинчиси - 2 йил давом этади. Кўрсатилган 4,5 ва 6 йилда талабалар 300-500 кредит тўплашади.

- иккинчи давр – якка тартибда;

-учинчи давр – докторантураси. Биринчи давр якунида талабаларга Diplomado, Arquitecto Tecnico ва Ingeniero Tecnico каби академик даражалар берилиши мумкин. Иккинчи давр якунида эса - Licenciado, Arquitecto ёки Ingeniero Superior даражалари берилади.

Докторлик даражаси учинчи даврда ўқишни якунлаган ва диссертацияни муваффақиятли химоя қилган талабаларга берилади. Испанияда “кредит”ни аниқлашга ўзгача ёндашилади – ҳар бир кредит 10 соат аудитория машғулотларига мос келади, тўпланган кредитлар йиғиндисига қараб талабанинг ўзлаштириши баҳоланади. Талабалар томонидан назарий ва амалий машғулотлар бўйича алоҳида кредитлар тўпланади, уларни ҳатто аудитория машғулотларидан ташқари бошқа ўқув ишларини бажариб ҳам олиш мумкин.

Швецияда 1 швед кредити университетда 1 ҳафта ўқишга тенг деб қабул қилинган. Бу тизим ўқув режаларини тузишни ва талабаларнинг бажарган ўқув соатларини ҳисоблашни енгиллаштириш учун жорий этилган. Швеция университетларида ўқув йили 40 ҳафта давом этади ва кузги ҳамда баҳорги семестрлардан иборат бўлади. Шундай қилиб, талаба ўқув йили давомида маъруза, якка тартибдаги ишлар ва бошқа фаолиятларни ҳам қўшиб

хисоблаганда 40 кредит тўплайди. Бакалавр даражасини олиш учун 3 йиллик ўқиш давомида 120 кредит олиш керак. Магистратурада ўқиш 1-1,5 йил (60 кредит), докторантурада эса – 2-4 йил давом этади. Швеция кредитларини Европа ECTS кредитлари билан таққослаш учун улар 1,5 га кўпайтирилади. Масалан бакалавриатдаги 120 Швеция кредити 180 ECTS кредитига, магистратурадаги 60 Швеция кредити - 90 ECTS кредитига тенг бўлади.

Швеция университетларида таълим жараёнлари маъruzалар, семинарлар, баҳс-мунозаралар (ўқитувчи иштирокида ёки иштирокисиз) шаклида ташкил қилинади. Ҳар бир курс якунида имтиҳон семинарлари, 22 аудиторияда топшириқларни бажариш ва ёзиш кўринишидаги имтиҳонларни топшириш назарда тутилади. Белгияда кредит таълим тизими Европа ECTS кредит тизимларига мослаштирилган ва ҳалқаро ҳамкорлик доирасида қўлланиладиган кўринишда тақдим этилган.

Голландия академик дастурлари талабаларга диплом бериладиган тадқиқот соҳаларига йўналтирилган. Ҳатто биринчи ўкув йилида ҳам талабалар умумий фанларни ўқишмайди. Бунинг сабаби, бундай фанлар ўрта таълимнинг охирги икки йилига киритилгандидир. Голландия университетларида талабалар уларнинг мураббийлари билан биргаликда тайёрланган шахсий ўкув режалари бўйича ўқишиди. Ўкув режаларида мажбурий фанлар ва танлов фанлари кўзда тутилган. Ҳар бир фаннинг ҳажми университет каталогларида кўрсатиладиган синов бирликлари билан ўлчанади.

Университетдаги ўкув йили 5 семестрга ажратилган, ҳар бир семестрда талаба амалда фақат 2-3 фанни ўрганади. Бунинг сабаби, модулли таълим тизими қўлланилиши ва ҳар бир фан бўйича дарс суръатининг жуда юқорилигидир (бир фан бўйича бир кунда бир неча соат дарс машғулотлари ўтилиши мумкин). Ўкув материалларини мустақил ўрганиш ва ўз мавзуси

бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш университет дастурларининг мухим қисмлари саналади.

Буюк Британияда таълим тизими Бирлашган Қиролликнинг CATS (Credit Accumulation and Transfer Scheme/System – Кредитларни тўплаш ва кўчириш схемаси/тизими) тизимига асосланган бўлиб, унинг мақсади кўп сонли малака ҳужжатлари тизимини ҳар бир тур учун алоҳида кредитлар белгилаш орқали тартибга солиш ва ягоналаштиришdir.

CATS тизими Бирлашган Қиролликда, Жанубий Африкада ва Янги Зелландияда кенг тарқалган. CATS бўйича академик йил 1200 шартли ўқув соатлари ёки 120 кредитни ўз ичига олади, 1 британия кредити 10 шартли ўқув соатларига teng. Шартли ўқув вақти дейилганда, талаба фанни ўзлаштириши учун сарфлайдиган соатлар миқдори тушунилади. Шартли вақт аудитория машғулотлари, асосий амалий ишлар, лойиха устида ишлаш, мустақил таълим машғулотларини, имтиҳонларга тайёргарлик ва уларни топшириш каби жараёнларни, яъни барча турдаги ўзлаштириш учун зарур бўлган ўқув фаолиятларини ўз ичига қамраб олади.

Британия университетларида бакалавр даражасини олиш учун 3 йил давомида 360 британия кредитларини тўплаши керак. Тўртинчи йил талabalарга “имтиёзли бакалавр” (Bachelor with Honours) даражасини олишга имкон берилади. Шотландияда CATS тизимига асосланган Шотландия SAT (SCOT CATS) тизими қўлланилади, бу тизимда Бирлашган Қиролликнинг бошқа худудларидан фарқли равишда бакалавриатда ўқиш 3 йил эмас, 4 йил давом этади. Бу Бирлашган Қиролликдаги Шотландиянинг ўзига хос миллий тизими ҳисобланади.

Япония синов бирликлари тизими американинг USCS тизими асосига қурилган бўлиб, унинг фақат битта фарқли жиҳати – “кредит-соат” тушунчаси “синов бирликлари” (units) атамаси билан

алмаштирилғанлигидир. Шуни таъкидлаш жоизки, АҚШ нинг бир нечта университетларида, хусусан Массачусет техника университети ҳам ушбу атамадан фойдаланади. Япониялик талаба бакалавр даражасини олиши учун университетда 4 йил ўқиши керак, ундан 2 йили – кенг умумтаълим тайёргарлик, кейинги 2 йил – 25 мутахассислик бўйича таълим. Фанлар мажбурий ва танлов фанларига бўлинади. Японияда бир синов бирлиги талаба семестр давомида бирор фанни ҳар ҳафтада бир соат ўқишини ва бакалавр даражасини олиши учун 146 синов бирлиги тўплаши зарурлигини англаради. Японияда олий таълимдан кейинги таълим икки босқичдан иборат: "master course" – 2 йил давом этади ва магистрлик даражасини олиш билан якунланади ва "doctor course" – 3 йил давом этади ва доктор даражасини олиш билан якунланади.

Магистр даражасини олиш учун талаба 30 синов бирлиги тўплаши (бунда танлов фанлари илмий раҳбар билан келишиб олинади) ва диплом ишини ёзиши керак. Докторлик даражасини олиши учун магистрлик даражасини олгандан сўнг 3 йил давомида илмий раҳбари назоратида илмий иш билан шуғулланиши, битирув имтиҳонларини топшириши ва докторлик диссертациясини ҳимоя қилиши зарур.

Хитой таълим тизимини Чинхуа университети, Пекин давлат университети, Пекин техника университети, Жилиан университетлари мисолида ўрганиш шуни қўрсатадики, Хитой Халқ Республикасида Америка таълим тизимига ўхшаш уч даражали таълим тизими қабул қилинган. Бакалавр даражасини олиш учун 120 кредитни, магистр даражасини олиш учун – 30-60 кредитни қўлга киритиш керак. Ўқув йили икки семестрга ажратилган ва 1-сентябрдан бошланади. Бироқ, семестр давомийлиги Америка тизимидан фарқ қилиб 20 ҳафтани ташкил қиласиди.

Университетларда ўқиши 4-5 йил, таббиёт университетларида – 7-8 йил ва касбий-техник мактабларда – 2-3 йилни ташкил этади.

Юқорида көлтирилган дунё таълим тизимлари таҳлилидан келиб чиқиб Америка кредитлари (USCS) ни Европа (ECTS) ва Осиё-Тинч Океани (UCTS) кредитларига айлантириш анча осон: 1 Америка кредит-соати = 1 Хитой кредити = 1 Япон синов бирлиги = 2 Европа кредити = 2 Осиё-Тинч Океани кредити = 4 Британия кредити.

Таҳлил шуни күрсатадики, давлатларнинг таълим тизимларидаҳам сезиларли фарқлар мавжуд. Агар Европа кредити ўз хажми бўйича барча аудиториядаги контакт соатларни ва ундан ташқаридағи соатларни акс эттиrsa, Америка кредит соати қатъий равишда фақат аудиториядаги контакт соатларни ўзида ифодалайди ва талаба икки баробар қўпроқ мустақил шуғулланишининазарда тутади.

Кредит-модуль тизими аниқ эҳтиёжлар асосида пайдо бўлган. Энг аввало у олий таълим ўқув дастурларига эркинлик олиб кириш, ўқув дастурларига танлов фанларини кириб келиши билан чамбарчас боғлиқ. Бундан ташқари кредит - модуль тизими олий таълим ўқув дастурларини “юқоридан пастга” қараб эмас балки “пастдан юқорига қараб” яъни замон, меҳнат бозори ва талабалар эҳтиёжлари асосида шакллантириш эҳтиёжлари асосида юзага келган.

Кредит-модуль тизими қолаверса мамлакат олий таълим муассасаларини мамлакатдан ташқаридағи университетлар билан алоқаларини яхшилаш, мамлакат университетларини халқаро майдонда эътироф этилишига эришиш эҳтиёжлари асосида шаклланган. ECTS кредит-модуль тизимининг ҳозирги кундаги энг асосий вазифалари бу ОТМ ўқув дастурларига эркинлик, мослашувчанлик, шаффоффлик ва талабага йўналтирилган таълимни олиб кириш.

Кредит таълим тизимини ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, дунёнинг турли давлатларида у ўзига хос хусусиятларга эга. Шунга қарамасдан, кредит таълим тизимининг самараси ва мақсадга мувофиқлиги унинг кўплаб дунё давлатлари таълим тизимларида кенг тарқалганлиги билан асосланилади, чунки таълим дастурларининг талабаларда мустақил ишлаш кўникумларини ривожлантиришга қаратилиши ижодий фаолликни ва билим олишга ўзини сафарбар қилишга, таълим сифатини оширишга имкон беради.

## **§1.2. Хорижий тиббиёт олий таълим муассасаларида кредит модул тизимининг ўзига хос хос томонлари**

Таълим тизимидағи узлуксизлик ва узвийлик жамиятнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини кенгайтиришга туртки бўлиб, илмий ва техник ривожланишнинг барқарорлигини таъминлайди. Узлуксиз тиббиёт таълим сифатини турли таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, турли услублар ва усусларни таълим жараёнига мақсадли татбиқ этилишини таъминлайди.

Тиббиёт соҳасида мутахассисларни тайёрлашда назарий билим ва амалий кўникумларни юқори даражада эгаллаш билан бир қаторда илмий ўёналиш бўйича ҳам изланувчанлик қобилиятини шакллантириш жуда муҳимдир. Инновацион таълим технологияларининг татбиқ қилиниши соғлиқни сақлаш тизимида рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашда ўзига хос таъсирга эга бўлиб, таълим берувчиларнинг доимо замонавий технологиялардан фойдаланишлари ҳамда мустақил таълим жараёнини фаоллаштиришларини талаб қиласди.

Бугунги кунда ўқитиш методикаси, дидактика сингари, қийин даврни бошидан кечирмоқда. Ҳозирги вақтда олий тиббиёт таълимнинг мақсадлари ўзгарди, янги ўқув дастурлари ишлаб чиқилмоқда, таркибни алоҳида фанлар

орқали эмас, балки интеграциялашган таълим йўналишлари орқали акс эттиришнинг янги ёндашувларига асосланган таълимнинг янги концепциялари яратилмоқда.

Маълумки, таълим сифати таълим олувчини ўзбилимини қандай даражада амалиётда қўллай олиши билан белгиланади. Вақт кўрсатганидек, афсуски, талабаларни пассив-ахборотли ўқитиш шакллари ўқув фанларининг назарий материалини ўзлаштириш ва уларнинг ижодий клиник тафаккури ва тадқиқотчилик кўникмаларини тўғри шакллантириш даражаси ўртасидаги фарқларни бартараф эта олмайди.

Бугунги кунда биз ўқитиш амалиётида кенг қўлланиладиган фақатгина тушунтириш-иллюстратив ва репродуктив усулларга таяна олмаймиз. Таълимни янгилаш уни ташкил этишнинг ноанъанавий усуллари ва шаклларидан, шу жумладан кредит модул тизимида муҳим бўлган интегратив усуллардан фойдаланишни талаб қиласди. Интеграция нафақат фанлардаги ўзаро боғлиқлик нуқтаи назаридан, балки таълим технологиялари, усуллари ва шаклларининг интеграцияси сифатида ҳам кўриб чиқилиши керак.

Интеграциялашган таълимга ўтиш зарурати бир қатор объектив сабабларга қўра юзага келади: ўқувчиларнинг фанларга қизиқишининг сезиларли даражада пасайиши; мавжуд дастурларнинг етарли даражада ўйланмаганлиги ва ишлаб чиқилиши; ўқувчилар ўртасида билимларни шакллантириш босқичларининг номувофиқлиги, тарқоқлиги, уларда умумлаштирилган кўникма ва малакаларнинг ривожланиши. Амалиёт шуни кўрсатадики, айрим ҳолларда алоҳида фанлар доирасидаги бир тушунча ёки атама турлича таърифланади, бу эса ўз навбатида ўқув жараёнини мураккаблаштиради.

Мазкур жараённи ўрганишда QS ва THE рейтингларида юкори ўринларни эгаллаган қуидаги хорижий давлатлар университетларининг тажрибаси ва ўзига хос ижобий томонлари кузатилди.

1. Гарвард университети (АҚШ)
2. Фрайбург университети (Германия)
3. Корё университети (Жанубий Корея)
4. "Аладдин Кейкубат" университети (Туркия)
5. Вильнюсс ва Кауссанс университетлари (Литва)
6. Казань давлат тиббиёт университети (Россия)
7. Асфандиёров номли миллий тиббиёт университети (Қозогистон)

№	УНИВЕРСИТЕТЛАР	ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ	ЎҚУВ МУДДАТИ	КРЕДИТЛАР СОНИ	ФАНЛАР/МОДУЛЛАР СОНИ
1	Гарвард университети (АҚШ)	Тиббиёт	4 йил/4 йил	216/тапланган йўналиш бўйича алоҳида кредитлар	32 та интеграллаштирилган модуллар
2	Корё университети (Жанубий Корея)	Тиббиёт	6 йил	248	58 та фан. 2 йил умумий 4 йил хусусий
3	Аладдин Кейкубат университети (Туркия)	Тиббиёт	6 йил	300	6 та фан 15 та модуль 8 та блок

**1-расм. Хорижий давлатлар университетларининг тажрибаси.**

Үрганилган хорижий олий таълим муассасаларининг барчасида таълим йўналиши “Тиббиёт” (Medicine) деб номланади.

Хорижий олий таълим тизимида бакалавриат ўқиш даври 6 йилни ташкил этади, лекин Гарвард университетида 4 йил тиббиёт сўнг танланган йўналиш бўйича мақсадли 4 йил таълим жараёни ташкил қилинган. Европа, Осиё давлатлари тиббиёт йўналишларида тиббиёт олди ва тиббиёт фанларига ажратилган бўлиб, 2 йил премедикал фундаментал фанлар, 4 йил медикал тиббиётга оид фанлар ўргатилади.

№	УНИВЕРСИТЕТЛАР	ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ	ЎҚУВ МУДДАТИ	КРЕДИТ ЛАР СОНИ	ФАНЛАР/МОДУЛЛАР СОНИ
1	Вильнюсс университети (Литва)	Тиббиёт	6 йил	360	52 та фан стажировка, диплом иши
2	Каунасс университети (Литва)	Тиббиёт	6 йил	360	6 – 10 та фан 26 умумий модуль 12 та махсус модуль
3	Фрайбург университети (Германия)	Тиббиёт	6 йил 2 йил асосий 3 йил интенсив 1 йил интернатура	300	Хар бир семестрда 10/ 12 тадан фан 1-2 йил тиббий биологик фанлар 3-5 йил клиник фанлар

## 2-расм. Хорижий давлатлар университетларининг тажрибаси.

Хорижий олий таълим муассасаларида тиббий таълим жараёни қўйидаги ҳусусиятларга эга:

- ижтимоий фанлар инобатга олинмаган;

- тиллар кесимида турли ёндошувлар кузатилган (айримларида давлат тили, айримларида хорижий тил ўргатилиши инобатга олинган);
- давлатнинг ривожланиш даражаси, ҳозирда ва келажакда трендда бўлган соҳаларга йўналтирилганлик;
- фанлар аро интеграцияни инобатга олган ҳолда модул қўринишида шакллантирилганлиги;
- клиник фикрлаш ва таҳлил қилиш қўникмаларини ривожлантириш;
- илмий изланувчанликка йўналтириш;
- мустақил таълим жараёнига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, қайта боғланиш жараёнининг мавжудлиги;
- амалиёт ўтишга алоҳида эътибор қаратилганлиги;
- талабаларда мустақил илмий тадқиқот ишларини олиб бориш бўйича қўникмаларни шакллантирилиши.

## ТИББИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАР



ГАРВАРД УНИВЕРСИТЕТИ

- Бошланғич курсларда фундаментал фанлар ўзаро интеграцияда ўқитилади.
- Таълим жараёнида илмий тадқиқот жараёни асосий ўринни эгаллади.
- Шу билан бирга мукаммаллаштирилган ва итеграллаштирилган курслар муҳим бўлиб ҳисобланади.
- Клиник ва илмий тажриба жараёни юқори даражада жорий этилган



КОРЁ УНИВЕРСИТЕТИ

- Жанубий Кореяда тиббий таълим жараёни Осиё ва Европа давлатлари тажрибасига таянган ҳолда ташкил этилган
- Премидикал ва медикал босқичларга ажратилган.
- Премедикал босқичда(1-2 курс) асосан фундаментал тиббий биологик фанлар ўқитилади
- Медикал фанлар босқичида (3-6) асосан клиник фанлар ўқитилади
- Амалиёт жараёни 60%дан ортиқ улушга эга бўлиб, асосан 5 ва 6 курсда клиник амалиёт ўтказилади



Аладдин Кейкубатуниверситети

- Туркияда тиббий таълим жараёни Европа давлатлари тажрибаси асосида ташкил этилган.
- Асосан кредит мрдул тизимининг яққол кўриниши жорий қилинган.
- 1 ва 2 курсларда фундаментал фанлар бўйича таълим жараёни амалга оширилади
- 3 курсдан бошлаб асосан модул кўринишида юни мантикан ва клиник жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлган фанларни биргаликда ўқитиш тизими киритилган
- 6 курсда тўлиқ амалиёт жараёни жорий этилган

### 3-расм. Хорижий давлатлар университетларининг тиббий таълим жараёнининг ўзига хос томонлари.

Гарвард университети тиббиёт йўналишида илмий изланувчанлик муҳим ёндошувлардан бири ҳисобланади. Ўқув жараёнининг бошида ривожлантириш ҳафтасида таълим олувчиларга баҳолаш, қайта боғланиш, ўз ўзини назорат қилиш, таълим консолидацияси, ўқув режаларининг индивидуал генерацияси бўйича маълумотлар тақдим этилади. Бошланғич курсларда фундаментал фанлар ўзаро интеграцияда ўқитилади -биокимё, хужайра биологияси, генетика, ривожланиш биологияси ва анатомияга кириш, гистология, фармакология, патология, иммунология, микробиология. Таълимнинг ilk босқичлари нисбатан мураккаб бўлишига қарамасдан тиббиётда долзарб бўлган ҳимоя ва касалликларда иммунитет: дерматология,

ревматология, аллергия / иммунология фанларига алохода модул сифатида шакллантирилган. Соғлиқни сақлаш сиёсати, тиббий ва касбий этика, ижтимоий тиббиёт, клиник эпидемиология/ аҳоли саломатлиги каби фанлар эса бўлғуси мутахассисларнинг амалиётда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш, касбий маҳоратларини шакллантириш борасида ўзига хос тамойилларни билиш ва муҳим бўлган кўнилмаларни қўллай олишлари учун замин яратади.

Таълим жараёнида илмий тадқиқот ишлари асосий ўринни эгаллайди. Шу билан бирга мукаммалаштирилган ва интеграллаштирилган курслар муҳим ҳисобланади. Клиник ва илмий тажриба жараёни юқори даражада жорий этилган. Касбга кириш фанини ўқитишида таълим олувчиларга тиббиёт асослари, тиббий ёрдам қўлами ҳамда клиник фанларнинг фундаментал жиҳатлари инобатга олинади. Фундаментал клиниканинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида мулоқот асослари, физикал текширув, клиник фикрлаш ва тақдимот кўнилмалари ўргатилади ва нисбатан кўп – 14 кредит ажратилади. Гомеостаз модули алохода аҳамиятга эга бўлиб, юрак - қон томир ва нафас олиш тизими, гематология, гастроэнтерология, буйрак, эндокринология ва репродуктив эндокринология бўйича ўзига хос ҳусусиятлар кенг ёритилади. Кейинги босқичда эса инсон онги, мия ва хулқ атвори ҳамданеврология, психопатология фанлар интеграцияси амалга оширилади.

Асосий клиник тажрибага ўтиш жараёнида клиник анатомия, визуализация, клиник эпидемиология ва тиббий этика, маданият, наркомания, инсон ривожланишига доир йўналишларга 5 кредит ажратилган. Асосий клиник тажриба давомида эса тиббиётнинг асосий йўналишлари, неврология, акушерство ва гинекология, педиатрия, биринчи ёрдам, психиатрия, радиология, хирургия фанлари чукур ўргатилади ва ўртача 10 кредит берилади. Асосий клиник тажрибада (Principal Clinical Experience)

мустақил фаолият юритишиң мақсадыда таълим жараёнида 10 – 12 кредит ажратилади ва бевосита лабораторияда тадқиқот жараёнида иштирок этишлари учун шароит яратилади. З босқичда мұкаммаллаштирилған клиник ва илмий тажриба, интеграллаштирилған илмий курслар (AISC), илғор клиникваилмийтажриба, илмийлойиха, клиник факультативлар, оралиқ стажировкалар, бошқаилғор факультативлар амалга оширилади ва 60 – 65 кредит йиғиши имкони берилади. Мазкур босқичда умумий OSCEдан ўтиш талаби қўйилади.

Кейинги босқичда мұкаммаллаштирилған клиник ва илмий тажриба, интеграллаштирилған курслар, мажбурий курслар билан бир қаторда “Клиник чўққи” жараёнида илмий ёндошув асосида орттирилған клиник тажриба тавсифланади ва ўртача 50 – 52 кредит ажратилади. 5 ва 6 босқичларда мақсадлы амалиёт жараёни йўлга қўйилган бўлиб, модераторлар етакчилигига клиникаларда ўтказилади.

Жанубий Кореяда тиббий таълим жараёни Осиё ва Европа давлатлари тажрибасига таянган ҳолда ташкил этилган. Хусусан, Корё университетида таълим йўналиши премидикал ва медикал босқичларга ажратилған. Премедикал босқичда(1-2курс) асосан фундаментал тиббий биологик фанлар ўқитилиди - молекуляр биология, ҳужайра биологияси, тиббий генетика, умумий кимё ва лаборатория иши, тиббий статистика (назария ва амалиёт), физика, кимё, математика ҳамда хорижий тил ўқитилиди.

Таълим жараёнинг ижобий томонлари қуидагилардан иборат: мазкур босқичда фан ва технология интеграциясига алоҳида эътиборнинг қаратилиши, фикрлаш ва ифодалаш, кантитатив фикрлаш тушунчаларининг кенг ёритилиши ҳамда амалиётда қўллаш имконининг мавжудлиги. Шу билан бирга тиббий таълимга кириш ҳамда тиббий таълим назарияси бўйича

алоҳида кредитларнинг ажратилишидир. Фундаментал тиббий интеграллашган амалиёт эса таълим олувчиларнинг олган билим ва кўникмалари асосида амалиётга тайёргарлик даражаларини ошириш имконини беради.

3 босқичда медикал босқичга ўтишда фундаментал асосни таъминловчи фанларга 3 – 8 кредитгача ажратилиб, алоҳида ўқитилади – биокимё, анатомия, физиология, гистология, фундаментал неврология, микробиология, патология, эмбриология, фармакология. Шу билан бирга профилактик тиббиёт (клиник эпидемиология) йўналишига алоҳида эътибор қаратилади.

Кейинги босқичда эса клиник фанлар яъни нефрология, психиатрия, кардиология, ҳулқ-атвор фани, клиник тиббиёт, иммунология, акушерлик ва гинекология, педиатрия, инфекция, пульмонология, соғлиқни сақлашни бошқариш, мускулоскелотология, неврология, клиник анатомия, гастроэнтерология, шошилинч тиббиёт, эндокринология ва метаболизм, гематология, онкологияга ўртacha 1- 4 кредитгача ажратилади. Мазкур босқичда ўзига хос ҳусусиятларидан бири клиник тиббиёт ва унинг тадқиқотлари ҳамда диагностика жараёнига алоҳида кредит берилишидир.

5 ва 6 амалиёт босқичи бўлиб, ички касалликлар ҳамда жарроҳлик касалликлар йўналишидаги фанларни ўқитиш (2 – 4 кредитгача) билан бир қаторда клиник тиббиёт синтези ҳамда клиник баҳолаш жараёни амалга оширилади. Эътиборга лойик томони, амалий тиббиёт, тиббий этика ва профессионализга ҳамда профилактик тиббиётга (атроф мухит ва саноат) алоҳида аҳамият берилади. Сўнгги босқичда тиббиёт назарияси синтезини, клиник тиббиёт кўникма ютуғини баҳолаш, фундаментал тиббиёт синтезини баҳолаш жараёни, волонтерлик ва битирув имтиҳони ўтказилади. Медикал

фанлар босқичида (3-6) асосан клиник фанлар ўқитилади. Амалиёт жараёни 60%дан ортиқ улушга эга бўлиб 5 ва 6 курсда клиник амалиёт ўтказилади.

Туркияда тиббий таълим жараёни Европа давлатлари тажрибаси асосида кредит модул тизимининг яққол кўриниши жорий қилинган. 1 ва 2 курсларда фундаментал фанлар бўйича таълим жараёни амалга оширилади. Асосий тиббий фанларга кириш: тиббий биология, тиббий биокимё, биофизика, тиббиёт тарихи ва этика, тиббий терминология, физиология, гистология, эмбриология, анатомия, тиббий психология, халқ соғлиғи каби фанлар (9 - 10 кредитгача) билан бир қаторда турк тили, инглиз тили (1 – 2 кредит) мажбурий фанлар сифатида киритилган. Биостатистика ва информацион технологиялар фанига -2 кредит ажратилган. Ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш мақсадида миллий турк рақслари ҳам танлов фанига киритилиб 2 кредит ажратилган. 3 курсдан бошлаб асосан модул кўринишида яъни мантиқан ва клиник жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлган фанларни биргаликда ўқитиш тизими киритилган. 6 курсда тўлиқ амалиёт жараёни жорий этилган. Интеграллаштирилган кейслар мухокамаси ҳам ўқув жараёнининг ўзига хос томонларидан биридир.

Литва давлатида тиббий таълим жараёнини такомиллаштиришда бир қатор ислоҳатлар амалга оширилди. Вильнюсс университетида 1 ва 2 семестр давомида мажбурий курслар тиббий биологик фанлар ўқитилади: анатомия, биология ва одам генетикаси, гистология, тиббий текширув жараёнига кириш, лотин ва махсус тил, биокимё, одам психологияси, касбий мулоқот асослари, психосоматия фанларининг ҳар бирига 5 кредитдан ажратилади. 3 ва 4 семестрда умумий таълим модуллари ҳам инобатта олинган бўлиб, умумий микробиология, иммунология, одам физиологияси, соғлиқни саклаш тизими, ички касалликлар пропедевтикаси, клиник онкология асослари ўргатилади. Ҳамширалик кўникмаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. 5

ва 10 семестрлар давомида клиник фанлар ўқитилади ўртача 5 кредитдан ажратилган. Клиник амалий кў尼克малар алоҳида фан сифатида шакллантирилган. 10 семестрда оиласий тиббиёт ҳам инобатга олинган. 11 ва 12 семестрда стажировка ва диплом иши талаб қилинади.

Каунасс тиббиёт университетида эса 1 ва 2 семестрларда тиббиётга кириш курси таркибида саломатлик, текширув усуллари, шифокор умумий кў尼克малари, биринчи тиббий ёрдам ҳамда асосий фундаментал фанлар ўқитилади. 3 семестрдан клиник олди текширувлар курси бўйича тиббий биологик фанларинтеграцияси организм тизимлари бўйича шакллантирилган. Ижтимоий фанлар электив курс сифатида ўқитилади. 5 семестрдан касбий компетенциялар ва клиник кў尼克маларга алоҳида эътибор қаратилади. Илмий тадқиқот ишини ташкил этиш инобатга олинган. 7 ва 8 семестрда клиник тиббиётда амалий кў尼克малар клиник фанлар бўйича алоҳида ўргатилади. Муолажаларни бажариш ҳамда самарали муроқот кў尼克малари ҳам муҳим бўлиб ҳисобланади 9 семестрдан бошлаб алоҳида модуллар шакллантирилган. Илмий тадқиқот иши ва амалиётга алоҳида кредитлар ажратилган.

Фрайсбург университетида 1 ва 4 семестр клиник олди босқич бўлиб, тиббиётнинг илмий асослари яъни фундаментал фанлар ўқитилади ва албатта 3 ойлик амалиёт ўтиши талаб қилинади. 5 ва 6 семестр интенсив амалий курслар яъни тиббий биологик, патология, гигиеник, профилактик, психологик, соғлиқни сақлаш доирасидаги фанлар ўқитилади. 7 ва 10 семестрда клиник фанлар алоҳида ўқитилади. 11 ва 12 семестр интернатура – клиникада мажбурий амалиёт ташкил этилади. 2 курс охирида клиник босқичга ўтиш ва 10 семестр якунида интернатурага ўтиш учун якуний давлат аттестацияси топширилади.

Россия федерациясида тиббий таълим жараёни гуманитар, фундаментал, тиббий – биологик, мутахассислик фанлар бўйича курслар кесимида тақсимланган бўлиб, 1 -3 босқичларда асосан ижтимоий, тиббий биологик фанлар жуфтлик дарслар сифатида ўқитилади. Мазкур босқичларда фундаментал фанлар амалий машғулот ҳамда маъруза машғулотлари шаклида ўтказилади. 4 – 6 курлар кесимида эса терапия, жарроҳлик, педиатрия, акушерлик ва гинекология йўналишлари бўйича ўртacha 10 – 12 тадан фанлар семестрлар кесимида цикллар кўринишида шакллантирилган. Ўзига хос томонлари комобид ҳолатлар бўйича фанларга алоҳида эътибор қаратилган. Барча босқичларда алоҳида амалиёт жараёни ташкил этилган. 6 курс сўнгига якуний давлат аттестацияси ўтказилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жойизки, хорижий давлатларда тиббий таълим жараёни ўзига хос тамойилларга эга бўлсада, ўкув жараёнини ташкил этишда фундаментал ва клиник фанлар бўйича ўқитиш жараёни деярли умумий ёндошувга эга. Барча давлатларда у ёки бу даражада интегратив ёндошув инобатга олинган. Америкада қўшма штатларида тиббий таълим асосан илмий тадқиқот йўналишига, Европа давлатларида эса модулли ёндошув асосида илмий –амалий тажрибанинг йўлга қўйилганлиги, вертикал интеграциянининг инобатга олинганлиги, Корея, Россия федерациясида эса таълим жараёни фанлар аро горизонтал интеграциянинг устунлиги билан ажралиб туради.

Хорижий давлатларда тиббиёт олий таълим муассасаларида назарий билим, амалий кўнилмаларни эгаллаш ва амалиёт жараёнларининг узлуксизлиги аудитория – симуляцион ўқитиш марказлари ва клиникада амалга ошириш орқали таъминланади. Амалиёт ва илмий тадқиқот жараёни кучли назорат остида ўтказилади ва баҳолаш тўлиқ инобатга олинади.

### **§1.3 Олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишда модуллли ёндошувнинг аҳамияти**

Модулли ўқитиш - таълим жараёнини ташкил этиш, унда таълим ахбороти модулларга (тўлиқ ва мустақил бирликлар, ахборот қисмлари) бўлинади.

Модул - бу ўқув материалининг мантиқий тўлдирилган бирлигини, мақсадли ҳаракатлар дастурини ва белгиланган мақсадларга эришишни таъминлайдиган услубий раҳбарликни ўз ичига олган маълумотлар блокидир. Модул концепцияси "ўқув материалининг мантиқий ҳажмини" ўз ичига олади, бунинг натижасида ҳар қандай аниқ ишни бажариш учун маълум назарий ва амалий кўникмаларни эгаллаш таъминланади.

Модулли ўқитишнинг моҳияти шундан иборатки, ўқитиш мазмуни автоном ташкилий-методик блокларга - модулларга тузилган бўлиб, уларнинг мазмуни ва ҳажми дидактик мақсадларга, ўқувчиларнинг профили ва даражаларининг фарқланишига, истакларига, талабаларнинг индивидуал траекторияни танлашига қараб фарқ қилиши мумкин, шу билан бирга ўқув курси бўйлаб ҳаракатланиш имкони мавжуд.

Модулли таълим дастури - бу малака учун зарур бўлган муайян ваколатларни ўзлаштиришга қаратилган модуллар тўплами.

Кредит-модул тизимини жорий этишдан мақсад – “ҳозирда мавжуд бўлган эҳтиёжларни қондиришни кафолатлайдиган ва янги қизиқиш векторини аниқлайдиган” ўқитишнинг мазмуни ва ташкил этилиши жиҳатидан мослашувчан таълим тузилмаларини яратишдан иборат.

Кредит-модулли таълим тизимидағи асосий вазифа нафақат зарур билимларни бериш, балки талабани узлуксиз касбий таълим ва ўз-ўзини тарбиялаш тизимиға киритиш имконини берадиган таълимнинг янги шакллари ва усулларини танлашдир. Таълим дастурини ўзлаштиришнинг

мақсади - талабанинг маълум бир компетенцияларни (талабанинг таълим жараёнида ва маълум бир соҳада муваффақиятли фаолият юритиш учун эгаллаган билим, кўникма ва касбий тайёргарлиги) умумий даражасини эгаллашидир.



дарснинг аниқ тузилиши ва унинг тартиблилиги

- талабаларнинг билим олишига индивидуал ёндашиш
- самарали фикрлашни ривожлантириш; когнитив фаолликни ошириш
- ўз-ўзини баҳолашда кумулятив тамойил



ахборотни тақдим этишда мослашувчанлик

- талабанинг ўз-ўзини назорат қилиш имконияти
- талаба ишини баҳолашнинг аккумуляторли тамойили
- ўрганилаётган фанлар мазмунини ўзлаштиришнинг мослашувчан жадвали



нафақат ўз-ўзини назорат қилиш, балки ўз-ўзини баҳолаш имконияти

- мустақилликни шакллантириш
- таркиби малака талабларига мослаштириш имконияти
- таълим фаолиятида субъектив ҳолатни шакллантириш

#### **4-расм. Модулли ўқитиши тизимининг афзалликлари.**

Асосан билимларни ўрганишгайўналтирилган таълимнинг анъанавий ёндашувидан фарқли ўлароқ, модулли ёндашув мустақил фаолият орқали маълум бир касбий компетенцияга эришишга қаратилган.

Кредит-модулли таълим тизимида талабалар доимо ўқитувчи ва бошқа талабалардан ёрдам ва маслаҳат олиш, керак бўлганда эса ўз фаолиятини баҳолаш имкониятига эга. Бу ўқувчиларда жамоада ишлаш каби сифатни шакллантириш ва жамоавий меҳнат кўнималарини эгаллашга ёрдам беради.

Модулли таълим тизими ўқув модулларидан иборат. Унинг асосий ташкилий ва мазмун бирлиги бўлиб, нисбатан мустақил аҳамиятга эга бўлган ўқув материалини қамраб олади ва қоида тариқасида, мазмуни ўхшаш бўлган бир нечта мавзу ёки курс бўлимларини ўз ичига олади. Модулли бирлик модул таркибидаги ажралмас ва мустақил қисмдир. Ўқув элементи - бу касбий ёки бошқа вазифанинг баъзи жиҳатларини акс эттирувчи ўқув материалининг бир бўлраги. Бу таълим маълумотларининг асосий ташувчисидир.

Ўрганилаётган фаннинг ишчи ўқув дастурининг таркибий бўлинмаси сифатида модулнинг мақсади талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларни эгаллаши учун шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, талабаларнинг келажақда шифокор сифатида ишлиши учун зарур бўлган профессионал шахсий фазилатларни шакллантиришдан иборат. Модулли ўқитишининг моҳияти шундан иборатки, талаба ўзига таклиф қилинган, ўз олдига қўйилган дидактик мақсадларга эришиш учун мақсадли ҳаракатлар режаси, ахборот банки ва услубий қўлланмани ўз ичига олган индивидуал ўқув режаси билан мустақил ишлай олади.

Модулли ёндошув асосида ўқитишда тиббий фанларнинг ўзаро мантиқий боғлиқлигини инобатга олган ҳолда ўқитиши талабаларнинг назарий билимларини мустаҳкам эгаллашлари ҳамда клиник фикрлаш, олинган билимларни умунийлаштириш имконини беради.

#### **§1.4 Биринчи боб бўйича хulosалар.**

Кредит тизимларининг юзага келган кенг қамровли диверсификацияси шароитида ECTS тизими қўп миллатли Европа анъаналарини инобатга олган ҳолда турли таълим тизимларини яқинлаштиради. Ўзбекистонда кредит таълим тизимига асосланган миллий моделни ишлаб чиқишида, Европа ECTS

кредити ва Америка кредит соатлари тизимларининг ютуқларини инобатга олган ҳолда юқори таълим сифатини ва дунё таълим жараёнларига интеграциялашиш учун ишончли асосни танлаш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасида таълим тизимидағи ислоҳатлардан бири сифатида олий таълимда ўқув жараёнини кредит-модуль тизимиға босқичма-босқич ўтказиш устувор вазифалардан қилиб белгиланди. Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонида “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимиға ўтказиш” бўйича топшириқ берилган бўлса, Олий Мажлисга Мурожаатномасида эса “Олий таълимда ўқув жараёнини кредит-модуль тизимиға ўтказиш талаб этилади” деб, масалан, қатъий кун тартибига қўйилди. Бу эса олий таълимда ўқув жараёнини кредит-модуль тизимиға ўтказиш бўйича қатор ишларни ташкил этиш ва Болония декларациясига Ўзбекистоннинг аъзо бўлиши учун шарт-шароит яратиш тўғрисида аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2019 йилнинг 8 октябрида “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони имзоланди. Ушбу муҳим ҳужжатда “республикадаги камидаги 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш ва уларда ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимиға ўтказиш” белгилаб берилди.

Шунингдек, 2030 йилга қадар республикадаги барча олий таълим муассасасининг 85 фоизи, жумладан, 33 та олий таълим даргохини кредит-модуль тизимига ўтказиш кўрсатиб ўтилди.

Модулли ўқитиши жараёнида муайян педагогик технологиялардан фойдаланиш талаб этилади. Бироқ мазкур технологияларни саралаш, улардан модулли ўқитиши жараёнида фанлар кесимида фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиши педагогикада ўз ечимини кутаётган вазифалардан бири ҳисобланади.

Кредит-модуль тизимининг жорий этилиши ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликда ишлашида муҳим омил ҳисобланади. Модулли таълимда педагог тингловчининг ўзлаштириши жараёнини ташкил этади, бошқаради, маслаҳат беради, текширади. Талаба эса йўналтирилган обьект томон мустақил ҳаракат қиласи. Энг катта ургу ҳам талабаларнинг мустақил таълим олишига қаратилади.

Ўкув жараёнида мустақил таълим олишнинг аҳамияти ортади ва бу келажакда мутахассисларнинг мустақиллиги, ижодий ташаббускорлиги ҳамда фаоллигини оширишга олиб келади. Кредит-модуль тизимида талабалар ҳар доим ўқитувчи ва курсдошларидан ёрдам ҳамда маслаҳат олиш имкониятига эга бўлади. Бу эса ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайди ва жамоада ишлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласи.

Кредит-модуль ўқитиши тизимига ўтиш олий ўкув юрти профессор-ўқитувчиларига бўлган мажбурият ҳамда талабни ҳам оширади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, модулли ўқитиши тизими билан ўқитувчи нафақат ахборот берувчи ва назорат қилувчи функцияларини, балки маслаҳатчи ҳамда мувофиқлаштирувчилик вазифаларини ҳам бажаради. Педагогик жараёнда ўқитувчининг етакчилик роли сақлаб қолинади.

Кредитмодуль тизимини жорий этишда қуидагилар мұхим бўлиб ҳисобланади:

- академик эркинлик даражаси ортади (фанларни мустақил равиша танлаш, муддатларни белгилаш, ўқитувчиларни танлаш);
  - талабаларнинг ўқув фаолиятида мустақил таълим улушининг ортиши (камида 50%);
  - дарс жадвалларини 5 кунлик тизимга ўтказишнинг қулайлиги (хафтасига 30 соат, кунига 6 соатдан);
  - ўқитувчиларнинг дарс бериш фаолиятида ривожлантирувчи мұхитнинг пайдо бўлиши (маслаҳат дарслари, ўқитувчи раҳбарлигидаги талабанинг мустақил ишлари);
  - назарий таълим улушининг камайиши ва талабанинг амалий характердаги ўлчанувчан қўникмаларни орттириши (турли интерфаол таълим усулларини жорий қилиш, амалий машғулотларни мустақил таълимда давом эттириш ва уларни аниқ фаолият турлари орқали баҳолаш мезонлари);
  - талабаларнинг мустақил изланишга қаратилган ўқув фаолиятлари (ўзи танлаган шахсий таълим траекторияси бўйича ўқиш);
  - талабаларни ҳаётда мустақил бўлишга кўникириш, ҳар семестрда турли академик гуруҳларда ўқишига имкон бериш;
- таълим дастурлари мазмунининг инновационлиги (илғор илмий ютуқларга йўналтирилганлиги);
- талабанинг таълим мұхитига таъсир кўрсатиши (дарснинг ташкил қилинишига, ўқитиш усулларига таклиф ва тавсиялар бериши);
  - таълим дастурларида олий ўқув юрти таркибий қисмлари улушининг ортиши;
  - интерфаол, муаммоли-рағбатлантирувчи, инновацион ўқитиш усуллари улушининг ортиши (талабага йўналтирилган таълим мұхити);

- илмий изланишлар асосида таълим бериш учун шароитларнинг яратилиши;
- талабаларнинг ўкув ишларини мунтазам ва босқичли тарзда назорат қилиб бориш;
- ўқитиш методларида самарали ва изланувчан усуллар улушкининг ортиши (ижодий ишлар, тақдимотлар, портфолио усулларида баҳолашнинг жорий қилиниши орқали);
- таълим дастурлари мазмуни ва муддатларининг диверсификация қилиниши, талабанинг таълим олишдаги имкониятларининг кенгайтирилиши (танлов асосида қўшимча фанларни ўқиш мумкинлиги, кредитларни олдиндан олиш имконияти, экстерн имтиҳонларни топшириши);
- талабаларни табақалаб ўқитиш (илғор талабаларни алоҳида гурӯхларда ўқитиш орқали таълим самарасини ошириш);
- аралаш ўқитишнинг тескари синф (flipped classroom) усулини қўллаш имконияти (кatta контингентга умумий маъruzаларни материалларни олдиндан тарқатиш ва дарсни талабаларнинг амалий кўникмаларини шакллантиришга йўналтириш орқалисавол-жавоб тарзида ўтказиш);
- бошқа мамлакатларда тан олинадиган малака ва академик даражаларнинг олиниши (дипломларнинг конвертацияси).

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган кредит-модуль тизимининг самараси, тажрибаларининг муваффақият қозониши қўйидаги омилларга боғлиқ:

- ўкув жараёнининг меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий-бошқарув, молиявий ва иқтисодий, моддий-техник ва илмий-услубий таъминоти;
- замонавий дарсликлар ва ўкув-услубий адабиётлар билан таъминланганлиги;

- халқаро ахборот тармоқлари мавжудлиги, лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги ва ўқув фаолиятида янги ахборот технологияларининг қўлланилиши;
- ўз устида ишловчи, педагогик маҳоратини мунтазам ошириб борувчи, интерфаол ўқитиш усулларини эгаллаган, ўқув жараёнини кредитмодуль тизимида ташкил қилиш бўйича тайёргарликдан ўтган ўқитувчиларнинг мавжудлиги;
- талабаларнинг шахсий ва мустақил таълим фаолияти учун шароитлар яратилганлиги.

Кредит модул тизимнинг тиббий олий таълимга жорий қилиниши ўқитиш сифатини ошириш, шаффофликни таъминлаш, коррупцияга барҳам бериш, таълим олувчининг ҳақиқий билимини юзага чиқариш ҳамда талабанинг мустақил ўқиб-ўрганиб, ўз устида ишлашига замин яратади.

---

## **II БОБ. ТИББИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА МОДУЛЛАР ШАКЛЛАНТИРИЛИШИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ**

---

### **§2.1 Модулли ёндошув асосида таълим жараёнини ташкил этишда хорижий тиббиёт олий таълим муассасалари тажрибаси**

Кредит-модул тизимиға ўтиш – тараққиёт жараёнигин талаб ва эҳтиёжи бўлиб, юқори малакали, чуқур билим ва кўникмаларга эга бўлган мутахассисдан касбий компетентлилик ва ноодатий вазиятларда қарор қабул қилиш, жамоада ишлаш, ахборотни мустақил олиш, таҳлил қилиш, ундан самарали фойдаланиш, ўзгарувчан вазиятларга мослашувчанликни талаб қиласди. Бу эса, ўз навбатида, бевосита тайёрланадиган кадрларнинг мотивацион хусусиятларига, хусусан, билимларни ўзлаштириш самарадорлиги ўқув фаолиятининг муваффақиятлилигини белгилаб берувчи омилларга яъни таълим олиш жараёнини ташкиллаштириш ва таълим сифатини оширишга бевосита боғлиқдир.

Модулли ёндошув асосида тиббий таълим тизимини ташкил этишда ўқув жараёнини мантиқий боғлиқликка эга бўлган ҳолда ўқув жараёнига оид ахборотни модулли тасаввур этиш асосида уюштириш усули инобатга олиниб, таълим мазмуни алоҳида ташкилий-услубий модулларда акс эттирилади ва унинг ҳажми дидактик мақсадлар, таълим олувчиларнинг ихтисослиги ва даражасига кўра фарқланишига боғлиқ равишда оптималлашиши лозим. Модулларнинг мувофиқлаштирилиши таҳсил олувчиларнинг таълими ва мустақил ўрганишида муҳим бўлган ўқув материалини танлаш ва комплектлашда мосланувчанликнинг зарурий даражасини таъминлаш зарур. Курслар кесимида модулларни шакллантиришда анъанавий ишчи ўқув дастурларидан фарқли равишда

таълимнинг модулли дастурини ишлаб чиқишида фанларнинг фундаментал асослилиги, мантиқий боғлиқлиги хамда узвийлигини инобатга олиш муҳимдир.

Хорижий олий таълим муассасаларида қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратилган: ўқув материалининг тузилмаси ўзига хос кўринишда бўлиб, асосий маълумот ташкилий-услубий блоклар кўринишида шакллантирилади, ўрганишдан сўнг педагогик мақсад, таълимнинг мақсадли дастурларининг самараси муҳим бўлиб ҳисобланади. Таълимнинг ташкилий томонигазамонавий ёндашув билан қаралади, яънитаълим берувчи ва олувчи ўртасидаги жараёндапедагог томонидан аниқ вазифа берилиши, талаба томонидан эсамустақил изланишлар асосида билим эгалланиши лозимлиги илгари сурилади. Шу билан бирга назарий ва амалий билимларни эгаллаш самарадорлиги оширишга қаратилган фаннинг амалиётга узвий боғланиши учун зарур шарт шароитлар яратилади.

Адабиётлар таҳлилига кўра, хорижий тажрибага таянган ҳолда эътироф этиш мумкинки, модулли ёндошув асосида педагогик технологиядан фойдаланиш ривожланган давлатларда, хусусан гарбий Евробада кенг тарқалган. Гарвард университетида 1869 йилда талабанинг ўқув фанини келгусида чуқурроқ ўрганиш учун мустақил танлаш имконияти бериладиган таълим тизими жорий этишда, талабанинг бўлғуси касбий соҳаси учун қандай билимлар ва малакалар зарур бўлишини ўзи белгилай олиш инобатга олинган эди.

Хорижий тиббиёт олий таълим муассасаларида модулли ёндошув асосида ўқув жараёнини ташкил этишда ўзига хос томонлари, ўқув режа ва дастурлари ўрганилди ва солиштирма маълумотлар шакллантирилди. Бунда ҳар бир тиббиёт олийгоҳининг умумий ва ўзига хос томонлари таҳлил қилинди ([2.1; 2.2; 2.3; 2.4; 2.5; 2.6 – жадвал](#)).

## 2.1 - жадвал

### 1 курс кесимида модулларнинг номланиши ва таркиби

Гарвард университети (АҚШ)	"Аладин кейкүбайт" (Турция)	Каунасс университети (Литва)	Корё университети (Жанубий Корея)
<b>Модулларнинг номланиши</b>			
1.Касбий ривожлантириш 2.Тиббий биологик фанлар модули: биокимё, ҳужайра биологияси, генетика, ривожланиш биологияси ва анатомияга кириш, гистология, фармакология, патология, иммунология, микробиология 3.Химоя касалликларда иммунитет: дерматология, ревматология, аллергия / иммунология 4.Соғлиқни сақлаш: тиббий ва касбий этика, ижтимоий тиббиёт, клиник эпидемиология/ахоли саломатлиги	1.Асосий тиббий фанларга кириш: тиббий биология, тиббий биокимё, биофизика, тиббиёт тарихи ва этика, тиббий терминология 2.Молекуладан ҳужайрага: тиббий биология, тиббий биокимё, биофизика, тиббиёт тарихи ва этика, физиология 3.Асосий курслар: анатомия тиббий биология тиббий биокимё гистология ва эмбриология тиббий психология 4.Ҳужайрадан тўқимага: анатомия, гистология	1. Касбга кириш: Текширув жараёнига кириш шифокорларнинг умумий кўнималари, соғлом инсон ва турмуш тарзи, беморлар хавфсизлиги, биринчи тез тиббий ёрдам, 2.Тиббий физика ва биостатистика 3. Ҳужайра биологияси, паразитология ва генетика 4. Анатомия 5.Касбий терминология ва лотин тили асослари. 6. Литва тили (хорижий) I даражаси 7. Гистология ва одам эмбриологияси 8. Тиббий кимё	1. Инглиз тили (академик). 2.Молекуляр биология 3. Ҳужайра биологияси 4. Тиббий генетика 5.Умумий кимё ва лаборатория 6. Тиббий статистика 7. Фан ва технология. Кантитатив фикрлаш 8. Тиббий таълимга кириш 9. Фундаментал тиббий интеграллашган амалиёт 10. фикрлаш ва ифодалаш.

<p>5. Касбга кириш: 6. Мулоқот асослари, физикал текширув, клиник фикрлаш ва тақдимот күнімалари; узлуксиз фундаментал клиникани ўз ичига олади</p> <p>6. Гемостаз 1: юрак - қон томир тизими, нафас олиш тизими, гематологик (қон тизими)</p> <p>7. Гемостаз 2: гастроэнтерология, буйрак, эндокринология ва репродуктив эндокринология</p> <p>8.Мулоқот асослари, физикал текширув, клиник фикрлаш ва тақдимот күнімалари; узлуксиз фундаментал клиникани ўз ичига олади.</p>	<p>эмбриология тиббий биокимё, тиббий психология халқ саломатлиги 5.Тұқима (мушак):гистология ва эмбриология физиология анатомия халқ саломатлиги 6.Мажбурий фанлар: Отатурк принциплари ва революция тарихи, Инглиз тили, Турк тили.</p> <p>7. Биостатистика ва информацион технологиялар</p> <p>8. Танлов фани: Турк миллий рақси</p>		
---	---	--	--

Тахли натижаларига қўра Гарвард университети (АҚШ) да ташкил қилинадиган ўкув жараёнлари бирмунча мураккаб. 1-курснинг бошланғич модули сифатида “Касбий ривожлантириш” модули талабанинг касбий

кўникмасини шакллантиришни кўзда тутади. “Тиббий биологик фанлар” модулида бевосита биокимё, ҳужайра биологияси, генетика, ривожланиш биологияси ва анатомияга кириш, гистология, фармакология, патология, микробиология фанлари киритилган бўлиб, бу фанларни талаба дастлабки курсида ўзлаштириши қийинчилик туғдириши мумкин.

“Химоя ва касалликларда иммунитет: дерматология, ревматология, аллергия, иммунология” модулида тиббий касалликлар ҳақида маълумотлар берилади.

“Соғлиқни сақлаш” модулида тиббий таълимнинг дастлабки курсидаёқ аҳоли саломатлиги бўйича билимлар берилиши бу муҳим ва долзарб вазифалардан бири. Чунки тиббий таълимга кириб келган талабанинг олдига мақсадлар конкрет қўйилади, ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлишга ундейди.

“Касбга кириш” модули жадвалда келтирилган барча олий таълим муассасаларида (“Аладдин кейкубат” (Туркия), Каунасс университети (Литва), Корё университети (Жанубий Корея) ҳам берилиши тиббий таълимнинг ўзига хос уйғунлигини ва боғлиқлигини таъминлайди. Ҳар бир ОТМда талаба ўзи танлаган касби ҳақида дастлабки тушунчаларни тафаккур қила олишларига имкон беради.

Гарвард университети (АҚШ)даги ўқув жараёнининг ўзига хос бўлган мураккаб ва долзарблиги шундаки, талаба 1-курсданоқ жиддий ўрганишни талаб қиласиган модулларга эътиборни қаратади. “Гемостаз 1”. Гемостаз 2” модуллари талабаларда касбий мотивацияни кучайтиради. Соҳага оид билимларни мукаммал ўрганиши лозимлигини тақозо этади.

“Аладдин кейкубат” (Туркия), Каунасс университети (Литва), Корё университети (Жанубий Корея) университетларида “Асосий тиббий фанларга кириш” модули асосида фанлар уйғунлиги мужассам, фақат номланишларида

фарқлар мавжуд. Ўқитиладиган фанлар таркиби деярли бир-бирига мутаносиблиги билан боғлиқлиги мавжуд. Талабалар бу ОТМларда деярли бир хил ўқув жараёнида билим олишлари мумкин бўлади.

“Аладдин кейкубат” (Туркия)нинг ўзига хос жиҳатларидан бири “Мажбурий фанлар” модулида “Отатурк принциплари ва революция тарихи”, Инглиз тили, Турк тили фанларининг ўқитилиши асосида талабанинг ўз мамлакатининг тарихий манбалари билан таништириш орқали Ватанига, юртига бўлган муҳаббати ва садоқати тарбияланади. “Турк тили” мажбурий фан сифатида миллий тилга бўлган ҳурматини оширади.

Бошқа ОТМларда фарқли ўлароқ, “Танлов фани” сифатида “Турк миллий рақси” нинг ўргатилишидир. Талаба бу ўқув жараёнида эстетик завқ олиш билан бирга, психологик мотивация олади. Рақс ўрганиш билан бирга тиббий соҳага оид билимларни ўзлаштиришга куч ва матонат топа олади.

Каунасс университети (Литва) нинг ўқув жараёнлари берилган модуллар тиббий таълимнинг дастлабки курси учун мувофик. Ҳар бир модул талабанинг тиббий билимларни босқичма-босқич асталик билан ўзлаштиришларини назарда тутган.

Корё университети (Жанубий Корея) да ҳам ўқув жараёни мазмунли, босқичли модуллардан иборат. Бу олий таълимнинг долзарб модулларидан бири “Кантитатив фикрлаш” ва “Фикрлаш ва ифодалаш” фанларидир. Ҳар бир талабанинг тафаккур қила олиш кўнижасини янада такомиллаштириш ва уни оғзаки нутқда ифодалай олишни ривожлантиришга қаратилганидир.

Хорижий тиббиёт муассасаларидаги модулли ёндашув асосида ўқув жараёнини ташкил этишдаги ўзига хос хусусиятлар таққосланганда бизнинг фикримизча, қуйидаги модуллар асосида ўқув жараёни ташкил қилиниши жоиз.

Шу жумладан 1 курс кесимида:

Касбга кириш: Текширув жараёнига кириш шифокорларнинг умумий кўнималари, соғлом инсон ва турмуш тарзи, беморлар хавфсизлиги, биринчи тез тиббий ёрдам (Каунасс университети (Литва) модули бўйича талаба танлаган касби ҳақидаги дастлабки тушунчаларини мустаҳкамлайди.

2. Молекуладан хужайрага: тиббий биология, тиббий биокимё, биофизика, тиббиёт тарихи ва этика, физиология ("Аладин кейкубайт"(Туркия) модули бўйичаталаба тиббий таълимдаги фундаментал фан асосларини ўрганишни бошлайди. Ўқув материалларининг самарадорлиги ва мазмунини бойитишга асос бўлади.

3. Касбий терминология ва лотин тили асослари. (Каунасс университети (Литва) модули бўйича тиббий атамалар лексик ва грамматик жиҳатдан ўрганилади.

4. Анатомия (Каунасс университети (Литва) модули бўйича ўрганилган тиббий атамаларнинг одам танасида жойлашуви ҳақидаги тасаввурлар бойитилади.

5. Соғлиқни сақлаш: тиббий ва касбий этика, ижтимоий тиббиёт, клиник эпидемиология/ ахоли саломатлиги (Гарвард университети (АҚШ) модули бўйича соғлиқни сақлаш тизимидағи жараёнлар ҳақида тасаввурлари шакллантирилади.

6. Мажбурий фанлар: Отатурк принциплари ва революция тарихи, Инглиз тили, Турк тили. ("Аладин кейкубайт"(Туркия) модули бўйича ҳар бир шаклланаётган талаба ўз юритидаги сиёсий ва ижтимоий жараёнлар билан танишиши шарт. Миллат тилини мукаммал ўрганиши зарур.

7. Тиббий статистика. 8. Фан ва технология. Кантитатив фикрлаш. 9. Тиббий таълимга кириш (Корё университети (Жанубий Корея) модули бўйича Тиббиётда статистиканинг ўзига хос ўрни муҳимлиги таҳлил қилинади. Фанларни технологиялар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш тафаккурни

тезлаштириди. Даволаш жараёнида фойдаланадиган тиббий технологиялар ҳақида тасаввурлар боййиди.

2-курс кесимида Гарвард университети (АҚШ) тиббий таълимнинг навбатдаги босқичида ҳам мураккаб ва долзарб фанларни ўргатишга эътиборни қаратади (2.2 - жадвал).

## 2.2 - жадвал

### 2 курс кесимида модулларнинг номланиши ва таркиби

Гарвард университети (АҚШ)	"Аладин кейкубайт" (Туркия)	Каунасс университети (Литва)	Корё университети (Жанубий Корея)
Модулларнинг номланиши			
1. Онг, мия ва хулқ атвөр, Неврология, Психопатология. 2. Мулоқот асослари, физикал текширув, клиник фикрлаш ва тақдимот кўникмалари, асосий клиниканинг узлуксизлигини ўзиша олади. 3. Асосий клиник тажрибага ўтиш/ОСКЭ. Клиник анатомия, Визуализация, Клиник эпидемиология ва тиббий этика, маданият,	1.Контур ва нафас тизими: Анатомия Физиология Тиббий биохимия Гистология ва эмбриология Биофизика 2.Мушак, автоном асаб ва кон тизими: Анатомия Физиология Тиббий биохимия Гистология ва эмбриология 3. Метаболизм ва ошкозон ва ичак тизими: Анатомия Физиология Тиббий биохимия Гистология	1.Клиник олди текширувлар асоси: Биокимё Фармакология Микробиология Патологик физиология Физиология Патологик анатомия Тадқиқотга кириш 2.Ўтиш (ҳаракатлантириш) Мехнат тиббиёти Радиология Умумий хирургия Ортопедия ва травматология Тиббий	1. Инглиз тили (академик) 2. Молекуляр биология 3.Хужайра биологияси 4. Тиббий генетика 5. Умумий кимё+лаборатория 6. Фан ва технология. Кантитатив фикрлаш 7. Физика, кимё, математика 8. Тиббий таълимга кириш 9. Тиббий таълим назарияси 10. Фундаментал

<p>Наркомания, инсон ривожланиши.</p> <p>4. Асосий клиник тажриба.</p> <p>Тиббиётнинг асосий хизматлари, неврология, акушерство ва гинекология, педиатрия, биринчи ёрдам, психиатрия, радиология, хирургия</p> <p>5. Асосий клиник тажриба -I.</p> <p>6. Асосий клиник тажриба-II.</p>	<p>эмбриология</p> <p>Иммунология</p> <p>4. Нерв тизими:</p> <p>Анатомия</p> <p>Физиология</p> <p>Тиббий биохимия</p> <p>Гистология ва эмбриология</p> <p>Биофизика</p> <p>5. Эндокрин ва урогенитал тизим:</p> <p>Физиология</p> <p>Тиббий</p> <p>фармакология</p> <p>Тиббий биохимия</p> <p>Анатомия</p> <p>Гистология ва эмбриология</p> <p>7. Ривожланиш ва узаро хамкорлик курси</p> <p>8. Саломатлик конунлари</p>	<p>ташхислаш асослари.</p> <p>Хамширалик ишии асослари ва амалиёти</p> <p>Кинезиология</p> <p>Генетика</p> <p>Интеграллашган ўқув дастури</p> <p>3. Гомеостаз ва экскреция</p> <p>Тиббий</p> <p>ташхислаш асослари</p> <p>Радиология</p> <p>Умумий хирургия</p> <p>Интеграллашган ўқув дастури</p> <p>4. Нафас олиш тизими (респиратор)</p> <p>Тиббий</p> <p>ташхислаш асослари</p> <p>Умумий хирургия</p> <p>Радиология</p> <p>Тиббиёт ва экология</p> <p>Интеграллашган ўқув дастури</p> <p>5. Циркуляция</p>	<p>тиббий интеграллашган амалиёт</p> <p>11. Фикрлаш ва ифодалаш</p>
--	--	---	---

	<p>(юрак қон томир тизими)</p> <p>Тиббий ташхислаш асослари</p> <p>Умумий хирургия</p> <p>Интеграллашган ўқув дастури</p> <p>6. Литва (хорижий) тил, II даражада</p> <p>7. Саломатлик психологияси (жамоат саломатлиги)</p> <p>8. Гуманитар фанлар бўйича электив курслар (тил ва таълим).</p> <p>Касбий литва тили.</p> <p>9. Озиқ моддаларининг ҳазм бўлиши ва метаболизм</p> <p>10. Гомеостаз ва экскреция</p> <p>11. Нафас</p> <p>12. Циркуляция</p> <p><b>Изоҳ:</b> барча модулларда инобатга олинган. Анатомия Биокимё Гистология ва</p>	
--	--	--

		<b>эмбриология</b> <b>Физиология</b> <b>Патологическая</b> <b>анатомия</b> <b>Фармакология</b> <b>Патологическая</b> <b>физиология</b>	
--	--	--	--

Юқоридаги жадвалда кўриниб турибдики 1-курсда бошланган “Мулоқот асослари” давом эттирилиб, клиник қўнилмаларни такомиллаштириш ва билимларнинг узлуксизлигини таъминлайди. Энг долзарб модуллардан бири “Асосий клиник тажрибага ўтиш” модулларида берилган фанлар замонавий тиббиётнинг қизиқарли фанларини ўргатишни кўзда тутади. Бу модул бир неча даражаларга ажратилиши айниқса бошқа ОТМлардан фарқ қиласи. Тарабанинг тиббий билимларини ўзлаштиришга бўлган қизиқишини янада кучайтиришга хизмат қиласи ва ўзлаштирилган билимлари бўйича тафаккур ва тасаввурини кенгайтиради.

“Аладдий кейкубайт” (Туркия) таълим муассасасида ҳам тиббий билимлар бир-бирига боғлиқ ҳолда ташкил қилиниши аҳамиятлидир. Ҳар бир модул ўзаро бир-бирин тўлдиради ва занжирсимон билимлар асосида тиббий тафаккур изчиллигини таъминлайди. “Контур ва нафас тизими” “Мушак, автоном асад ва қон тизими”, “Метаболизм ва ошқозон, ичак тизими”, Нерв тизими” модуллари таркибида анатомия, тиббий биохимия, гистология ва эмбриология, иммунология, биофизика фанлари асосида ўргатилиши ўқитишининг долзарблигини белгилайди. Шунингдек, “Саломатлик қонунлари” модули тиббиёт соҳасида бурч ва мажбуриятни, қонун доирасидаги вазифаларни талабаларга сингдириши ҳам муҳим ўқув жараёни ҳисобланади.

Каунасс университети (Литва) нинг ўзига хос бўлган жиҳатларидан бири “Клиник олди текширувлар асоси” модули таркибида биокимё, фармакология, микробиология, патологик физиология, физиология, патологик анатомиянинг асослари ўргатилишидир. Шунингдек, “Ўтиш (харакатлантириш)”, “Гомеостаз ва экскрация”, “Нафас олиш тизими”, “Циркуляция” модуллари таркибида бир қатор клиник фанлар узвийлиги таъминланиб, интеграллашган ўқув дастурида билим берилиши ахамиятлидир. Каунасс университети (Литва) миллатининг обўсини янада юқори даражага кўтариши учун “Литва тили” (даражалари билан), “Касбий литва тили” фанларини ўқув жараёнига киритганидир. Чунки миллий тилини ўргатиш асосида ҳар бир талаба аввало, ўз юртига, ўз мамлакатининг ахолисига хизмат қилиши лозимлиги унинг ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қиласи. Бу бошқа олий ўқув юртларидан фарқли жиҳатлариdir.

Корё университети (Жанубий Корея) тизимли ўқув жараёнини ташкил қилувчи модуллар асосида тиббиётнинг сирлари билан талабаларни таништиради. “Молекуляр биология”, “Хужайра биологияси” ва “Тиббий генетика” модуллари узвий равишда бир-бири билан боғлиқ ҳолда изчилликни таъминлайди. Бу фанларни ўзлаштиришда муҳим жиҳатини ташкил қиласи. Лекин бу ОТМда “Тиббий таълимга кириш”, “Тиббий таълим назарияси” модуллари ўқув жараёнининг 1-курсларида ташкил қилинса, мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, “Фан ва технология” модули ҳам 2-курсда берилиши такрор ва талабаларга зерикарли бўлиш эҳтимолини кучайтиради.

2-курслар кесимида “Аладдин кейкубайт” (Туркия) ва Каунасс университети (Литва) таълим муассасаларидаги ўқув жараёни бир-бирига яқинлиги билан ажralиб туради. Анатомик ва клиник тасаввурлар

талабанинг тасаввурларини бойитади ва касбга бўлган мотивацияни кучайтиради. Корё университети (Жанубий Корея)да 2-курсда ҳам назарий тиббий билимлар берилиши ўзига хос зинапоя вазифасини ўтайди. Гарвард университети (АҚШ) да клиник тажрибаларга асосланган фанларнинг ўқитилиши ўзига хос мураккаб ва қизиқарлилиги билан аҳамиятлидир.

### **2.3 - жадвал**

#### **3 курс кесимида модулларнинг номланиши ва таркиби**

Гарвард университети (АҚШ)	"Аладин кейкубайт" (Туркия)	Каунасс университети (Литва)	Корё университети (Жанубий Корея)
<b>Модулларнинг номланиши</b>			
1. Асосий клиник тажриба 2. Мукаммалаштирилган клиник ва илмий тажриба 3. Асослар I (тиббий жараён) 4. Асослар II 5. Мукаммалаштирилган клиник ва интеграллаштирилган илмий курслар 6. Илфор клиник ва илмий тажриба. Илмий лойиха, клиник факултативлар,	1. Жамоат саломатлиги ва инфекцион касалликлар: Тиббий фармакология Тиббий патология Тиббий микробиология Халқ соғлиғи Юқумли касалликлар ва клиник микробиология Тиббий биохимия Тиббий генетика Кулок, бурун, томоқ касалликлари Кўз касаликлари Оилавий тиббиёт	1. Репродукция ва наслийлик Гистология ва эмбриология Биохимия Генетика Патологик анатомия Патологик физиология Физиология Фармакология Анатомия Ижтимоий тиббиёт Тиббиёт ва экология Интеграллашган ўқув дастури 2. Клиник текширув ўтазиш асослари (касбий)	1. Биокимё 2. Анатомия 3. Физиология 4. Гистология 5. Фундаментал неврология 6. Микробиология 7. Патология 8. Паразитология 9. Эмбриология 10. Фармакология 11. Профилактик тиббиёт (умумий эпидемиология )

оралиқ стажировкалар, бошқа факултативлар	<p>2. Неоплазия ва гематопоэтик тизим касаллуклари: Гематология/онколо гия</p> <p>Қулок, бурун, томок касаллуклари</p> <p>3. Циркулятор ва нафас тизими: Кардиология</p> <p>Күкрак қафаси касаллуклар</p> <p>Юракдаги операциялар</p> <p>Торакал хирургия</p> <p>Педиатрия</p> <p>Қулок, бурун, томок касаллуклари</p> <p>4. Ошқозон ва ичак тизими касаллуклари: Умумий хирургия</p> <p>Гастроэнтерология</p> <p>Педиатрия</p> <p>5. Эндокрин ва урогенитал тизим касаллуклари: Акушерлик ва гинекология</p> <p>Эндокринология</p> <p>Нефрология</p> <p>Урология</p> <p>Умумий хирургия</p> <p>Күз касаллуклари</p>	<p>компетенциялар) Умумий хирургия Иньекциялар</p> <p>3. Клиник күнікмалар асоси Тиббий ташхислаш</p> <p>Умумий хирургия күнікмалари</p> <p>4. Нерв ва эндокрин бошқаруви</p> <p>Анатомия</p> <p>Биохимия</p> <p>Фармакология</p> <p>Физиология</p> <p>Патологик физиология</p> <p>Гистология ва эмбриология</p> <p>Пат. анатомия</p> <p>Радиология</p> <p>Тиббий ташхислаш асослари</p> <p>Интеграллашган ўқув дастури</p> <p>5. Хиссиёт ва сезиш</p> <p>Анатомия</p> <p>Умумий хирургия</p> <p>Биохимия</p> <p>Хужайра биологияси</p> <p>Фармакология</p>	
--	--	---	--

	<p>6.Психиатрия ва nevрологik касалліктері: Неврология Рух соғлиғи ва касалліктері Күз касалліктері Мия ва нервлар хирургиясы (мия ва асаб хирургиясы) Қулқын, бурун, томоқ касалліктері Педиатрия</p> <p>7.Скелет ва мушак касалліктері: Ревматология/ жисмоний тиббиёт ва реабилитация Ортопедия Дерматология Мия ва нервлар хирургиясы (мия ва асаб хирургиясы ) <b>Изоҳ:</b> қуидагилар барча модулларда инобатта олинган. Тиббий фармакология Тиббий патология Тиббий микробиология Халқ саломатлигі Инфекцион касалліктері</p>	<p>Физиология Пат.физиология Гистология ва эмбриология Пат.анатомия Интеграллашған үқув дастуры</p> <p>6. Хорижий тил (мұкамал курс).</p> <p>7. Илмий тадқиқот жараёнини ташкил этиш. Тадқиқот ишини тайёрлаш асослари Саломатликни текшириш услубиёти Этика.</p> <p>8. Иммун реакция</p> <p>9. Инфекция</p> <p>10. Электив курс. фундаментал тиббиёт</p> <p><b>Изоҳ:</b> барча модулларда Радиология Юқумли касалліктері</p>	
--	--	---	--

	<p>клиник микробиология Тиббий биохимия Тиббий генетика Радиология Интеграллаштирилган мухокамаси Асосий тиббиёт амалиёти</p>	<p>Биохимия Анатомия Физиология Микробиология Умумий хирургия Пат. анатомия Гистология ва эмбриология Фармакология Тиб.ташхислаш асослари инобатга олинган.</p>	
--	---	---	--

3-курслар кесимида Гарвард университети (АҚШ) 3-курсда клиник фанларни “Асосий клиник тажриба”, “Мукаммаллаштирилган клиник ва илмий тажриба”, “Мукаммаллаштирилган клиник ва интеграллаштирилган илмий курслар”, “Илғор клиник ва илмий тажриба. Илмий лойиҳалар, клиник факультативлар, оралиқ стажировкалар ва бошқа факультативлар” модулларида ўргатишни мақсад қилиб қўйганлар. Бу бошқа тиббий ОТМлардан фарқли равишда анча илгарилаб кетилганилигини кўрсатади. Талаба 3-курсданоқ клиник билимларни ўрганиш асосида илмий тадқиқот ишларига йўналтирилиши, инновацион ғоялар устида ишлашлари бу энг муҳим ва долзарб ўқитиши жараёнидир. Талаба тиббий билим олиш билан бирга янги ихтиrolар ва кашфиётлар устида фикрлайди, клиник касалликларнинг даволашнинг янги усувлари асосида илмий изланишга йўналтирилади. Бундай ўқитиши жараёни бугунги кунда замонавий таълимнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Айниқса, илмий лойиҳалар устида ишлашни талабалик пайтидан бошланиши таҳсинга сазовардир. Шунингдек, тиббий билимларни

мустаҳкамлаш учун оралиқ стажировкаларнинг ўтилиши талабанинг мустақил фикрлашини ва тафаккурини такомиллаштириган хизмат қиласди. Бу жараёнлар бошқа тиббий ОТМларга тавсия қилинса, мақсадга мувофиқдир.

“Аладдин кейкубайт” (Туркия) таълим муассасасида “Жамоат саломатлиги ва инфекцион касалликлар”, “Неоплазия ва гематопоэтик тизим касалликлари”, “Циркулятор ва нафас тизими”, “Ошқозон ва ичак тизими касалликлари”, “Эндокрин ва урогенитал тизим касалликлари”, Психиатрия ва неврология касалликлари”, “Скелет ва мушак касалликлари” модуллари таркибида бир қатор фанлар ўқитилиши аҳамиятлидир. Ҳар бир касалликни ўрганиш жараёнида бир-бирига узвий равишда боғлиқ бўлган билимлар фанлар негизида таҳлил қилинади. З-курсда талаба касалликлар ҳақидаги билимлар тасаввурига назарий жиҳатдан эга бўлади. Бу таълим муассасасининг ўзига хос жиҳати шундаки, талаба ўзлаштирилган тиббий билимларини интеграллашган кейслар мухокамасида кўллай олишларидир. Айнан мана шу жараён ўқитишнинг долзарблигини белгилайди.

Каунасс университети (Литва) да “Репродукция ва наслийлик”, “Нерв ва эндокрин бошқаруви”, “Хиссиёт ва сезиш” каби модулларда бир қатор фанлар узвий равишда интерграллашган дастур асосида ўқитилади. Энг муҳим жиҳатларидан бири “Клиник текширув ўтказиш асослари (касбий компетенциялар)” модулининг ўқитилишидир. Шунингдек, “Клиник кўнилмалар асоси” модули аввалги модулнинг изчилигини таъминлаб, талабаларнинг билим ва кўнилмаларини мустаҳкамлашга хизмат қиласди. Каунасс университети (Литва)нинг ўқув жараёнидаги долзарб вазифаларидан бири талабаларга “Илмий тадқиқот ишлари” модулини ташкил қилингандигидир. Талабалар билим олиш билан бирга тадқиқот ишларини

олиб боришга, аҳоли саломатлиги муҳофаза қилиш учун янгиликлар устида ишлашлариға замин ҳозирлайди.

Корё университети (Жанубий Корея) “Биокимё”, “Анатомия”, “Физиология”, “Гистология” “Фундаментал неврология” ва бошқа фанларни мукаммал ўргатиши асосида ўқув жараёнини ташкил қиласы.

“Аладдин кейкүбайт”(Турция), Каунасс университети (Литва) Корё университети (Жанубий Корея) ўқув модулларини клиник касалликлар негизида ўргатилиши қизықарлы ва касалликларга боғлаб ўргатилиши мақсадга мувофиқдир.

3-курслар кесимида талабаларнинг мустақил фикрлашни таъминлаш борасида Гарвард университети (АҚШ)нинг ўқув жараёни бугунги кун талаблариға мувофиқ равищда инновацияларни тибиётга олиб киришга замин ҳозирлайди. Шунингдек, Каунасс университети (Литва) да ҳам талабаларни илмий тадқиқот ишлариға йўналтириш ўқитишнинг муҳим вазифаларини амалга оширишга хизмат қиласы. Тарабанинг ўқиши билан бирга креатив фикрлашлари такомиллаштириш Корё университети (Жанубий Корея) ўқув жараёнидаги аҳамиятга молик ишлари ҳисобланади.

#### 2.4 - жадвал

#### 4 курс кесимида модулларнинг номланиши ва таркиби

Гарвард университети (АҚШ)	"Аладин кейкүбайт" (Турция)	Каунасс университети (Литва)	Корё университети (Жанубий Корея)
<b>Модулларнинг номланиши</b>			
1.Мукаммалла штирилган клиник ва илмий тажриба 2. Мажбурий	1.Блок Ички касалликлар Инфекцион касалликлар ва	1. Юрак қон томир касалликлари Кардиология Кардиохирургия Реабилитация	1. Нефрология 2. Психиатрия 3. Кардиология 4. Хулқ атвөр фани

курс Асослар II 3.Мукаммалла штирилган интеграллашти рилган курслар (AISC) 4.Асослар II. Мажбурий курслар. 5. Клиник чўққи 6. Мажбурий клиник амалиёт  <b>Изоҳ:</b> Мазкур университетда 5 ва 6 курс давомида мақсадли амалиёт ўтиш жараёни ташкил этилади. Шу билан бирга мақсадли илмий тадқиқот жараёнини амалга ошириш ташкил этилади.	клиник микробиология- 2. Блок Умумий хирургия Пластик ва реконструктив хирургия 3. Блок Акушерлик ва гинекология Урология 4. Блок Болалар соғлиғи ва касалликлари Болалар хирургияси Болалар психиатрияси	Радиология Клин.лаборатор. ташхислаш Биохимия 2. Эндокринология ва эндохирургия Эндокринология Хирургия Ортопедия ва травматология Радиология Биохимия Клин.лаборатор. Ташхилаш 3. Таянч ҳаракат аппарати касалликлари Ортопедия ва травматология Ревматология Реабилитация Пластика реконст.хирургия Радиология Клин.лаборатор. ташхислаш 4. Кўкрак қафаси касалликлари, аллергология ва клиник иммунология. Пульмонология Аллергология ва	5. Клиник тибиёт 1 6. Иммунология 7. Акушерлик ва гинекология 8. Педиатрия 9. Инфекция 10.Пульмонологи я 11.Софлиқни сақлашни бошқариш 12.Мускулоскелот ология 13.Неврология 14.Клиник анатомияга кириш 15.Гастроэнтерол огия 16.Шошилинч тибиёт 17.Эндокринолог ия ва метаболизм 18.Гематология 19.Онкология 20.Клиник тибиёт 2 21.Клиник тибиёт тадқиқотлари 22.Ташхислаш

		<p>клиническая иммунология</p> <p>Торакальная хирургия</p> <p>Радиология</p> <p>5. Гематология и онкология</p> <p>Радиология</p> <p>Биохимия</p> <p>Клиническая лабораторная диагностика</p> <p>6. Инфекционные, туберкулезные и венерические болезни</p> <p>Клиническая лабораторная диагностика</p> <p>Радиология</p> <p>7. Психиатрия и клиническая психология</p> <p>8. Жамоат саломатлигини сақлашни бошқариш и ташкил этиши.</p> <p>Хуқуқни бошқариш</p> <p>Тиббиётда этика</p> <p>Профилактическая медицина</p> <p>Экология и охрана окружающей среды</p> <p>9. Клиническая медицина</p> <p>10. Муолажаларни бажариш и самарали ўзаро таъсир.</p> <p>Сamarali мулоқот</p>	
--	--	--	--

Хорижий тиббиёт олий таълим муассасаларида модулли ёндошув асосида ўкув жараёнини ташкил этлиши 4 курс кесимида ўрганиш шуни

кўрастадики, булардан Гарвард университети (АҚШ)да “Мукаммалаштирилган клиник ва илмий тажрибалар” модуллари “Асослар” таркибида мукаммал дастурлар асосида ташкил қилиниши олинган билимларни талабалар амалиёт билан бирга боғлайдилар. Айниқса “Клиник чўққи” деб номланган модул энг мукаммаллиги билан ажралиб туради. “Асослар II” модулида мажбурий курслар ўқитилиб, “Мажбурий клиник амалиёт” модулида ўзлаштирилган билимларни амалиётда қўллай олиш кўникмалари шакллантирилади. Талаба мустақил равишда bemорлар билан ишлай олишлари учун амалиётга катта эътибор қаратилиши долзарблиги билан аҳамиятга моликдир.

“Аладдин кейкубайт” (Туркия), Каунасс университети (Литва), Корё университети (Жанубий Корея) да клиник фанлар бир-бирига жуда яқин бўлиб, талабаларга турли касалликлар негизида уйғун равишда ўқув дастурлари модуллари тузилган. Бу билимлар асосида Каунасс университети (Литва) да ҳар бир касалликларнинг клиник лаборатор ташхислаш асосида ўқитилиши ўзига хос бўлган жиҳатини таъминлайди. Шунингдек, Корё университети (Жанубий Корея) да мазкур касалликлар маҳсус “Ташхисот” модулида мукаммалашган ўқув дастурида ўқитилиб, “Клиник тиббиёт тадқиқотлари” модулида талабалар илмий изланишлари учун йўналтириши муҳим ўқув жараёни саналади.

Каунасс университети (Литва) да “Клиник тиббиётда амалий кўникмалар”, “Муолажаларни бажариш ва самарали ўзаро таъсир. Самарали мулоқот” модулларининг долзарблики шундаки, талабаларнинг ўрганилиши лозим бўлган амалий кўникмаларга алоҳида аҳамият берилади. Шунингдек, муолажаларни бажара олиш кўникмаси шакллантирилади ва самарали таъсири учун белгиланган вазифалар ҳақида маълумотлар билан таъминланиши муҳим ўқитиш жараёнидир. Албатта тиббий маданиятда

самарали муроқотнинг ўрни катта аҳамиятга эгалиги инобатга олиниб, мазкур фаннинг ўқитилиши ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради.

## 2.5 - жадвал

### 5 курс кесимида модулларнинг номланиши ва таркиби

"Аладин кейкубайт" (Туркия)	Каунасс университети (Литва)	Корё университети (Жанубий Корея)
<b>Модулларнинг номланиши</b>		
1.Блок: Кукрак кафаси касаликлари Кардиология Физиотерапевтик реабилитация Бош мия ва асаб тизимидаидаги операциялар	1. Болалар касалликлари Педиатрик хирургия Педиатрик психиатрия Радиология Клин.лабор.ташхислаш Клиничес генетика	1. Кардиология 2. Гастроэнтерология 3. Пульмонология 4. Гематология 5. Нефрология 6. Инфекциология 7. Эндокринология 8. Жарроҳлик 9. Акушерлик ва гинекология
2. Блок Дерматология Радиология Аnestезиология реанимация Ядерли тиббиёт Куз касаликлари	2.Акушерлик ва гинекология Неонатология Радиология Клин.лабор.диагностика 3. Интенсив ва шошилинч ёрдам Клин.лаб.диагностика Анестезиология ваоғриқсизлантириш Интенсив тиббиёт Талофатлар тиббиёти	10.Педиатрия 11.Психология 12.Оила тиббиёти 13.Радиология 14.Ревматология 15.Профилактик тиббиёт (атроф мухит ва саноат)
3. Блок. Ортопедия ва травматология ЛОР касаликлари Суд тиббиёти Психиатрия	Пластик ва реконстрк.хирургия Анатомия 4. ҳазм қилиш тизими касаликлари Хирургия Юқумли касаликлар	16.Клиник тиббиёт синтези 1 17.Клиник тиббиёт синтези 2 18.Амалий тиббиёт 19.Тиббий этика ва профессонализм
4. Блок		

<p>Неврология Тез тиббий ёрдам Торакал хирургия Кардиохирургия</p> <p><b>Изоҳ:</b> Мазкур университетда 6 курс давомида мақсадли амалиёт ўтиш жараёни ташкил этилади.</p>	<p>Клин.лаб.диагностика Радиология .Гастроэнтерология 5. буйраклар ва сийдик чиқариш йўллари касалликлари клиник токсикология</p> <p>Нефрология Клин.лаб.диагностика Урология . Радиология 6. Асаб тизими касалликлари Радиология Неврология Реабилитация Юқумли касалликлар Нейрохирургия 7. Амалий қўнималар клиник тиббиёт – II 8. Маслаҳат бериш амалиёти</p>	
---	---	--

Юқоридаги жадвадлда кўриниб турибдики 5-курслар кесимида Гарвард университети (АҚШ) да талабалар мақсадли амалиётни бошлайдилар. Шу билан бирга мақсадли илмий тадқиқот жараёнига киришадилар.

“Аладдин кейкубайт” (Туркия) турли касалликларни 4 та йирик блокка тақсимлаб ўкув жараёнига тадбиқ этилиши аҳамиятга моликдир. Ҳар бир блокнинг таркибига кирувчи касалликлар ҳақида мукаммал илмий билимлар ва тажрибалар талабаларга ўргатилади. Талабалар ўзлаштирилиши лозим бўлган билимлар кейинги курслардаги мақсадли амалиёт даврида қўлланилиши учун замин ҳозирлайди.

Каунасс университети (Литва) да ҳам “Болалар касалликлари”, “Акушерлик ва гинекология”, “Ҳазм қилиш тизими касалликлари”,

“Буйраклар ва сийдик чиқариш йўллари касалликлари”, “Асаб тизими касалликлари” каби бир қатор модулларда клиник касалликларни ўрганишга хизмат қилувчи фанлар негизида ўқитиш жараёни давом эттирилади. “Амалий кўникмалар. Клиник тиббиёт” модулида касалликлар ҳақидаги кўникмалар таҳлилиниг мукаммаллаштириши аҳамиятга моликдир. Шунингдек, “Маслаҳат бериш амалиёти” модули ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради, чунки талаба ўзлаштирган билимлари ва ўрганган тажрибалари асосида мурожаат этувчи аҳоли қатламига тўғри ва фойдали маслаҳат бера олиш кўникмаси шакллантирилади.

Корё университети (Жанубий Корея) да ҳам “Аладдин кейкубайт” (Туркия), Каунасс университети (Литва)дагига ўхшаш клиник фанлар ўзига хос кўринишда ташкил қилинади. Юқоридаги ОТМлардан фарқли ўлароқ, “Профилактик тиббиёт (атроф мухит ва саноат)” модулининг ўқитилиши ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради. Ҳар қандай қандай касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олиш муҳимлигига эътибор қаратилади. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда атроф мухитнинг экологик жиҳатдан тоза бўлиши бугунги кун тиббиётининг муҳим ва эътиборга молик бўлган вазифаларидан биридир.

Корея халқининг миллий менталитетидан келиб чиқсан ҳолда “Тиббий этика ва профессионализм” модули барча ОТМлар эътиборини қаратадиган жиҳатлардан биридир. Тиббий маданиятни оширишда бу алоҳида аҳамиятга эга. Бизнинг фикримизча, бу модул барча тиббий таълим муассасаларида ўқитилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

6-курслар кесимида Гарвард университети (АҚШ) ва “Аладдин кейкубайт” (Туркия) да 6-курс талabalari мақсадли амалиёт ўташлари аҳамиятга моликдир (2.6. - жадвал).

## 2.6 – жадвал

### 6 курс кесимида модулларнинг номланиши ва таркиби

Каунасс университети (Литва)	Корё университети (Жанубий Корея)
1. Суд тиббиёти ва клиник патология 2. Клиник фармакология 3. Клиник модуль. Неврология 2 қисм. Офтальмология Оториноларингология Жағ юз хирургияси 4. Модуль. Жамоат саломатлигини сақлаш Гериатрия ва оиласвий тиббиёт 5. Шошилинч тиббиёт. Кўникмалар ва муолажадар Касалхонагача бўлган ёрдам стационардаги ёрдам 6. Мутахассислик бўйича танлов фани 7. Илмий тадқиқот иши. Тақдимот ва тайёргарлик 8. клиник тиббиёт амалиёти. 9. Тадқиқот иши . 10. Якуний имтиҳон	1. Шошилинч тиббиёт амалиёти 2. Неврология 3. Ортопедия 4. Торакал жарроҳлик 5. Пластик жарроҳлик 6. Нейрохирургия 7. Офтальмология 8. Оториноларингология 9. Урология 10. Дерматология 11. Анестезиология 12. Лаборатор тиббиёт 13. Ядро тиббиёти 14. Реабилитацион тиббиёти 15. Патология 16. Касб атроф мухити тиббиёти 17. Клиник тиббиёт синтези 3 18. Клиник даволаш техникаси 19. Тиббиёт назарияси синтезини баҳолаш 20. Клиник тиббиёт кўникма ютуғини баҳолаш 21. Фундаментал тиббиёт синтезини баҳолаш 22. Волонтерлик 23. Бити्रув имтиҳони

Каунасс университети (Литва)да “Суд тиббиёти ва клиник патология” модулида ўзлаштирилган тиббий билимлар асосида тиббий хулосалар бера олиш кўникмаси шакллантирилади. Шунингдек, “Клиник фармакология” турли касалликлар учун фармакологик тавсиялар берилса, “Клиник модул”да клиник касалликларга кирувчи ҳолатлар фан нуқтаи назаридан ўргатилиши давом этади. 6-курсда энг муҳим бўлган модуллардан бири “Мутахассислик бўйича танлов фани” талабанинг келгусида қайси соҳанинг эгаси сифатида ўзини намоён қила олиши кўникмасини шакллантиради. Бошқа ОТМлардан фарқли жиҳати шундаки, “Тадқиқот иши” модулининг ташкил қилинганидир. Талаба ўқув дастурини бажариш асосида ўзи мустақил равишда бирор касаллик борасида мустақил изланишларини намойиш эта олиш талаби қўйилишидир.

Корё университети (Жанубий Корея) да клиник фанлар ўқитилиши давом эттирилиши билан бирга бошқа ОТМлардан фарқли ўлароқ ўқитиш жараёнига “Касб атроф муҳити тиббиёти”, “Тиббиёт назарияси синтезини баҳолаш”, “Клиник тиббиёт кўникма ютуғини баҳолаш”, “Фундаментал тиббиёт синтезини баҳолаш” каби модулларнинг киритилганидир. Мазкур фанларни ўрганиш асосида талabalар қуи курсларда ўзлаштирган кантитатив фикрлаш ва ифодалаш кўникмаларини амалиётда қўллай олишларини намоён қила олишлари ўзининг долзарблиги билан аҳамиятга моликдир. Шунингдек, “Волонтерлик” модули ҳам касбга бўлган муҳаббатини ва фидойилигини намоён қила олиш кўникмасини такомиллаштиради. Бу модул барча ОТМларда ўқув жараёнига тадбиқ этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Таълим тизимида кредит тизими ва модулли ёндошув асосида ўқув жараёнини олиб бориш замонавий жиҳатларга эга кадрларни тайёрлашга кенг имконият яратганча меҳнат бозорининг ўзгарувчан эҳтиёжини қопловчи

механизм сифатида намоён бўлади, яъни олий ўқув юртлари битирувчиларининг академик ҳаракатчанлигини таъминлайди. Кредит тизимининг аҳамияти шундаки, академик дастурлар меҳнат бозори талабларига мос ҳолда тузилади.

## **§2.2. Кредит модул тизимида клиник фанларни ўқитишида фанлар аро интеграция**

Кредит тизимини жорий этишда миллий менталитетимиз ва ёш билан боғлиқ хусусиятларни инобатга олган ҳолда талабаларнинг маънавий-маърифий жиҳатдан ривожланишига етарлича эътибор бериш лозим. Индивидуаллашган ва дифференцияллашган ўқитиши тизими таълим муассасаларининг муқобиллиги, ўқув-дастурий ҳужжатларнинг ҳаракатчанлиги, ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий шароитга мослашувчанлигига асосланган. Бунинг учун олий таълимда ўқув ва тарбия жараёнини уйғун олиб бориш, олим, ўқитувчининг ижтимоий мавқеини ошириш, яъни талабаларнинг уларга ҳавас қилиши, эргашишига эришиш мақсадга мувофиқ. Шундагина ўқитишининг кредит технологияси ёрдамида юксак маънавиятли, ижодкор, ностандарт фикрлайдиган, инновация ва ташаббусларга бой мутахассисларни етиштиришга эришилади. Олий педагогик таълимнинг замонавий тизими нафақат унинг ривожланиш йўллари ва йўналишлари, балки бу билан боғлиқ муаммоларни аниқлайдиган янги сиёсий ҳамда ижтимоий ва иқтисодий шароитларда ҳаракатланади ва ривожланади.

*Фанлар аро интеграция таълим жараёнини сифат жиҳатидан мустаҳкамлаш ҳамда узвийликни таъминлаш имконини беради.*

Бир қатор мутахассисларнинг фикрича илмий тадқиқотлар таълим ва тарбия ишида янгиликнинг кенг миқёсда қидирилишини таъминлайдиган йўналишда олиб борилиши керак. Жумладан, кишининг тарбияси ва руҳий

жихатдан ривожланиши ўртасидаги ўзаро боғлиқликни очиб берган ҳолда таълим ва тарбия жараёнида унинг шахсини шакллантиришнийг психологик асосларини курсатиб бериш; одамларнинг ёши ва индивидуал ҳусусиятлари ўртасидаги нисбатни ўрганиш ҳам муҳим вазифалардан биридир.

Олий таълим тизимида ўқитиш мазмуни ва услубларининг сезиларли ўзгариши зарурати туфайли фанлараро алоқалар муаммоси долзарбdir. Бугунги кунгача илмий ва педагогик адабиётларда “фанлараро алоқалар”нинг 40 дан ортиқ турдаги тоифасига таърифлар келтирилган (2.1; 2.2 - расм).

Фанлараро интеграция қўйидаги таркибий қисмларга ажратилган:



## 2.1. – расм. Фанлараро интеграция.

Назариялар ва амалиётлар мазмуни уйғунлиги негизидаги фанлараро алоқаларнинг методологик функцияси қўйидагилардан иборат:



## 2.2. – расм. Фанлараро алоқаларнинг методологик функциялари.

Тиббиёт соҳасида ўқитиладиган барча фанлар эгалланган билим ва кўнимкамлар асосида шифоркорлик амалиётини мустақил юритиш имконини яратишга қаратилиши лозим. Бунда эса клиник фанлар фанлар мухим ўрин эгаллайди. Барча клиник фанларни ўрганиш алоҳида билимларни шунчаки жамлашдан иборат бўлмасдан, балки таълим олувчилар онгидаги тиббиётнинг илмий манзарасини яратиш, организмда кузатиладиган физиологик ва патологик ҳолатлар тўғрисида яхлит тасаввур ҳосил қилишдан иборат.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, талабаларнинсоғлиқни сақлаш тизимида аҳолига тиббий санитария ёрдамини кўрсатишда клиник фанларни нафақат ўзаро боғлиқ ҳолда, шу билан бирга тиббий биологик фанлар билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганиш яхши самара беради. Хусусан, Биология, кимё, физиология дарсларида асосий тушунчалар, ғоялар ва уларнинг ўзаро диалектик алоқадорлигини ёритиш катта аҳамият касб этади.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, интеграция – предметлараро боғланишда қўлланиладиган турли предметларни ўзаро келишилган ҳолда ўқитилиши, уларнинг ўзаро кескин таъсиrlашиш даражасига ўтиш орқали ўқитиш эканлигини яхши англаш лозим. Предметларнинг бундай таъсиrlашиши ўқитишда турли босқичларда амалга оширилади. Бундай боғланиш методик адабиётларда маълум даражада ёритилган бўлиб, унинг бошланғич даражасида (яъни биринчи босқичда), маълум предмет дарсларида, бошқа предметларга тегишли тушунча, тасаввур ва образлар жалб қилинади. Бошқача айтганда, маълум предмет замирида бошқа предметларга тегишли билимлардан самарали фойдаланилади.

Иккинчидан интеграция жараёнининг навбатдага мукаммалроқ даражаси (яъни иккинчи босқичи)да эса, барча предметлар бўйича ўқитиш жараёнида, педагог, биринчидан, ҳозирги замон табиий фанларининг асосини ташкил этувчи методологик тамойиллардан фойдаланишни ва иккинчидан, ўз моҳиятига кўра турли предметларга оид билимларни жалб қилинишига эҳтиёж сезадиган комплекс муаммоларни кўришни назарда тутади. Бунда таълимда қўлланиладиган умумий методологик тамойиллардан эҳтимолий қонунларнинг фундаменталлиги ва симметрия тамойили энг муҳим тамойиллардан ҳисобланади.

Таълимда фанлараро интеграция ғояси, ўқув предметларининг тузилиши ва мазмунини қайта қарашни, янги дарслик ва қўлланмалар

яратишни тақозо қиласи. Фанлараро интеграция қондош предметларни умумлаштириши, бошқа бир предметлар, айниқса, ижтимоий ва гуманитар фанлар бўйича сифат жиҳатдан янгиларини ишлаб чиқиши, олдимизга турган асосий вазифага айланиши лозим. Таълимда фанлараро интеграция, шунингдек педагогик технологиялар, жумладан таълимни компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш каби воситалар муҳим ташкил этувчи сифатида намоён бўлиши мумкинлигини алоҳида таъкидлаймиз. Бундай технологиилар интеграцияси барча предметлар бўйича уларнинг клиник олди ёки клиник бўлишидан қатъий назар кенг қўллай олиши ҳозирги замон учун оддий ва табиий ҳоллиги билан тушунтирилади.

Тиббий таълимдаги клиник олди фанлар талабаларга тиббиётнинг фундаменттал ва илмий манзарасини очиб беради. Шу боис тиббий биологик фанлар талаба дунёқарашининг табиий-илмий асосини ташкил этади. Фанлараро алоқадорлик талабаларнинг умумлашган илмий тушунчаларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши лозим. Билимлар интеграцияси таълимга ўзгача ёндашишни тақозо қиласи. Чунончи, ўқув материалини умумлашган тизимда баён қилиш, таълим-тарбия жараёнида муаммоли, модулли, шахсга йўналган технологиялардан фойдаланиш зарурлигини кўрсатади. Ўқитиш жараёнида фанлараро боғланишни амалга ошириш моддий ва маънавий оламни тадқиқ қилувчи турли фанларнинг ўзаро ҳамкорлиги улар ривожининг табиий жараёни ва ўқувчиларнинг илмий дунёқараши ва тафаккурини ривожлантирувчи омил сифатида назарда тутиш зарур. Таълим тизимида фанлараро алоқадорлик муҳим педагогик муаммодир. Бу соҳада кўплаб олимлар илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар. Жумладан, И.Д.Зверев қарашларида фанлараро боғланиш ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантиради, мустақиллигини оширади.

Фанлараро алоқалар ягона мақсадни кўзлаган холда, керакли билимлар мажмуасини яратиш ва шакиллантириш учун, турли фанларларга талуқли мазмун ва илмий тушинчаларни бир синтезланган, ечим талаб қилувчи ўқув обьектида яъни базавий фан ёки унда кўзда тутилган рефлексив топшириқ доирасида амалда қўллаш орқали бирлаштириб, касбий компетенцияларга оид бўлган турли фанлар мазмунига тегишли билимларни умумлаштириш, тизимлаштириш ва мустаҳкамлаш йўли билан яхлитлаб, мужассамлашган билимларни бирданига мажмуий қўллаш кўнишка ва малакаларини шакиллантиради.

Кўп фанлилик шароитида ўрганилаётган обьект хақида яхлит тизимли билим шакиллантириш масаласини ҳал этиш учун, аввало фанлар ичидағи назарий ва амалий адабиётларнинг уйғунлашган мазмуни алоқалари имкониятларига таянган холда фанлараро ва цикллараро назарий ва амалий билимларини интеграциялаш зарур. Базавий фан учун ички назарий ва амалий мазмун алоқалари уйғунлигини ўрнатиш долзарбdir.

Тиббий таълимнинг асосий мақсади тизимиға замонавий инновацион технологияларни кенг жорий этиш орқали соғлиқни сақлаш тизими учун жаҳон андозаларидаги илмий-амалий, клиник стандартлар негизида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш. Тиббий таълимнинг замонавий ривожланиш босқичи анъанавий таълим дастурларидан фанлараро интеграцияланган дастурларга ўтишни тақазо этмоқда. Таълим дастурларидан замонавий соғлиқни сақлаш тизимида тоборо кенг қўлланилаётган технологияларнинг ва самарали даволаш усулларининг пухта ўзлаштирилишини таъминлаши талаб этилмоқда. Бу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши профессор-ўқитувчилардан юқори даражадаги компетентликни, талабалардан назарий ва клиник фанларга бўлган муносабатни қайта қўриб чиқиши талаб этади. Мазкур муаммоларни хал

этиш мақсадида ривожланган мамлакатлардаги етакчи таълим муассасалари анъанавий фанлар кесимидағи таълим тизимидан фанлараро интеграциялашган тизимга ўтмоқдалар. Фанлар кесимидағи таълим хар бир алохидә фанни бошқа тиббий фанлардан мустақил равишда ўқитишига асосланган. Бундай ёндошув албатта, организмни яхлит бир бутун тизим сифатида ўрганишга салбий таъсир кўрсатади. Фанлараро интеграция эса барча заминий ва клиник фанлар орасида узвий боғлиқликни таъминлаб, талабаларда тиббий-биологик фанларга бўлган эътиборни кучайтиради. Талабалар бу фанлардан олган билимларини муайян амалий клиник муаммоларни хал этишда қўллаб, уларнинг ахамиятини чуқурроқ тушунадилар. Фанлараро интеграция умумий амалиёт шифокорида bemor организмига тегишли бўлган барча маълумотларни ягона мантиқий тизим доирасида бирлаштириб, bemor тўғрисидаги тўлиқ ва объектив маълумотга эга бўлишини, даволашнинг патогенетик нуқтаи-назардан асосланган чораларини белгилашни таъминлайди. Интеграция таълим тизимидағи барча таркибий қисмларнинг ўрни ва мавқеини асосий мақсад ва вазифалардан келиб чиқсан холда белгилайди. Талабалар томонидан ўзлаштирилаётган барча янги билим ва кўниқмалар бир-бирини тўлдириб бориши мухим ахамиятга эга. Фанлараро интеграциянинг самараси аниқ ва пухта ишланган календартематик режа ва дарслар жадвалига боғлиқ. Хар бир янги мавзу сўзсиз олдин эгалланган билимларга таяниши лозим. Хар бир янги мавзу учун мос бўлган самарали таълим технологияси қўлланилиши мухим ахамиятга эга (муаммоли маъруза, дидактик маъруза, шархли маъруза, кичик гурӯхларда ишлаш, муаммога асосланган таълим ва х.). Талабаларга инсон организми алохидә анатомия, гистология, цитология, физиология, биокимёдан иборат бўлган билим ва маълумотлар йиғиндиси эмас, балки ягона, бир бутун яхлит тизим эканлигини сингдириш нихоятда мухим.

Тошкент тиббиёт академиясида фанлараро интеграция масалаларини ўрганиш қуйидагиларни аниклади. Тиббий-биологик ва клиник фанларда интеграцияга бўлган муносабат бир-биридан фарқ қиласи. Бунга сабаб З курсгача бўлган фанлар семестр давомида хафталик жадвал бўйича ўтилса, 4 курсдан бошлаб клиник фанлар узлуксиз цикл шаклида ўтилади. Бу улар ўртасидаги вертикал интеграцияни амалга оширишга имкон бермайди. Айнан шу сабабдан фанлараро интеграция хеч бир фан дастурига, ишчи ўкув режасига расмий равишда киритилмаган, хеч бир мейъёрий хужжатда қайд этилмаган. Интеграцион машғулотлар учун алоҳида соатлар расмий равишда ажратилмаган. Мавжуд интеграцион дарслар алоҳида профессорўқитувчиларнинг ташаббуси билан спонтан, яъни тизимли бўлмаган тартибда ташкил этилган. Клиникагача бўлган заминий фанларда горизонтал интеграция курслар кесимида календар-тематик режада мувофиқлаштириш кўринишида қисман амалга оширилиб келмоқда. Масалан, 3 курсда патофизиология фани бўйича «Яллигланиш» мавзуси патологик анатомиядаги «Яллигланишнинг структуравий асослари», фамакологияда «Яллигланишга қарши дори воситалари» мавзулари билан бир вақтда ўтилади. 6 курсдан бошлаб кафедраларнинг календарь-тематик режасига киритилган асосий синдромлар бўйича интеграцион семинарлар режаси мавжуд. Бу семинарлар 3-4 турдош мутахассислик йўналишлари иштирокида амалга оширилади. Мазкур семинарларнинг ўкув-методик таъминоти талабалар томонидан мустақил соатлар хисобига тайёрланади ва ўқитувчилар томонидан бошқарилади. Семинарлар интерфаол ўйинлар, муаммоли клиник вазиятлар, ўкув видеофильмларини тайёрлаш кўринишида ташкил этилади. Аммо, турдош мутахассислик вакилларининг семинарда иштироки уларнинг асосий календарь-тематик режасига киритилмаган.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, фанлараро алоқалар негизида назария ва амалиёт мазмуни уйғунлиги таъминланиши: ўқув машғулоти сифат ва самарадорлигини оширади; билимлар мустахкам ва яхши ўзлаштирилишини таъминлайди; ўқув фанлари интеграциясини таминалайди; билимлар кетма-кетлигини таъминлаб, уларни тизимлаштиради; билим кўникма ва малакаларни умумлаштиради; билимни мажмуйи қўллаш малакаларини шакиллантиради ва компетенцияларини ривожлантиради; янги, ўзаро боғлиқ билимларни излаш, лаёқатини ривожлантиради; билимдан фойдаланиш ва амалда қўллаш лаёқатини ривожлантиради; тизимли фикирлашни шакиллантиради ва ривожлантиради; мустақил, илмий ва профессионал фикирлашни шакиллантиради; тўғри техник ечим топиш ва қарор қабул қилишга ўргатади; яхлит илмий дунёқарашн шакиллантиради деган муҳим хулосаларга келишга асос бўлади.

### **§2.3. Урология фанини бошқа фанлар билан интеграциясини таъминлашда педагогик технологияларни қўллаш**

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнида талабаларни фанга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида янги инновацион таълим технологиялари ва усулларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. “Лойиҳалаш” усули. Албатта олий таълимнинг иккинчи босқичи бўлмиш магистратура мутахассислик йўналишларига ўқишга кирган талабалар илмий иш билан шуғулланадилар ва магистрлик диссертациясини ҳимоя қиласидар. Афсуски, магистратурага кирган талабаларнинг ҳаммасида ҳам илмга нисбатан қизиқиш йўқ. Шу мақсадда бакалавриатура талабаларида илмий изланишга бўлган қизиқиши ҳосил қилиш, илм билан шуғулланиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида “Лойиҳалаш” усули ўқув жараёнида қўлланилиши муҳим аҳамият касб этади (2.3 - расм).

“Лойихалаш” усулининг мақсади қуидагилардир:




### 2.3 – расм. Лойихалаш усули.

“Лойихалаш” усули талабаларда қуидаги қобилиятларни шакллантиришга имкон беради:


- илмий изланувчанлик қобилиятини (вазиятни баҳолай олиш, муаммони ажратиб олиш, зарур маълумотларни танлаб олиш, хулосалар қабул қилишни),
- гурӯҳда ишлаш қобилиятини (бир мақсад йўлида груҳдош талабалар билан ишлашни),
- мулоқотга киришиш қобилиятини (ўз фикрини баён қила олиш, бошқаларни тинглай олиш, тўғри танқид қила олиш, алтернатив ечимлар таклиф қила олиш) ва б.

“Лойихалаш” усулини амалга ошириш учун қуидаги шарт-шароитлар талаб этилади:



**2.4 – расм. “Лойиҳалаш” усулинин амалга ошириш учун шартшароитлар.**

“Лойиҳалаш” усулининг қуйидаги босқичлари мавжуд:



**2.5 – расм. Лойиҳалаш” усулининг босқичлари.**


**Изланиш босқичида** – мавжуд муаммо аниқланади ва тахлил этилади; лойиҳа мавзуси (loyiҳa мақсади) танланади; лойиҳанинг босқичлари ва вазифалари режалаштирилади; лойиҳа мавзуси бўйича маълумотлар йигилади, ўрганилади ва тахлил қилинади.

**Аналитик босқичда** – вазифаларнинг оптимал ечими изланади; альтернатив ечимлар ҳам кўриб чиқилади; мақсадга эришиш оптимал йўли танланади ва ҳаракатлар алгоритми тузилади; манбалар таҳлили ўtkазилади; лойиҳани амалиётга тадбиқ этиш режаси тузилади.

**Амалий босқичда** – барча режалаштирилган босқичлар амалга оширилади; лойиҳани амалга ошириш сифати текширилади; зарурий ҳолларда керакли ўзгартиришлар киритилади.

**Хулосалаш босқичида** – лойиҳа натижалари расмийлаштирилади, лойиҳа тақдимоти ўтказилади; педагог томонидан лойиҳанинг бажарилиш сифати баҳоланади; натижалар таҳлил этилади; лойиҳа натижаларини амалиётга тадбиқ этиш имкониятлари кўриб чиқилади. “Лойиҳалаш” усулини амалга оширишда педагоглар таълим олаётган талабалар лойиҳани амалга оширишида ташкилотчилик вазифасини ҳам бажаради.

Педагог иш жараёнида қўйидаги вазифаларни бажаради (2.6 - расм):



**2.6 – расм. Педагогнинг иш жараёнидаги вазифалари.**

Педагоглар оддий ўқитувчи сифатида эмас балки, илмий раҳбар сифатида талабаларга маслаҳатлар берадилар. Лойиҳани амалга ошириш босқичида педагоглар муаммонинг ечимини осонлаштириш мақсадида семинар ташкил этиб, муаммо ечимини жамоавий бўлиб излашга талабаларни йўналтиради.

**“SWOT таҳлили” усули.** “SWOT таҳлили” – назарий билимлар ва амалий тажрибаларни ўрганиш, тоя, жараён, тажриба ҳамда иш натижаларини таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларини топиш, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолаш, танқидий фикрлаш, аналитик тафаккурни ривожлантиришга хизмат қиласди. Бу усулни биринчи бўлиб 1963 йили Гарвардда бўлиб ўтган илмий конференцияда бизнес-сиёсатшунос профессор Кеннет Эндрюс таклиф этган ва асосан иқтисодиёт соҳасида бизнес лойиҳаларни стратегик режалаш ва баҳолаш учун қўлланилган. Кейинчалик бу усул бошқа соҳаларда ҳам қўлланила бошланди. Тиббиётда эса “SWOT таҳлили” усулинин диагностика ва даволаш усуллари, профилактик чора-тадбирларнинг таҳлилида қўлаш мумкин.

“SWOT” қисқартмаси қўйидаги инглизча сўзларнинг бош ҳарфидан олинган:

- S – Strengths (объект ёки усулнинг кучли томонлари);
- W – Weaknesses (объект ёки усулнинг заиф томонлари);
- O – Opportunities (объект ёки усулнинг имкониятлари);
- T – Threats (объект ёки усулга нисбатан хавф ёки тўсиқлар).

Бундай таҳлил орқали талабалар бирор бир усулнинг кучли томонлари билан бирга унинг заиф томонларини хам ўрганадилар, бу усул имкониятлари билан унга нисбатан тўсиқлар ва хавфларни таҳлил қиласадилар. “SWOT таҳлили” усулини ўтказишда 4 та катакли жадвалдан фойдаланилади (2.7 - жадвал):

### **2.7 - жадвал**

	<b>Ижобий таъсир</b>	<b>Салбий таъсир</b>
<b>Ички омиллар</b>	Strengths (таҳлил этилаётган объект ёки усулнинг кучли томони)	Weaknesses (таҳлил этилаётган объект ёки усулнинг заиф томонлари)
<b>Ташқи омиллар</b>	Opportunities (таҳлил этилаётган объект ёки усулнинг имкониятлари)	Threats (таҳлил этилаётган объект ёки усулга салбий таъсир этувчи ташқи таъсирлар)

**2.7 – расм. “SWOT таҳлили”.**

Юқоридаги иккита катакда таҳлил этилаётган усулнинг ёки объектнинг кучли ва кучсиз томонлари ифодаланади ва улар ички омиллар ҳисобланади. Пастдаги иккита катакда таҳлил этилаётган объектнинг имкониятлари ва унга нисбатан мумкин бўлган тўсиқ ва хавфлар ифодаланади ва улар ташқи омиллар ҳисобланади. “SWOT таҳлили” усулини ўтказишда вазифалар гуруҳли тарзда ёки талабаларга якка тартибда берилиши мумкин. Бу усул талабаларда аналитик фикрлаш, билимларни мустаҳкамлаш, ўтилганларни такрорлаш, танқидий мулоҳаза юритиш ва тафаккурни ривожлантиришга ёрдам

беради. Ўрганилаётган объект, яъни диагностика ва даволаш усулини 4 томонлама таҳлил этадилар.

“SWOT таҳлили” усулини бошқа фанларнинг амалий машғулотларида ҳам шу тарзда ўтказиш мумкин. Юқорида таърифланган иккита янги педагогик усулларни амалий машғулотларда қўллаш орқали таълим олувчиларда дарснинг назарий қисмида ўтилган мавзуни мустахкамлашга эришиш мумкин. “SWOT таҳлили” ўтилаётган фан мавзуларидаги диагностика ва даволаш усуllibарини, профилактика чора-тадбирларини аналитик таҳлил этиш имкониятини беради. Бу орқали эса талабаларда аналитик фикрлаш ривожланади. “Лойиҳалаш” усулини қўллаш эса таълим олувчиларда илмий изланишга нисбатан қизиқишини оширади. Албатта, бундай усуllibарнинг таълим жараёнида қўлланилиши фаннинг хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда танланади.

**СИНКВЕЙН** Методнинг мақсади: “Синквейн” сўзи французча сўздан олинган бўлиб, “беш мисрадан иборат шеър” таржимасини беради. Амалиётда “Синквейн”: мураккаб ахборотларни синтезлаш қуроли ва тушунчалар заҳирасини баҳолаш воситаси; ижодий ифодалиликвоситаси сифатида жуда фойдалидир.

“Синквейн” таянч касбий тушунчалар ва ахборотларни рефлексиялаш, синтезлаш ва умумлаштиришда тезкор восита ҳисобланади. “Синквейн” тузиш қоидаси қўйидагича:

биринчи қаторда бир сүз билан мавзу ёзилади - одатда от туркумидаги оид сүз билан

иккинчи қаторда мавзу иккى сүз билан таъсирланади - сифат туркумига оид иккى сүз билан

учинчи қаторда ушбу мавзу бўйича хатти-ҳаракатлар уч сүз билан таъсирланади

тўртинчи қаторда мавзуга алоқадорликни кўрсатувчи тўртта сўздан иборат гап ёзилади

бешинчи қатор мавзу моҳиятини такрорловчи бир сўздан иборат синоним шакллантирилади

**МУАММОГА АСОСЛАНГАН ЎҚИТИШ ЁКИ PROBLEM-BASED LEARNING** Муаммога асосланган ўқитиш ёки PBL (Problem-based Learning) – бу шундай ўқитиш йўналишики, бунда талабаларни ўқитиш мақсадида реал муаммолар қўлланилади. Бу муаммоларни тахлил этиш ва ечиш орқали талабалар янги билимлар олади ва уларда реал хаётда учрайдиган муаммоларни ечиш кўникмаларини шакллантиради.

Муаммога асосланган ўқитишда гурухдаги талабалар муаммоли вазиятни ўрганиб, бу муаммо бўйича ўз фикрларини билдириб, муаммони ечимини

- Ф • фикрингизни баён этинг
- фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
- С • кўрсатган сабабингизни

М исботлаб мисол келтиринг

У • фикрингизни умумлаштиринг

Кичик гурухларда ва индивидуал тарзда излашлари керак бўлади. Мухокама сўнгига эса фикрлар жамланиб, бир тўхтамга келинади. Бу жараён қуидаги кетма кетлиқдаамалга оширилади (2.8 - жадвал):




2.8 – жадвал . Кичик гурухларда ва индивидуал тарзда излашлар.

Тадқиқот жараёни бир неча босқичда амалга оширилди ва олий таълим муассасасининг профессор ўқитувчилари (122 нафар), талабалар (312 нафар), малака ошириш курслари тингловчилари (56 нафар) жалб қилинди (2.8; 2.9 - расм):



**2.8 – расм. Курслар кесимида жалб қилинган ўқитувчилар**



**2.9 – расм. Курслар кесимида жалб қилингандар талабалар**

“ЛОЙИХАЛАШ” таълим усули самарадорлиги аниқлаш мақсадида тажриба синов жараёнига 165 нафар асосий гурұх ва 147 нафар талабалардан иборат назорат гурұхи жалб қилинди (2.9 – жадвал; 2.10 - расм).

#### 2.9 - жадвал

#### Үқитувчилар томонидан үтказилған “ЛОЙИХАЛАШ” усулнинг самарадорлиги

Кўрсаткичлар	Назорат гурӯҳи (n=147)		Асосий гурӯҳ (n=165)		$\chi^2$	P
	абс	%	Абс	%		
Мавзунинг долзарбилигини тўғри ёритиш	86	58,5	146	88,4	36,65	<0,001
Мавзунинг асосий томонларини ажратиб кўрсатиш	68	46,2	125	75,7	28,67	<0,001
Тактиканни тўғри белгилаш	57	38,7	127	76,9	46,87	<0,001
Амалий кўниммани аниқлаш	101	68,7	154	93,3	31,57	<0,001
Кўниммалар алгоритмини тўғри белгилаш	42	43,8	112	67,8	48,05	<0,001

<b>Олинган материални тўғри таҳлил қилиш</b>	23	15,6	122	73,9	106,2	<0,001
<b>Асосий тамойилларни ўз ичига олган тақдимотни тайёрлаш</b>	55	37,4	118	71,5	36,59	<0,001
<b>Шахслар аро мулоқат тамойилларини қўллай олиш</b>	42	28,5	84	50,9	16,11	<0,001
<b>Тақдимот қилиш</b>	26	17,6	133	80,6	123,15	<0,001
<b>Илмий жиҳатдан асослаш</b>	48	32,6	152	92,1	119,47	<0,001



**2.10 – расм. Ўқитувчилар томонидан ўтказилган “ЛОЙИХАЛАШ” усулнинг самарадорлиги.**

Таҳлил натижаларига “Лойихалаш” таълим усули билан ўтказилган амалий машғулотларда асосий гуруҳдаги талабалар ўртасида мавзунинг долзарбилигини тўғри ёритиш (84,4%), шифокор тактикасини тўғри танлаш (76,9%), амалий кўнікмани аниқлаш (93,3%), олинган материални тўғри

тахлил қилиш (73,9%), тақдимот қила олиш (80,6%) ва илмий жихатдан асослай олиш (92,1%) бўйича ишончли ижобий фарқ кузатилди.

Назорат гуруҳида эса мавзунинг долзарблигини тўғри ёрита олиши (58,5%) аниқланди, амалий кўникмани аниқлаш (68,7%), олинган материални тўғри таҳлил қила олиш (15,6%), тақдимот қила олиш (17,6%) ва ва илмий жихатдан асослай олиш (32,6%) ташил қилди. Бу ўз навбатида талабаларда илмий изланишга бўлган қизиқишни ҳосил қилиш, илм билан шуғулланишда кўникмаларни шакллантириш борасида назарий ва амалий билимнинг этишмаслиги яққол намоён бўлди. Шу билан бирга иккала гуруҳ шахслар аро мулоқат тамойилларини қўллай олиш бўйича (асосий гуруҳда 50,9% ва назорат гуруҳида 28,5%) назарий билимларининг сустлиги кузатилди, бу ўз навбатида талабаларни илмий изланишга бўлган қизиқишни ҳосил қилиш интеграцияни кучайтириш лозимлигики кўрсатади.


Тадқиқот давомида талабалар орасида “Лойихалаш” ўқитиш усули билан ўтказилган амалий машғулотлар бўйича фикр мулоҳазалар олинди ва саволнома ўтказилди ва амалий машғулоти талаб даражасида эгаллаш даражаларига алоҳида эътибор қаратилди (2.10 - жадвал).

## **2.10 - жадвал**

### **Талабалар ўртасида ўтказилган саволнома (%)**

№	Саволлар	Назорат гурухи (n=147)	Асосий гурух (n=165)	$\chi^2$	P
1	Мазкур мавзу ва унинг далзарблиги қизиқарли бўлдими?	67	87	11,29	<0,001
2	Танланган мавзу бўйича материални тақдим этиш қониктирдими?	68	84	7,02	<0,01
3	Амалга оширилган иш ҳажми етарли бўлдими?	59	77	7,44	<0,01
4	Олинган натижа	52	75	11,41	<0,001

	қоникарлы бўлдими?				
5	Ўқитиши жараёнида тақдимот қилиш кўнинмангиз ошдими?	46	78	21,73	<0,001
6	Олинган натижаларни таҳлил қилиш имконияти кенгайдими?	45	86	37,19	<0,001
7	Оғзаки гапириш ва ёзиш кўниумаси яхшиландими?	57	78	10,05	<0,01
8	Бошқаларни баҳолаш жараёни қизиқтиридими?	68	84	7,02	<0,01
9	Ўз хатоларини таҳлил қилиш ёқдими?	62	79	6,95	<0,01
10	Мазкур усулни қўллаш давомида мавзу эсда қолдими?	58	90	26,61	<0,001



## 2.11 – расм. Талабалар ўртасида ўтказилган саволнома (%)

Таҳлил натижаларига “Лойихалаш” таълим усули билан ўтказилган амалий машғулотлар бўйича сўровнома ўтказилганда мазкур мавзу ва унинг далзарблиги қизиқарли бўлиши 20% ошди (67% дан 87%ча), танланган мавзу

бўйича материални тақдим этилишини қониқтириши 16% ошди (68%дан 84%ча), амалга оширилган иш ҳажми етарли бўлиши 18% ошди (59%дан 77%ча), талабаларни тақдимот қила олиш 32% ошди (46%дан 78%ча), олинган натижаларни таҳлил қилиш 41% ошди (45%дан 86%ча), мазкур усулни қўллаш давомида мавзу эсда қолиши 40% ошди (58%дан 90% ча).

1. Буйраклар ва сийдик йўллари функционал анатомияси ва физиологияси.
2. Урологик касалликлар симптомлари.
3. Урологик касалликларни ташхислаш усуллари.
4. Ўткир пиелонефрит.
5. Сурункали пиелонефрит.
6. Ўткир ва сурункали цистит. Простатит.
7. Уретрит, орхит ва эпидидимит.
8. Варикоцеле. Пейроникасаллиги.
9. Эркаклар бепуштлиги. Эректил дисфункция.
10. Простатабезинингҳавфсизгиперплазияси.
11. Сийдик тош касаллиги.
12. Буйраклар, сийдик йўллари ва эркаклар жинсий аъзолари жароҳатлари.

### **МАВЗУ : Буйраклар ва сийдик йўллари функционал анатомияси ва физиологияси**

**Ақлий ҳужум** - ғояларни генерация (ишлабчиқиши) қилишметодидир. «Ақлийҳужум» методи бирор муаммони ечишда талабалар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган энг самарали методдир.

Ақлий ҳужум методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида ўқитувчи томонидан берилган саволга талабаларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Талабалар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда

баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга талабалар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. «Ақлий ҳужум» методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гурухлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади (2.11 - жадвал).

Ақлий ҳужум методидан фойдаланилганда талабаларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан талабаларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Талабалар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги талабаларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод талабаларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қиласди.

“Буйраклар ва сийдик йўллари функционал анатомияси ва физиологияси” мавзуси бўйича талабаларга қўйидаги саволлар тақдим қилинди:

1. Буйракнинг функционал бирлиги – нефроннинг тузилиши қандай?
2. Сийдик найи анатомияси ва физиологиясиҳақида.
3. Қовуқнинг анатомияси ва физиологияси ҳақида
4. Мояк, мояк ортиғи физиологиясип ва анатомияси

Талабалар саволлар асосида ўзларининг фикрлаш доирасини кенгайтиради, фикрлардаги бир хиллиқда барҳам беради ва берилган саволларни кенг доирада тафаккурлашга ҳаракат қиласдилар.


Мазкур саволларга назорат гуруҳидаги 87 (59,1%) нафар талаба яхши, - 60 (40,8%) нафар талаба қониқарли жавоб бердилар.

Тажриба гурухидаги 147 (89,1%) нафар талаба яхши, 18 (10,9%) нафар талаба қониқарли жавоб бердилар.

## 2.11 - жадвал

### Талабалар билан ўтказилган “Ақлий хужум” технологиясининг самарадорлиги

Кўрсаткичлар	Назорат гурухи (n=147)		Асосий гурух (n=165)		$\chi^2$	P
	abc	%	abc	%		
Мавзу бўйича саволларнинг тўғри кўйилганлиги	86	58,5	138	83,6	24,25	<0,001
Саволлардаги аниқлик	57	38,7	84	50,9	4,62	<0,05
Амалий кўнималарни шакллантириш	77	52,3	148	86,9	53,83	<0,001
Ўрганилган билимларни тўғри таҳлил қила олиш	68	46,2	127	76,9	31,28	<0,001
Жавобларни илмий жиҳатдан таҳлил қила олиш	33	22,4	154	93,3	162,67	<0,001
Ўз фикрини ифода олиш маданияти	26	17,6	146	88,4	157,52	<0,001



## 2.12 – расм. Талабалар билан ўтказилган “Ақлий хужум” технологиясининг самарадорлиги

## 2.12 - жадвал

### Талабалар ўртасида ўтказилган саволнома (%)

№	Саволлар	Назорат гурухи (n=147)	Асосий гурух (n=165)	$\chi^2$	P
1	Мазкур мавзу ва унинг долзарбилиги қизикарли бўлдими?	57	87	22,32	<0,001
2	Танланган мавзу бўйича материални ўзлаштиришда кўйилган саволлар қониқтирдими?	68	84	7,02	<0,01
3	Саволлар учун бериладиган жавоб учун вакт ҳажми етарли бўлдими?	59	77	7,44	<0,01
4	Олинган натижка қониқарли бўлдими?	52	75	11,41	<0,001
5	Ўқитиш жараёнидаги мазкур технология сизни қониқтирдими?	46	78	21,73	<0,001
6	Олинган натижаларни таҳлил қилиш имконияти кенгайдими?	67	87	11,29	<0,001
7	Оғзаки гапириш ва ёзиш кўникмаси яхшиландими?	68	84	7,02	<0,01



2.13 – расм. Талабалар ўртасида ўтказилган саволнома (%)

Таҳлил натижаларига “Ақлий хужум” технологияси билан машғулотлар ўтказиш бўйича сўровномада мавзу ва унинг долзарблиги назорат гурухида 57% талабага, асосий гурухда эса 87% талабага қизиқарли бўлди, танланган мавзу бўйича материални ўзлаштиришда қўйилган саволлар назорат гурухида 68%, асосий гурух 84% талабаларини қониқтирди, олинган натижаларни таҳлил қилиш имконияти эса назорат гурухида 67%, асосий гурух талабаларида 87% га кенгайди.

### **МАВЗУ: Урологик касалликлар симптомлари**

“Музёrap” технологияси асосида талабаларни ўрганилаётган мавзуга бўлган қизиқишлигини орттириш ва билим олишга бўлган иштиёқларини оширишдан иборат бўлган усул асосида мавзунинг моҳиятини очиб бериш мумкин. Янги мавзу ҳали талаба учун мавҳум бўлади, педагог талабаларда юзага келган “музлаш” ни “ёриб ёки эритиб юбориш” учун дарс давомида талабаларни фаоллаштиришга ҳаракат қиласида. Бунинг учун мавзудаги асосий жиҳатларга эътибор берилади:

1. Урологик касалликлардаги симптомлар гурухи
2. Оғриқларнинг ўзига хос хусусиятлари
3. Буйрак санчиғидаги белгилар
4. Дизурияning белгилари
5. Сийдик сифат ва миқдоридаги ўзгаришлар

Мавзу доирасидаги билимлар асосида талабалар урологик касалликлар ва уларнинг симптомлари ҳақидаги тасаввурлари кенгайишни бошлайди ва ўзлаштирилган маълумотлар асосида “музни ёриб ўтишади”. Талабалар мавзу доирасидан келиб чиқиб, бир-бирларига саволлар берадилар, бир-бирларининг жавобларини тўлдиришга ҳаракат қиласидилар. Педагог

талабаларнинг имкониятлар даражасини дарс жараёнига мослаштириб туради (2.13 ва 2.14 - жадвал).

Мазкур технология асосида дарс ташкил қилинганидан сўнг назорат гуруҳидаги 67 (45%) нафар талаба яхши, 80 (54,4%) нафар талаба қониқарли жавоб бердилар. Тажриба гуруҳидаги 142 (86,1%) нафар талаба яхши, 23 (13,9%) нафар талаба қониқарли жавоб бердилар

### **2.13 - жадвал**

#### **Талабалар билан ўтказилган “Музёрап” технологиясининг самарадорлиги**

Кўрсаткичлар	Назорат гурухи (n=147)		Асосий гурух (n=165)		$\chi^2$	P
	abc	%	abc	%		
Мавзу бўйича берилган билимлар қониқарлилиги	77	52,3	146	88,4	49,7	<0,001
Мавзу бўйича атамалар изоҳи	57	38,7	84	50,9	4,62	<0,05
Амалий кўнималарни шакллантириш	68	46,2	148	86,9	68,86	<0,001
Ўрганилган билимлар бўйича саволлар тузা олиш	86	58,5	138	83,6	24,25	<0,001
Жавобларни илмий жиҳатдан таҳлил қила олиш	86	58,5	154	93,3	53,13	<0,001
Ўз фикрини ифода олиш маданияти	33	22,4	127	76,9	92,49	<0,001



#### **2.14 – расм. Талабалар билан ўтказилган “Музёрап” технологиясининг самарадорлиги**

“Музёrap” технологияси асосида талабаларни ўқитиш натижасида бўйича берилган билимлар қониқарлилиги 36,1% оширилди (52,3%дан 88,4%ча), амалий кўникмаларни шакллантира олиш 11,3% оширилди (38,7%дан 50,9%га), жавобларни илмий жиҳатдан таҳлил қила олиш 34,8% оширилди (58,5%дан 93,3%га) ва ўз фикрини ифода олиш маданияти эса 54,5% оширилди (22,4%дан 76,9%га).

Тадқиқот давомида талабалар орасида “Музёrap” ўқитиш усули билан ўтказилган амалий машғулотлар бўйича фикр мулохазалар олинди ва саволнома ўтказилди (2.14 - жадвал).

#### **2.14 - жадвал** **Талабалар ўртасида ўтказилган саволнома (%)**

№	Саволлар	Назорат гурухи (n=147)	Асосий гурух (n=165)	$\chi^2$	P
1	Дарс жараёнидаги мавзу материали реал ҳаётга мос келадими?	77	87	3,39	>0,05
2	Билимларни ўзлаштиришда ва назорат қилинишида эркинликка караб йўналтирилдими?	68	84	7,02	<0,01
3	Дарсда ўқитувчининг кўрсатмалари, берилган вазифалар тартиби сизни қониқтирдими?	59	77	7,44	<0,01
4	Дарс давомида талабаларнинг биргаликда ишлашлари, фикр алмашишлари ва ўқитувчи билан bemalol мулоқот қилишга имкон яратилдими?	62	75	3,92	<0,05
5	Ўқитиш жараёнидаги мазкур технология сизни қониқтирдими?	56	88	25,4	<0,001
6	Дарс сизнинг гурухингиз учун жуда осонми ёки жуда ҳам мураккабми?	67	87	11,29	<0,001



## 2.15- расм. Талабалар ўртасида ўтказилган саволнома (%).

Таҳлил натижаларига “Музёrap” технологияси билан машғулотлар ўтказиш бўйича сўровномада мавзу дарс жараёнидаги мавзу материали реал ҳаётга мос келиши назорат гурухида 77% талабага, дарс гурухларда осонлиги 67% назоарт гурухида, 87% асосий гурухда ташкил қилди ва мавзуга мос келмайдиган материаллар иккала гурухда хам бўлмаган.

### **МАВЗУ : Урологик касалликларни ташхислаш усуллари**

“Зинама-зина” технологияси асосида ўтилиши керак бўлган мавзу бўйича якка ва кичик жамоа бўлиб фикрлаш ҳамда хотирлаш, ўзлаштирилган билимларни ёдга тушириб, тўпланган фикрларни умумлаштира олиш ва уларни ёзма, расм, чизма кўринишада ифодалай олишга ўргатади. Бу технология талабалар билан кичик гурухларга ажратилган ҳолда ўтказилади ва тақдимот қилинади. Технологиянинг мақсади талабаларни эркин, мустақил ва мантиқий фикрлашга, ижодий изланишга, мавзу бўйича таянч

тушунчаларга изох беришда эгаллаган билимларини қўллай олишга ўргатади.

“Урологик касалликларни ташхислаш” мавзуси бўйича ўзлаштирган билимларингизни илмий, назарий, амалий тарзда расмларда, чизмалар шаклида ифодалаб, тақдимот тайёрлаш вазифаси берилади.

### Урологик касалликларни ташхислаш

Анамнез -

Умумий кўздан кечириш -

Пайпаслаш-

Перкуссия -

Текшириш усуллари-

Талабалар берилган мавзу асосидаги топшириқларни расм, чизма кўринишида ифодалайдилар, Тақдимот вақтида тайёрланган материал доскага мантиқан тагма-таг (зина) шаклида илинади.

Мазкур технология асосида гурухлар шаклида баҳоланади. Натижада назорат гурухи 68 фоизга, тажриба гурухи 88 фоиз ўзлаштиришга эга бўлди.

### МАВЗУ: Ўткир пиелонефрит

“Чархпалак” технологияси асосидаталабаларни ўтилган мавзулар такрорланиб, мантиқий фикрлаб, берилган саволларга мустақил тўғри жавоб бериш ва ўз-ўзини баҳолашга ўргатилади. Технологиянинг мақсади кўп фикрларнинг ичидан энг муҳим ва энг кераклисини саралаб танлаб олишга ўргатишдан иборат.

Талабалар якка тартибда ишлайдилар. Мавзу бўйича ҳар бир талаба ўзи билган билимини қисқа таърифлайди ва бир-бирига навбатма-навбат узатилади (2.16 - расм).



2.16 – расм. “Чархпалак” технологияси.

Вазифалар бажариб бўлинганидан сўнг, жавоблар электрон доскада берилади, талабалар ўzlари белгилаган жавоблар билан солиштирадилар.

Мазкур технология асосида назорат гурухидаги 47 нафар талаба - аъло; -

62 нафар талаба яхши; 38 нафар талаба қониқарли ўзлаштириди.

Тажриба гурухидаги 138 нафар талаба - аъло; 22 нафар талаба яхши; 5 нафар талаба қониқарли ўзлаштириди.

### **МАВЗУ : Сурункали пиелонефрит**

“**3x4 технологияси**” талабаларни мавзу бўйича муаммони кичик гурух бўлиб фикрлаб, ҳал этиш, кўп фикрлар ичидан мақбулинни саралаб олиш ва сараланган маълумотларни умумлаштиришни ўргатади. Талабалар 4 та кичик гурухларга тақсимланганидан сўнг, педагог томомнидан тақдим этилган тарқатмали материаллар асосида жамоа бўлиб ишлишни бошлайдилар.

Ҳар бир гурухга тақдим этилган тарқатма материалда ёзилган асосий фикрнинг давомини фактада учта фикр, яъни учта суз ёки сузлар бирикмаси ёки учта гай билан давом эттиришлари мумкинлигини уктиради ва буни амалга ошириш учун аник вакт белгилайди.

Гурух вакиллари тарқатмали материалга ўз фикрларини ёзиб бўлганларидан сўнг, соат мили бўйича варажларни кейинги гурухга узатишиб, алмашадилар. Аввалги гурухнинг фикрларига яна учтадан фикр қўшадилар. Шу тариқа ҳар бир гурух ўзининг вараги келганидатарқатма материалда тупланган барча фикрларни диккат билан укиб, уларни умумлаштирган ҳолда битта яхлит таъриф ёки коида ҳолатига келтирадилар. Шундан сўнг ҳар бир гурух ўз фикрларини тақдимот қиласадилар. Педагог талабаларнинг фикрларига изоҳлар беради, уларни баҳолайди.

“**3x4 технологияси**” асосида ўтказилган машғулотда назорат гурухидаги 63 (42,8%) нафар талаба - аъло; 45 (30,6%) нафар талаба яхши; 39 (26,5%) нафар талаба қониқарли ўзлаштириди.

Тажриба гурухидаги 123 (74,5%) нафар талаба - аъло; 33 (20,0%) нафар талаба яхши; 9 (5,4%) нафар талаба қониқарли ўзлаштириди.

### **МАВЗУ: Ўткир ва сурункали цистит. Простатит**

“Муаммо” технологияси асосида мавзу бўйича муаммо қўйилади. Касаллик бўйича муаммонинг моҳиятини аниқлаш, муаммо бўйича билим ва малакаларга таянган ҳолда муаммонинг ечимини тўғри топиш вазифаси юклатилади.

Педагог талабаларни кичик гуруҳларга ажратади. Машғулотнинг мақсади ва мазмуни босқичли тарзда очиб берилиши тушунтирилади.

#### **2.15 - жадвал**

Муаммо	Муаммонинг келиб чиқиши сабаблари	Муаммони бартараф этиш йўллари	Муаммони бартараф этишдаги камчиликлар
Цистит касаллиги			
Простатит касаллиги			

Талабалар мазкур муаммоларни ҳал қилишда қуйидаги савлларга жавоб бериш асосида муаммонинг ечимини топишга ҳаракат қиласилилар.

1. Цистит касаллиги қандай касаллик?
2. Циститнинг қандай турлари мавжуд?
3. Касалликни келтириб чиқарувчи сабаблар
4. Циститга олиб келувчи омиллар
5. Циститнинг белгилари
6. Цистит диагностикаси
7. Цистит асоратлари
8. Циститни даволаш

9. Циститни даволашда эътибор бериш керак бўлган жиҳатлар

## 10. Циститни олдини олиш

## 2.16 - жадвал

## **Талабалар билан ўтказилган “Муаммо” технологиясининг самарадорлиги**

Кўрсаткичлар	Назорат гурухи (n=147)		Асосий гурух (n=165)		$\chi^2$	P
	abc	%	abc	%		
Мавзу бўйича берилган билимлар қониқарлилиги	77	52,3	146	88,4	49,7	<0,001
Мавзу бўйича кўйилган муаммонинг моҳиятини тўғри тушуна олиш	57	38,7	84	50,9	4,62	<0,05
Касаллик бўйича муаммоларни босқичма босқич ҳал этиш	68	46,2	148	86,9	68,86	<0,001
Муаммонинг ечимини топишдаги креативлик	86	58,5	138	83,6	24,25	<0,001
Муаммони ҳал қилишга илмий жиҳатдан ёндашиш	86	58,5	154	93,3	53,13	<0,001
Муаммони тўғри ва қулай ечимини тақдим қилиш маҳорати	33	22,4	127	76,9	92,49	<0,001



**2.18 – расм. Талабалар билан ўтказилган “Муаммо” технологиясининг самарадорлиги**

“Муаммо” технологияси асосида ўтказилган машғулотда назорат гурухидаги 86 (58,5%) нафар талаба - аъло; 77 (52,3%) нафар талаба яхши; 125 (85,0%) нафар талаба қониқарли ўзлаштириди.

Тажриба гурухидаги 148 (86,9%) нафар талаба - аъло; 127 (76,9%) нафар талаба яхши; қониқарли ўзлаштирган талаба бўлмади.

### **МАВЗУ: Уретрит, орхит ва эпидидимит**

“Бумеранг” технологияси талабаларга танқидий фикрлаш, уларда мантиқни шакллантиришга имконият яратади, шунингдек уларнинг хотирасини, ғояларини, фикрларини, далилларини ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилишкўникмаларини ривожлантиради. Мазкур технология бир машғулот давомида ўқув материалини чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш, эркин эгаллашгайўналтирилган.

Талабалар кичик гурухларга ажратилади. Ҳар бир гурухга топшириклар ёзилган тарқатмали материаллар тарқатилади.

1-гурух учун топшириқ: Уретрит ҳақида

2-гурух учун топшириқ: Орхит ҳақида

3-гурух учун топшириқ: Эпидидимит ҳақида

Саволарга берилган жавоблар асосида гурухларнинг тўплаган умумий баллари аниқланди.


“Бумеранг” технологияси асосида ўтказилган машғулотда назорат гурухидаги 77 (52,3%) нафар талаба - аъло; 62 (427%) нафар талаба яхши; --- 8 (5,4%) нафар талаба қониқарли ўзлаштириди.

Тажриба гурухидаги 148 (86,9%) нафар талаба - аъло; 127 (76,9%) нафар талаба яхши; қониқарли ўзлаштирган талаба бўлмади.

### **Мавзу: Варикоцеле. Пейроникасаллиги**

“Қандай?” технологияси асосида мавзу талабалар билан ишлаб

чиқилади. Бу технологиянинг мақсади босқичма босқич муаммоларни ўрганиб, унинг ечимини топишдан иборат. Талабалар кичик гурӯхларга бўлинади. Ҳар бир гурӯҳга мавзу бўйича тарқатмали материал асосида топшириқ берилади. Гурӯҳ аъзолари топшириқни иеархик чизма асосида жавобларини тайёрлайдилар ва тақдимот ўтказадилар (2.19- расм).



### **2.19 – расм. “Қандай?” технологияси**

Талабалар “Вариоцеле. Пейрони касаллиги” мавзусидаги топшириқларни бажарганларидан сўнг, натижалар қуйидагиларни ташкил қилди: назорат гурӯҳидаги 68 (41,2%) нафар талаба - аъло; 38 (25,8%) нафар талаба яхши; 41 (27,8%) нафар талаба қониқарли ўзлаштириди.

Тажриба гурӯҳидаги 127 (76,9%) нафар талаба - аъло; 33 (20%) нафар талаба яхши; 5 (3,0%) нафар талаба қониқарли ўзлаштириди.

### **МАВЗУ : Эркаклар бепуштлиги. Эректил дисфункция**

**“Концептуал жадвал” технологиясининг мазмуни талабаларга тушунирилади. Бу технология турли ғояларни, қарашларни ўзаро**

таққослаш ва уларни турли тоифалар бўйича таққослаган ҳолда баҳо беришга қаратилган органайзер ҳисобланади. Бунда талабаларни ўрганилаётган мавзуни икки ёки ундан ортиқ жиҳатари бўйича таққослашга ўргатади. Ундан фойдаланишда ўқувчиларнинг мавзу юзасидан мантиқий фикрлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилиятлари ривожлантирилди.

## **2.17 –Концептуал жадвал**

<b>Мавзу бўйича тушунчаларга ёндашувлар</b>	<b>Тавсифлар, тоифалар, хусусиятлар ва бошқалар</b>			
<b>Жинсий заифлик</b>				
<b>Касалликнинг хавф омиллари</b>				
<b>Эрекция</b>				
<b>Жинсий заифлик сабаблари</b>				
<b>Бепуштлик</b>				
<b>Бепуштлик омиллари</b>				
<b>Касалликнинг текширув усуллари</b>				

Талабалар мавзу бўйича билимларини жадвалга тўлдирадилар ва тақдимот ўтказадилар. Ўқитувчининг хуносасидан сўнг, талабалар баҳоланади. Мазкур технология асосида талабалар ўзлаштириши қуйидагича бўлди: назорат гурухидаги 68 (46,2%) нафар талаба - аъло; 49 (33,3%) нафар талаба яхши; 30 (20,4%) нафар талаба қониқарли ўзлаштириди.

Тажриба гурухидаги 148 (86,9%) нафар талаба - аъло; 127 (76,9%) нафар

талаба яхши; қониқарли ўзлаштирган талаба бўлмади.

### **Мавзу: Простата безининг хавфсиз гиперплазияси**

**“SWOT - таҳлил” жадвали** – жараён, тажриба ҳамда иш натижаларини таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларини топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, аналитик тафаккурни ривожлантиришга хизмат қиласи.

SWOT – таҳлил тўрт йўналишда олиб борилади:

S – (strength) – кучли томонлари

W – (weakness) – заиф, кучсиз томонлари

O – (opportunity) – имкониятлари

T – (threat) – тўсиқлар

Талабаларга “Простата безининг хавфсиз гиперплазияси” мавзуси “SWOT - таҳлил” жадвалиасосида таҳлил қилиниш топшириғи берилади (2.18 - жадвал).

#### **2.18 - “SWOT - таҳлил” жадвали**

<b>S</b> Простата безининг хавфсиз белгилари	<b>W</b> Простата бези касаллиги
<b>О</b> Касалликни даволаш усуллари	<b>Т</b> Касалликни келтириб чиқарувчи омилларга бефарқлик

Талабалар мавзу бўйича ўз фикрлари таҳлил қиласидилар. Мазкур технологияси асосида ўтказилган машғулотда назорат гуруҳидаги 86 (58,5%) нафар талаба - аъло; 77 (52,3%) нафар талаба яхши; 125 (85,0%) нафар талаба қониқарли ўзлаштириди.


Тажриба гуруҳидаги 148 (86,9%) нафар талаба - аъло; 127 (76,9%) нафар талаба яхши; қониқарли ўзлаштирган талаба бўлмади.

Талабаларнинг “SWOT - таҳлил” жадвали технологияси бўйича таълимни ташкиллаштириш шакллантириш бўйича фикрлари ўрганилади (2.19 - жадвал).

### **2.19 - жадвал**

#### **Таълимни ташкиллаштириш шакллари**

Таълим шакллари	Назорат гурухи (n=147)		Асосий гурух (n=165)		$\chi^2$	P
	абс	%	абс	%		
Жамоавий	72	48,9	122	73,9	20,59	<0,001
Гурухли	45	30,6	37	22,4	2,69	>0,05
Индивидуал	30	20,4	6	3,6	21,42	<0,001



### **2.20 – расм. Таълимни ташкиллаштириш шакллари**

Назорат гурухидаги 72 нафар талаба жамоа бўлиб ишлашни (48,9%) ; 45 нафар талаба кичик гуруҳда (30,6%) ; 30 нафар талаба индивидуал 20,4%) ишлашни таклиф этдилар.

Тажриба гурухидаги 122 нафар талаба жамоа бўлиб ишлашни (73,9%) ; - 37 нафар талаба кичик гуруҳда (22,4%) ; 6 нафар талаба индивидуал (3,6%) ишлаш афзал эканлигини таъкидладилар

### **МАВЗУ: Сийдик тош касаллиги**

**ФСМУ** технологияси мавзуни ўзлаштириш асосида таҳлил қилиш кўникмаси шакллантирилади. Бу технология 4 босқичдан иборат:

Ф – касаллик ҳақидаги фикрингизни баён қилинг.

С – касалликни келтириб чиқарувчи сабабларни изоҳланг.

М –келтирилган сабабларни мисоллар билан тушунтиринг.

У – касалликни даволаш усуллари билан фикрингизни хulosаланг.

Бу технология дастлаб индивидуал тарзда ишланади, кейин талабалар кичик гуруҳларга ажратилади. Талабалар кичик гуруҳда ишлашлари жараёнида ўз фикрларини асослашга ҳаракат қиласидилар. Белгиланган вақт давомида кичик гуруҳлар 4 босқичнинг ҳар бирига умумлаштирилиб, бир тўйтамга келган мулоҳазаларини билдирадилар (2.20 - жадвал).

**ФСМУ** технологияси асосида ўтказилган машғулотда назорат гурухидаги 86 (58,5%) нафар талаба - аъло; 77 (52,3%) нафар талаба яхши; 125 (85,0%) нафар талаба қониқарли ўзлаштириди.


Тажриба гурухидаги 148 (86,9%) нафар талаба - аъло; 127 (76,9%) нафар талаба яхши; қониқарли ўзлаштирган талаба бўлмади.

Тадқиқот давомида талабалар орасида “ФСМУ” ўқитиши усули билан ўтказилған амалий машғулотлар бүйича фикр мұлохазалар олинди ва саволнома ўтказилди ва амалий машғулоти талаб даражасида әгаллаш даражаларига алоҳида эътибор қаратилди (2.20 - жадвал)

## **2.20 – жадвал**

### **Талабалар ўртасида ўтказилған саволнома (%)**

№	Саволлар	Назорат гурухи (n=147)	Асосий гурух (n=165)	$\chi^2$	P
1	Мазкур сиз учун қызықарлы бўлдими?	68	88	11,66	<0,001
2	Мавзу бўйича тақдим қилинган материаллар билимларни ўзлаштиришда қониқтирдими?	70	88	9,76	<0,01
3	Саволлар тўғри қўйилганми?	58,5	86,9	19,89	<0,001
4	Мустақил ўқиши жараёнида адабиётлар билан танишяпсизми?	63	83,6	11,32	<0,001
5	Ўқитиши жараёнидаги мазкур технология сизни қониқтирдими?	75	93,3	12,05	<0,001
6	Касаллик ҳақидаги тасаввурингиз бойидими?	82	94	6,82	<0,01
7	Сийдик йўли касалликлари бўйича тақдим қилинаётган билимлар сизга маъқул бўляптими?	86	92	1,84	>0,05



## **2.21 – расм. Талабалар ўртасида ўтказилган саволнома (%)**

Таҳлил натижаларига “ФСМУ” технологияси билан машғулотлар ўтказиш бўйича сўровномада мавзу дарс жараёнидаги мавзу қизикарли бўлдиши назорат гурухида 68% талабага, асосий гурухда 88%, тақдим қилинган материаллар билимларни ўзлаштиришда қониқтириши назорат гурухида 70%, асосий гурухда 88% ташкил қилди ва касаллик ҳақидаги тасаввурини асосий гурухда 94% бойиши кузатилди.

### **МАВЗУ: Буйраклар, сийдик йўллари ва эркаклар жинсий аъзолари жароҳатлари**

“Инсерт” жадвалининг мазмуни мавзу билан уйғунлаштирилади. Курс давомида фан бўйича олинган маълумотларни алоҳида ўзлари тизимлаштириш - матнда белгиланган қуидаги белгиларга мувофиқ жадвал устунларига киритиш вазифасини беради:

“V”- мен билган маълумотларга мос;

“-“ - мен билган маълумотларга зид;

“+” - мен учун янги маълумот;

“?” - мен учун тушунарсиз ёки маълумотни аниқлаш, тўлдириш талаб этилади.

### **2.21 - Инсерт жадвали**

V	+	-	?

Талабалар жадвални тўлдиргандан сўнг жадвалда ёзилган маълумотлар муҳокамасини ташкил этади.

Курс якунида талабалар билан бирга “Тушунчалар таҳлили” технологияси ўтказилади. Бу технологиянинг мақсади талабалар ўзлаштирган билимлари бўйича мустақил равишда атамалар ва тушунчалар изоҳларини таҳлилқиладилар (2.22 - жадвал).

### **2.22 - жадвал**

#### **Тушунчалар таҳлили**

№	Тушунча	Изоҳи
1	Урологик касалликлари	
2	Сийдик йўллари касалликлари	
3	Пиоленефрит	
4	Цистит	
5	Простатит	
6	Уретрит	
7	орхит	
8	эпидидимит	
9	Варикоцеле	

<b>10</b>	Пейроникасаллиги	
<b>11</b>	Эркаклар бепуштлиги	
<b>12</b>	Эректил дисфункция	
<b>13</b>	Сийдик тош касаллиги	

Талабаларнинг берган изоҳлари бўйича курс бўйича ўзлаштирган билимлари натижалари қуидаги: назорат назорат гурухидаги 47 нафар талаба - аъло; 62 (42,1%) нафар талаба яхши; 38 (25,8%) нафар талаба қониқарли ўзлаштириди.

Тажриба гурухидаги 138 (83,6%) нафар талаба - аъло; 27 (16,4%) нафар талаба яхши; қониқарли ўзлаштирган талабалар бўлмади.


## **2.23 - жадвал**

### **Талабалар билан ўтказилган курс давомида ўқитиши технологияларининг самарадорлиги**

Кўрсаткичлар	Назорат гурухи (n=147)		Асосий гурух (n=165)		$\chi^2$	P
	abc	%	abc	%		
Урология соҳаси бўйича тақдим этилган ўқув материаллари тўғри кўйилганини	77	52,3	146	88,4	49,7	<0,001
Мавзулар асосида берилган билимларни мустаҳкамлаш асосида қўлланилган ўқув технологиялари маъқуллиги	57	38,7	84	50,9	4,62	<0,05
Фан бўйича амалий кўникмаларни шакллантириш	68	46,2	148	86,9	68,86	<0,001
Ўрганилган билимларни тўғри таҳлил қила олиш	86	58,5	138	83,6	24,25	<0,001
Жавобларни илмий жиҳатдан таҳлил қила олиш	86	58,5	154	93,3	53,13	<0,001
Ўз фикрини ифода олиш маданияти	33	22,4	127	76,9	92,49	<0,001



## 2.22 – расм. Талабалар билан ўтказилган курс давомида ўқитиши технологияларининг самарадорлиги



Мазкур технология асосида талабаларни ўқитиши натижасида бўйича берилган билимлар қониқарлилиги 36,1% оширилди (52,3%дан 88,4%ча),

амалий кўникмаларни шакллантира олиш 11,3% оширилди (38,7%дан 50,9%га), ўрганилган билимларни тўғри таҳлил қила олиш 25,1% ошд (58,5%дан 83,6%га) жавобларни илмий жиҳатдан таҳлил қила олиш 34,8% оширилди (58,5%дан 93,3%га) ва ўз фикрини ифода олиш маданияти эса 54,5% оширилди (22,4%дан 76,9%га).

### **Малака ошириш тингловчилари учун мавзулар бўйича педагогик технологиялар**

#### **МАВЗУ: Юқори ва пастки сийдик йўллари функционал анатомияси**

“Кластер” методи асосида мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи, шунингдек тингловчиларнинг мия фаолиятини фаол ишлашга ундейди.




**2.23 – расм. Кластер” методи.**

Курс тингловчилари шу тариқа мавзу бўйича билимларини тармоқлаб, соҳа бўйича ҳар бир калит сўзнинг мазмуни ва вазифасини таҳлил қилиб борадилар, бир-бирларининг фикрларини тўлдирадилар. Мазкур технология асосида тингловчиларнинг фаоллиги ва қизиқишлари таъминланади (2.24 - жадвал).

## **2.24 - жадвал**

### **Тингловчилар қўйидаги саволларга жавоб берадилар:**

№	Саволлар	Назорат гурухи	Асосий гурух	$\chi^2$	P
1	Мавзунинг ноанъанавий усулда ташкил этилиши қизиқарли бўлдими?	72	89	9,21	<0,01
2	Мавзу бўйича янги маълумотлар берилдими?	78	92	7,69	<0,01
3	Мавзу бўйича энг маъқул бўлган жараён ҳақида нима дейсиз?	-	88	-	-
4	Ўз устингизда ишлашингиз учун яна нималар қилиш керак деб ўйлайсиз?	-	78	-	-



## **2.24 – расм. Тингловчилар қўйидаги саволларга жавоб берадилар:**

Мазкур технология асосида талабаларни ўқитиш натижасида ўтказилган саволномада назорат гурухда 72% талабага ноанъанавий усул қизиқарли бўлган, асосий гурухда эса 89% талабага. Энг маъқул бўлган жараён ҳақида нима дейсиз саволга назорат гурухидан савол бўлмади, асосий гурухда эса ноанаъанавий усул бўйича 88% талабадан саол тушган.

### **МАВЗУ: Буйрак ва сийдик айирув тизимида УГТ ва рентген диагностикаси**

“Ролли ўйин” технологиясининг мақсади можароли вазиятдамуаммоларни ечишнинг стратегияларини ўйнаш ва тажрибавий текширишдан, ўзининг ва ўзганинг ҳаракатларини англаш ҳамда таҳлил қилишдан, зарурият бўлганда нуқтаи назар ва хулқ-атворни ўзгартиришдан иборат. Бу жараёнда bemорни кузатиш қобилияти, ҳамкаслари билан ҳамкорлик асосида bemор муаммосини ечиш йўлларини излаб топиш қобилияти ривожлантирилади. Бу технология педагогик шахсга

йўналтирилган ўқув жараёнларини вужудга келтиришда ва соғломлаштиришнинг терапевтик жараёнларида қўлланилади.

Ролли ўйиннинг босқичлари қоидалари тингловчиларга олдиндан тушунтирилади, шу аснода ўқув фаолиятининг ижодий характери таъминланади.

Ролли ўйинлар уч босқичга бўлинади:

1. Мотивация босқичи: тайёргарлик қўриш;
2. Ҳаракат босқичи (муаммони қўйиш ва уни ҳал қилиш): ўйин ва униўтказиш;
3. Анализ босқичи: натижаларни якунлаш вабаҳолаш.

Технологияни муваффақиятли ташкил қилиш учун “Буйрак ва сийдик айирув тизимида УТТ ва рентген диагностикаси” мавзуси бўйича можароли вазият яратилади ва тингловчилар орасидан бемор, даволовчи врач, УТТ врачи, рентген текшируви врачи роллари тайинланади. Ҳар бир рол эгаси ўз вазифаси нуқтаи назаридан мавзу бўйича фикрларини баён этадилар.

“Ролли ўйин” технологияси ўтказилгандан сўнг қуидаги саволнома асосида тингловчиларнинг жавоблари таҳлил қилинади.

Мазкур технология асосида талабаларни ўқитиши натижасида ўтказилган саволномада назорат гурухида мазкур технология 78% талабага маъкул бўлган бўлган, асосий гурухда эса 86% талабага. Мавзу бўйича маҳсус касбий билимлар даражаси назорат гурухида 72%, асосий гурухда 87% ташкил қилган (2.25 - жадвал).

## 2.25 - жадвал

### Ролли ўйин” технологияси ўтказилгандан сўнг қўйидаги саволнома

№	Саволлар	Назорат гурухи	Асосий гурух	$\chi^2$	P
1	Ўқув машғулотини амалга ошириш учун макур технология маъқулми?	78	86	2,17	>0,05
2	Мавзу бўйича махсус касбий билимлар даражаси	72	87	6,9	<0,01
3	Ҳамкорликда ишлаш жараёни қониктирдими?	68	90	14,59	<0,001
4	Сўз равонлиги ва касбий кўникмаларни ривожлантириш учун яна нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз?	-	88	-	-




### 2.26 – расм. Ролли ўйин” технологияси ўтказилгандан сўнг қўйидаги саволнома

## 2.26 - жадвал

**Тингловчилар билан ўтказилган n=56  
“Ролли ўйин” технологиясининг самарадорлиги**

Кўрсаткичлар	Назорат гурухи (n=24)		Асосий гурух (n=32)		$\chi^2$	P
	abc	%	abc	%		
Ўқитишни ташкил этиш	11	45,8	28	87,5	11,26	<0,001
Ролли ўйинга вақт сарфи	14	58,3	30	93,7	10,22	<0,01
Ўйинни ташкил қилиш	8	33,3	29	90,6	20,1	<0,001
Ўйин кўлланмаси	9	37,5	22	68,7	5,42	<0,05



2.27- расм. “Ролли ўйин” технологиясининг самарадорлиги

“Ролли ўйин” технологияси асосида тингловчилар ўзлаштириши қуидагида бўлди: назорат назорат гурӯҳидаги 12 (50%) нафар талаба - аъло;

8 (33,3%) нафар талаба яхши; 4 (16,6%) нафар талаба қониқарли ўзлаштириди.

Тажриба гурухидаги 26 (81,2%) нафар талаба - аъло; 6 (18,7%) нафар талаба яхши; қониқарли ўзлаштирган талабалар бўлмади.

### **МАВЗУ: Эндоурологик асбоб-ускуналар ва уларнинг стерилизацияси.Хавфсизлик омиллари**

**“Матрица” технологияси** – бу ўқитишнинг методик усуллар комплекси бўлиб, унда муаммо бир нечта элементларига ажратилади, муаммо элементларини ечиш учун излаш амалга оширилади ва мос тарзда имкон қадар ечим вариантларининг кўпроқ сони киритилади. Технологияни қўллашнинг дидактик мақсади шундан иборатки, муаммони тўлалигича тасаввур этиш, шунингдек структуралаш ва мажбурий бириктириш йўли билан муаммони ечишга кўмаклашиш ҳисобланади. Шу билан бирга, бу технологик муаммони ижодий ечишни ҳам рағбатлантиради.

Мазкур технология комплекс муаммони ечишнинг янги комбинацияларини ёки турли имкониятларини топиш мақсадида қўлланиладиган систематик структуравий анализ ҳисобланади. Шунинг учун “Матрица” технологияси янги даволаш усулларини топиш учун қулай ҳисобланади. Бундан ташқари, у аналитик мақсадлар, шунингдек инновацион жараёнларни вужудга келтириш учун қўлланилиши мумкин.



## 2.28– расм. “Матрица” технологияси


Ҳар бир тингловчи ўзининг нуқтаи назаридан мавзу муаммоси, уни ҳал қилиш ҳаракат режаси, ечим усуллари ва натижаларини белгилаб, изоҳлайдилар.

“Матрица” технологияси асосида тингловчилар ўзлаштириши аналогик кўрсаткичлар олинди: назорат назорат гуруҳидаги 12 (50%) нафар талаба - аъло; 8 (33,3%) нафар талаба яхши; 4 (16,6%) нафар талаба қониқарли ўзлаштириди.

Тажриба гурухидаги 26 (81,2%) нафар талаба - аъло; 6 (18,7%) нафар талаба яхши; қониқарли ўзлаштирган талабалар бўлмади.

## МАВЗУ : Перкутан цистостомия

“Нима?” технологияси асосида тингловчиларнинг мушоҳада қилиш жараёнлари шакллантирилади. Мавзу асосида танланган расмларга тингловчилар ўз билимларига таянган ҳолда тўғри ва аниқ жавоб берабер, берилган расмлар кетма – кетлик тартибини аниқлайди.

Жараёнлар	Мазмунини изоҳланг
	
	
	
	

**2.29 – расм. “Нима?” технологияси.**

“Нима?” технологияси асосида тингловчилар ўзлаштириши қуидаги бўлди: назорат гуруҳидаги 7 (29,1%) нафар тингловчи аъло; 8 (33,3%) нафар тингловчи яхши; 9 (37,5%) нафар тингловчи қониқарли, --- ўзлаштириди.


Тажриба гуруҳидаги 28 (87,5%) нафар тингловчиаъло; 4 (12,5%) нафар тингловчи яхши ўзлаштириди.


### **МАВЗУ : Перкутан нефростомия**

“Арт-кластер” технологияси асосида мавзу таҳлил қилинади. Мазкур технология тингловчиларни соҳа бўйича билимларини такомиллаштиради. Тақдим этилган арт-кластер асосида тингловчилар материалларни кенгайтириб, фикр-мулоҳазаларини билдирадилар ва қуидаги саволларга жавоб берадилар:

1. Нефростомия нима?
2. Қандай ҳолатларда нефростомия жарроҳлиги қилинади?
3. Расмлар кетма-кетлигини белгиланг.

### **“Арт-кластер” технологияси**





**2.30 – расм. “Арт-кластер” технологияси.**

“Арт-кластер” технологияси асосида тингловчилар ўзлаштириши қуидаги бўлди: назорат гуруҳидаги 5 (20,8%) нафар тингловчи аъло; 11 (45,8%) нафар тингловчи яхши; 8 (33,3%) нафар тингловчи қониқарли ўзлаштириди.

Тажриба гуруҳидаги 27 (84,3%) нафар тингловчи аъло; 4 (12,5%) нафар тингловчи яхши; 1 (3,1%) нафар тингловчи қониқарли ўзлаштириди.

### **МАВЗУ : Буйрак ва сийдик айирув тизимидағи конкретент ва ёт танаачаларни эндоскопик бартараф этиш**

“**Видео топишмоқ**” технологияси сўнгги йилларда педагогик фаолиятда турли ахборот воситалари (компьютер, телевидение, радио, нусха кўчирувчи қурилма, слайд, видео ва аудио магнитофонлар) ёрдамида таълим жараёни ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқитувчилар олдида ўқитишда турли ахборот воситаларидан ўринли, мақсадли, самарали фойдаланиш вазифаси туради. «**Видео топишмоқ**» стратегиясидан фойдаланишда қуидаги ҳаракатларамалга оширилади:

Тингловчиларга ўрганилаётган мавзу моҳиятини тасвирий ёритишга ёрдам берувчи изоҳларсиз бир нечта видеолавҳа намойиш қилинади

Тингловчилар ҳар бир лавҳада қандай жараён акс эттирилганлигини изоҳлайди

Тингловчилар видеолавҳада акс этган жараённи илмий таҳлил қиласидилар

Тингловчилар ўқитувчи томонидан берилган саволларга жавоб берадилар

Видео лавҳалар намойиш қилингач, тингловчилардан лавҳада буйрак ва сийдик айирув тизимидағи конкретмент ва ёт танаачаларда қандай жараён, ифодалангандылык юзасидан мушоҳада юритиш талаб қилинади. Видео топишмоқнинг жавобини топиш орқали тингловчилар ўрганиладиган янги мавзу ҳақида тасаввурга эга бўладилар.

“Видео топишмоқ” технологияси асосида тингловчилар ўзлаштириши қуидагича бўлди: назорат гурухидаги 7 (29,1%) нафар тингловчи аъло; 8 (33,3%) нафар тингловчи яхши; 9 (37,5%) нафар тингловчи қониқарли ўзлаштириди.

Тажриба гурухидаги 28 (87,5%) нафар тингловчи аъло; 4 (12,5%) нафар тингловчи яхши ўзлаштириди, қониқарли ўзлаштирган тингловчи бўлмади.

### **МАВЗУ : Ташқи зарб тўлқинли масофавий митотрипсия (EUVL)**

“Галерея” технологияси кичик гурухларда мавзу бўйича муаммоларни муҳокама қилиш имконини беради. Бунда гурухнинг ҳар бир аъзоси барча таклиф этилган масалалар муҳокамасида иштирок этади ва ўз улушкини қўшади. Бу технология бир нечта қадамларда бажарилади.

1-қадам.“Ташқи зарб тўлқинли масофавий митотрипсия (EUVL)

мавзуси бўйича муаммо қўйилади.


2-қадам. Ҳар бир грух муаммолар бўйича ишлашни бошлайди (10 дақиқа)

3-қадам. Кичик грухлар қўшни грухлар муаммо ечимини охиригача етказишга ўтадилар. Ҳар бир кичик грух ўз ғояларини ёзган катта варақни олмасдан доира бўйлаб силжийди.

4-қадам. Қўшни муаммо ечимини охиригача етказадилар. Ҳар бир кичик грух вараққа ёзилган қўшни грух ғояларини ўрганадилар, савол белгиси билан рози бўлмаганларни белгилайдилар, муаммо ечими бўйича ўз ғояларини ёзадилар.

5-қадам. Ўз муаммолари ёзилган грухга қайтиш. Муаммони таҳлил қилишлар асосида доира бўйича ўтишлар ҳар бир кичик грух ўзининг дастлабки жойига қайтиш билан тугалланади.

6-қадам. Тақдимот ва иш натижалари мухокамаси. Ҳар бир грух муаммоларнинг ечими бўйича варакларида йиғилган натажалар ғояларни тушунтириш ва шарҳлар билан тақдим этади.



2.31 – расм. “Галерея” технологияси.

“Галерея” технологияси асосида тингловчилар ўзлаштириши қуйидагича бўлди: назорат гуруҳидаги 3 (12,5%) нафар тингловчи аъло; 13 (54,1%) нафар тингловчи яхши; 8 (33,3%) нафар тингловчи қониқарли ўзлаштириди.

Тажриба гуруҳидаги 24 (75,0% нафар тингловчи) аъло; 8 (25,0%) нафар тингловчи яхши; ўзлаштириди.

### **МАВЗУ: Простата бези хавфсиз гиперплазияси ва қовуқ ўсмасининг трансуретал резекцияси**

“Кейс-стади” технологияси асосида мавзубўйича аник, реал муаммоли вазият таҳлил қилинади.

Технологиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Тингловчиларнинг таҳлилий қўнималарини ва танқидий тафаккурни ривожлантириш.
2. Назария ва амалиёт бирлигини таъминлаш.
3. Муаммо юзасидан турли қарашлар ва ёндашувларни намойиш қилиш.
4. Қарорлар қабул қилиш ва унинг оқибатларига доир мулоҳазаларни тақдим этиш.
5. Ноаниқликлар мавжуд бўлган шароитда муқобил варианtlарни баҳолаш қўнималарини шакллантириш.

“Простата бези хавфсиз гиперплазияси ва қовуқ ўсмасининг трансуретал резекцияси” мавзууси бўйича кейс (муаммо) таҳлил қилинади.

Ўқитувчи томонидан кейсларни ечишга доир методик кўрсатма тақдим этилади:

1. Кейс (муаммо) билан танишинг.
2. Муаммонинг долзарблигини баҳоланг.
3. Муаммонинг долзарблигини далиллар ёрдамида изоҳланг.
4. Кейс (муаммо)ни самаралиешиб ўлларинианиқланг.

5. Кейс (муаммо)нинг самарали ечимини белгиловчи метод в атехнологияларни танланг.

6. Кейс (муаммо)нинг самарали ечимини кафолатловчи фараз (илмий фараз)ларни шакллантиринг

### **2.27 - жадвал**

#### **“Кейс-стади” ёрдамида тингловчилар қуидаги күникма, малакаларга эга бўлади:**

Кўрсаткичлар	Назорат гурухи (n=24)		Асосий гурух (n= 32)		$\chi^2$	P
	abc	%	abc	%		
Таҳлилий кўникмалар (маълумотларни ахборотлардан ажратса олиш, уларни туркумлаштириш, маълумотларни зарур ва нозарурга ажратиш, таҳлил қилиш, мантиқий фикрлай олиши керак).	12	50	28	87,5	9,45	<0,01
Амалий кўникмалар (муаммонинг мураккаблигидан келиб чиқиб, реал вазиятни таҳлил қила олиш, энг муҳим назария, метод ва тамойилларни қўллай билиш).	7	29,1	25	78,1	13,42	<0,001
Ижодий кўникмалар (вазият (муаммо)ни ечиш муҳим эмас, балки ижодий ёндашув асосида муаммонинг бир неча ечимларини топиш).	8	33,3	28	87,5	17,53	<0,001
Мулоқот кўникмалари	7	29,1	30	93,7	25,52	<0,001
Ижтимоий кўникмалар	6	25,0	24	75,0	13,78	<0,001
Ўз-ўзини таҳлил (ўзини тута билиши)	9	37,5	29	90,6	17,75	<0,001



### **2.32 – расм. “Кейс-стади” ёрдамида тингловчилар қўидаги кўникма, малакаларга эга бўлади**

Мазкур технология асосида талабаларни ўқитиш натижасида бўйича берилган таҳлилий кўникмаларни ўзлаштириш 34,5% оширилди (50,0%дан 87,5%ча), амалий кўникмаларни шакллантира олиш 49% оширилди (29,1%дан 78,1%га), ижодий кўникмалар (бунда мантиқийлик асосида вазият (муаммо)ни ечиш муҳим эмас, балки ижодий ёндашув асосида муаммонинг бир неча ечимларини топиш эса 54,2% ошди (33,3%дан 87,5%га), мулоқот кўникмалари 64,6% ошди (29,1%дан 93,7%га), ижтимоий кўникмалар эса 50,0% ошди (25,0%дан 75,0%га).

“Кейс-стади” технологияси асосида тингловчилар ўзлаштириши қўидагича бўлди: назорат гуруҳидаги 7 (29,1%) нафар тингловчи аъло; 8 (33,3%) нафар тингловчи яхши; 9 (37,5%) нафар тингловчи қоникарли ўзлаштириди. Тажриба гуруҳидаги 28 (87,5%) нафар тингловчи аъло; 4 (12,5%) нафар тингловчи яхши ўзлаштириди, қоникарли ўзлаштирган тингловчи бўлмади.

## 2.28 - жадвал

### Малака ошириш курс тингловчилари билан курс якунида ўтказилган сўровнома

№	Саволлар	Назорат гурухи (n=24) (%)	Асосий гурух (n=32) (%)	$\chi^2$	P
1	Ўқув машғулотларини замонавий талаблар асосида амалга оширишдаинтерфаол технологияларнинг аҳамияти қандай бўлди?	68	89	13,06	<0,001
2	Тингловчиларда мавзулар бўйича маҳсус таҳлилий тафаккурнинг ривожлантирилиш самарадорлиги қандай бўлди, деб ҳисоблайсиз	45	98	68,92	<0,001
3	Ҳамкорликда ишлаш жараёни қониктирдими?	52	100	63,16	<0,001
4	Ўзингизнинг иш фаолиятингиз учун курсда ўзлаштирган билимлардан қандай хulosалар килдингиз?	-	97	-	-



### 2.32 – расм. Малака ошириш курс тингловчилари билан курс якунида ўтказилган сўровнома

---

### **III БОБ. ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУХИТИДА УРОЛОГИЯ**

### **ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ**

### **КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА**

### **ШАКЛЛАНТИРИШ**

---

#### **3.1 §. Тиббий таълим жараёнида инновацион мухитнинг аҳамияти**

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш, маҳаллий шарт-шароит, иқтисодий ва интеллектуал ресурсларни инобатга олган ҳолда жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ислоҳотларнинг амалга оширилаётганлиги янгидан-янги ютуқларга эришишни таъминламоқда. Илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технология соҳаларининг мавжуд тараққиёти замонавий жамият қиёфасини белгилаб бермоқда.

Замонавий жамиятнинг энг муҳим характерли жиҳати унинг барча соҳаларида глобаллашувнинг кўзга ташланаётганлигидир. Тиббий олий таълим муассасаларида бўлғуси оиласидан шифокорларни тайёрлашда педагогларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, дунёқарашларини бойитишда уларни инновацион таълим технологиялари, ўқитишининг янги, инновацион шакл, метод ва воситалари билан танишириш, педагогларда касбий компетентлик сифатлари ва креатив қобилияти моҳияти билан яқиндан танишириш муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга педагог кадрларни замонавий инновацион таълим технологияларининг ташкилий, техник ва дидактик имкониятларидан хабардор бўлишлари, таълим амалиётида ўқитишининг инновацион технологияларидан фойдаланиш, компетентлик сифатлари ва креативлик қобилиятини изчил ривожлантириб бориш кўникма-малакаларини ҳосил қилиш учун шароит яратиб қолмай, касбий фаолиятда улардан самарали

фойдаланиш борасидаги малакаларининг мустаҳкамланишини ҳам таъминлайди.

Тиббий таълим жараёнида инновацион таълим муҳити - бу таълим муассасасининг ўқув жараёнида замонавий фан ва техника ютуқларини жорий этишга асосланган, касбий соҳада ижодий қарорлар қабул қилиш ва талабаларнинг инновацион шахсини шакллантиришга қаратилган мазмун, шакллар, усувлар ва ўқув қўлланмалар йифиндисидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.10.2020 йилдаги ПФ-6097-сонли “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида фармони”да инобатга олинган даврда инновацион ривожланишнинг асосий мақсадларидан бири бу инновациялар учун қулай муҳитни ривожлантириш бўлиб, таълимнинг барча босқичларида таълим мазмуни, усувлари ва технологиялари нуқтаи назаридан инновациялар учун зарур бўлган кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантиришга эътиборни қаратиш вазифасини инобатга олинган. Тиббиёт олий таълим муассасаларида инновацион таълим муҳитини яратиш (трансформацияси) мураккаб, кўп қиррали, кенг кўламли муаммодир. Унинг ечими кенг қамровли ресурс, биринчи навбатда илмий ва илғор технологияларга асосланган ёрдамни талаб қиласди.

Инновацион таълим муҳитининг моҳияти қўйидагиларда намоён бўлади: ривожланишнинг асосий омилларининг синтези бўлиб, шахс – таълим олувчининг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган хаёт, таълим, ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз-ўзини тарбиялаш муҳитидир. Бундай муҳит инновацион тиббий таълимнинг асосий тамойилларини амалга ошириш ва амалга оширишнинг мураккаб шакли бўлиб, бўлажак мутахассисларни сифатли тайёрлашда барча манфаатдор субъектлар ва обьектларнинг саъй-ҳаракатларини ҳамкорлик қилиш имконини берадиган

таълим муассасасининг ягона таълим майдонидир. Инновацион мухитни шакллантириш янги ғояларни яратиш, янги маҳсулотлар, технологияларни яратиш, билимларнинг турли соҳаларида фундаментал ва амалий тадқиқотларни рағбатлантириш учун зарур бўлган инновацион салоҳиятни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, педагогик, шахснинг инновацион фаоллигини ривожлантириш ва фаолиятга тайёрликнинг асосий мезони сифатида қаралади.

Тиббий таълим жараёнида инновацион мухитни яратишда ўзига хос томонлари мавжуд бўлиб, бунда нафакат таълим иштирокчилари балки тиббий ёрдам кўрсатишга муҳтоҷ бўлган шахсларга боғлиқ бўлган масалалар ҳам инобатга олиниши лозим.

Инновацион таълим мухити таълим иштирокчиларининг субъект ва объект муносабатларнинг маҳсули қўринишида уйидаги омилларга асосланган ҳолда намоён бўлади:

Муаллифлик таълим дастурлари ва таълим олувчиларнинг шахсий таълим траекторияларида акс этган таълимнинг инновацион мазмуни

Трансдисциплинар ёндошув, интерфаол усуллар ва тютерликка асосланган таълимнинг инновацион технологиялари

Замонавий шароитларда ёшлар билан тарбиявий ишларни олиб бориша аниқланган усулларга таянган тарбиянинг инновацион методлари

ОТМда вазиятли-прогностик марказларни ташкил этишга асосланган таълим мухитини бошқариш шакллари

ОТМ таълим сифатига таъсир қилувчи хавфли ҳолатларни назорат қилиш ва бартараф этишга қаратилган хавфсиз таълим мухити

Шу билан бирга, инновацияларнинг асосий кўринишлари яъни янги гоялар, тизим ёки фаолият йўналишини ўзгатиришга қаратилган аниқ мақсадлар, ноанъанавий ёндашувлар, одатий бўлмаган ташаббуслар, илгор иш услублари муҳим кўрсаткичлар бўлиб ҳисобланади.

Инновацион характерга эга ижтимоий муносабатларнинг ижтимоий психологик жиҳатлари, ижтимоий муносабатларга янгилик киритиш, бу жараёнда иштирок этувчи шахсларнинг тоифалари, уларнинг янгиликка бўлган муносабатлари, янгиликни қабул қилиш, моҳиятини англашга бўлган тайёрлик даражаси хамда муайян шахслар тоифалари ўртасидаги инновацион характерга эга ижтимоий муносабатларнинг таснифини билиш ва амалда қўллай олиш мазкур муҳитнинг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Тиббиёт соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда инновацион таълим муҳитини шакллантиришда қўйидаги тамойиллар асосида таълим инновацияларининг мазкур турларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ (расм).



Қайд этилган инновация турлари тиббий таълим жараёнинг турли босқичларида қўйилган мақсад ва вазифаларни инобатга олган ҳолда қўлланилади. Хусусан, амалиётни ташкил этиш ва мутахассисликка оид фанларни ўқитишида тиббий фаолиятни ривожлантиришга қаратилган турлари, клиник фанларни ўқитишида тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳатларга асосланган турлари, клиник олди фанларни ўқитишида эса амалдаги ўзгаришлар ва натижаларга қаратилган турларидан фойдаланиш самарали хисобланади.

Инновацион таълим муҳитини самарали олиб боришда таълим берувчи ва оловчиларнинг тайёргарлиги ва уларнинг мазкур муҳитга бўлган муносабати катта аҳамиятга эга. Талабаларнинг инновацион фаолиятга тайёргарлигини шакллантириш муваффақияти ўкув жараёнида ижодий салоҳиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратишга боғлиқ:

- таълим муассасасида инновацион ва ижодий муҳитни яратиш;
- инновацион фаолият ва унинг натижаларига қадрият муносабатини шакллантириш;
- “устоз-шогирд” тизимида ижодий ҳамкорликни ташкил этиш;
- инновацион маданиятни шакллантириш технологиясининг шахсга йўналтирилганлиги;
- инновацион педагогик технологияларни эгалаганлиги.

Педагог кадрларнинг инновацион фаолияти бу таълим сифатини оширишга қаратилган янги педагогик тажрибаларни жорий этишга ва мақсадли ёндошувлар асосида юритиладиган педагогик фаолиятдир. Шу билан бирга педагогнинг инновацион фаолиятга тайёр бўлиши унинг касбий малакасини оширишнинг муҳим шартидир. Таълим жараёнида педагогнинг тайёргарлиги инновацион фаолият олиб боришга нисбатан

қизиқишиш ва мотивациясининг мавжудлиги, тиббий таълим натижаларига қўйиладиган замонавий талаблар, таълимнинг инновацион моделлари ва технологиялари ҳақидаги билимлар мажмуаси, педагогик инновациялар соҳасидаги компетенциясига бевосита боғлиқ.



Таълим берувчининг инновацион фаолиятга тайёргарлиги юқорида кўрсатиб ўтилган кўрсаткичлар асосида баҳоланади.

Таълим берувчининг инновацион фаолиятга тайёрлиги педагогик инновацияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун зарур бўлган мотивация, билим, кўникма, касбий ва шахсий муҳим фазилатларни шакллантириш билан белгиланади.

Тадқиқот давомида инновацион таълим мухитининг самарадорлиги ва кузатилган ўзгаришлар бўйича таълим иштирокчилари ўртасида саволнома ўтказилди. Саволномада 10 та асосий мезон инобатга олинди олинди (И.П.Подласий томонидан таклиф этилган). Педагог ва талабаларнинг ижобий фикрлари таҳлил қилинди.

### **3.1.- жадвал**

#### **Педагог ва талабаларнинг ижобий фикрлари**

<b>Мезонлар</b>	<b>Таълим берувчилар</b>	<b>Таълим олувчилар</b>	<b><math>\chi^2</math></b>	<b>P</b>
Педагогик тизимнинг тамомила ўзгариши	74%	48%	14,21	<0,001
Ўкув жараёнининг ўзгариши	87%	66%	12,27	<0,001
Педагогик назариянинг ўзгариши;	42%	30%	3,13	>0,05
Педагог фаолиятининг ўзгариши	95%	76%	14,56	<0,001
Талаба фаолиятининг янгиланиши	79%	66%	4,24	<0,05
Педагогик технологиянинг ўзгариши	84%	43%	36,26	<0,001
Таълим мазмунининг янгиланиши	77%	63%	4,67	<0,05
Ўқитиш шакл, метод ва воситаларининг ўзгариши	94%	72%	17,15	<0,001
Таълим тизими бошқарувнинг ўзгариши	65%	50%	4,6	<0,05
Таълим мақсади ва натижаларнинг ўзгариши	72%	59%	3,74	>0,05



Педагогик инновациялар педагогик фаолиятга янгиликларнинг изчил олиб кирилишини тавсифлайди. Педагогик инновацияларнинг дидактик имкониятларига кўра таълим тизими ва жараёни ривожланиб боради. Ўқитувчининг инновацион фаолияти педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға ундовчи, бунёдкорликка рағбатлантирувчи куч сифатида намоён бўлиб, таълим жараёнининг сифатини кафолатлади. Шу сабабли ҳар бир ўқитувчи инновацияларнинг моҳиятини тўла тушунган ҳолда ўз фаолиятига изчил татбиқ эта олиши зарур.

Маълумки, ҳар қандай мутахассиснинг тайёргарлик даражаси, авваламбор, педагогнинг касбий тайёргарлигига боғлиқ бўлганлиги учун ҳам, таълим берувчи маълум бир маънода жамиятнинг интеллектуал, маънавий ва маданий тараққиёт даражасини аниқлаб беради. Инновацион фаолият педагогик маданиятнинг муҳим таркибий қисми сифатида тадқиқ қилиб келинган. Ижтимоий-иктисодий ва илмий-техникавий тараққиёт даврида ахборотлар оқими тез ўзгаради, билимларнинг маънан “эскириши” юз беради, касбий педагогик меҳнат табиати эса малака даражасини ўз вақтида янгиланишини талаб қиласди. Шунинг учун ҳам инновацион фаолиятга

тайёрлашнинг самарадорлигини ошириш муаммоси долзарб вазифа бўлиб, унинг амалий йўналишлари эса кенг кўламдаги ўзаро боғлиқ ва ўзаро алоқадор масалалар ечимига қаратилади.

Таълим жараёнида инновацион фаолиятга тайёргарлик кўриш ва унинг самарадорлигини баҳолаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бугунги инновацион таълимни ривожлантириш, таълим сифатини такомиллаштириш учун педагоглар фаолиятини ташкил қилишда бир қатор омилларнинг таъсири кузатилиши мумкин. Тадқиқот давомида 122 нафар профессор ўқитувчилар ўртасида саволнома ўtkазиш жараёнида қуидаги омилларга бўлган муносабат таҳлил қилинди (жадвал)

### **3.2. - жадвал**

#### **Омилларга бўлган муносабат**

Омиллар	Доимо кузатилади		Айrim ҳолларда кузатилади		Умуман кузатилмайди	
	abc	%	abc	%	abc	%
Педагогик жамоадаги зўриқишлиар ва низоларнинг мавжудлиги	18	15	74***	60,5	30	24,5
Жамоа томонидан қўллаб кувватланишнинг йўқлиги	29	24	42	34	51**	42
Педагогларнинг ўз устида ишлашига шароит яратилмаган	12	10	37***	30	73***	60
Таълим новацияларини жорий этиш муҳитининг йўқлиги	67	55	40***	33	15***	12
Фаолиятдаги бир хилликнинг мавжудлиги	22	18	57***	46,7	43**	35,3
Педагогик жамоа томонидан етарлича эътибор берилмаслиги	27	22	45*	37	50**	41
Таълимий воситаларнинг танқислиги туфайли зўриқиши	59	48,4	23***	19	40*	32,6
Педагоглардаги педагогик фаолият моделининг реал ҳолати	64	52,5	41**	33,6	17***	13,9
Педагогик фаолият давомида идеалдаги ҳолатидаги	68	55,7	25***	20,5	29***	23,8

тафовутларнинг борлиги						
Касбий карьеранинг ва истиқболнинг йўқлиги	42	34,5	12***	9,8	68***	55,7
Таълим олувчиларнинг мотивациялашмаганлиги натижасида келажакни кўра билмаслик	31	25,4	29	23,8	62***	50,8
Педагогнинг шахсий низолари ва нотўлиқлик ҳисси	45	37	22***	18	55	45

Изоҳ: Фарқлар доимо кузатилган ҳолатлар (1-устун) улушига нисбатан олинган

\* - p<0,05; \*\* - p<0,01; \*\*\* - p<0,001

Бундай ҳолатга тушиб қолган педагоглар билан ишлашда амалётчи психологлар томонидан одатда қуидаги терапевтик усуслар қўлланилади:

- бихевиорал;
- гуманистик;
- когнитив ва бошқалар.

Замонавий таълим тизимида амалга оширилаётган инновацион жараёнлар, аввало, инсон фаолиятининг барча соҳаларида рақамли технологияларидан фаол фойдаланиш билан боғлиқ ва биринчи навбатда таълимнинг сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилгандир. Шу муносабат билан талабаларнинг касбий инновацион фаолияти тубдан бошқача маъно касб этади. Инновацион фаолиятнинг моҳияти ва мазмуни шундан иборатки, талабалар учун таълим соҳасидаги ҳар қандай янгилик ўқитувчи томонидан амалга оширилгандагини юзага чиқади. Яъни, таълим жараёнида талабаларни объектдан субъектга айлантириш, биринчи навбатда, ўқитувчининг касбий компетентлигига боғлиқдир.

Тиббиёт фанлари бўйича таълим берувчиларнинг педагогик фаолиятининг инновацион муҳити сифатида ўрганиш, узлуксиз таълим мазмуни, уни ўқитиш методлари ва воситаларидаги янгиликларни чукур илмий таҳлил қилиш орқали, тиббиёт таълимига киритилаётган

янгиликларни таснифлаш, инновацион педагогик фаолияти мазмунини аниклаш, тиббий олий таълим муассасасида инновацион педагогик фаолиятда иштирок этишнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан биридир.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, қўйидагиларни амалга ошириш мазкур фаолият турини самарали амалга ошириш имконини беради:

Тиббий таълимда “инновацион фаолият” тушунчаларини “кенг ёритиш учун зарур бўлган педагогик омилларни ишга тушуриш; тиббиётга оид фанларнинг олдига қўйилаган янги талаблар асосида ишларни янада жадаллаштириш, инновацион фаолиятни ташкил этилишини назарда тутган ҳолда, таълим сифатини ривожлантиришда инновацион фаолиятга ургу бериш; янгиликни ўрганишга интилаётган ўқитувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимини барпо этиш ва бошқалар. Бу каби амалий ишларни амалга ошириш натижасида мамлакатимизда инновацион фаолият янада ривожланади ва унинг оқибатида тиббий таълим жараёнида инновацион фаолиятнинг сифати ва самарадорлиги таъминланади.

### **3.2 §. Бўлғуси оиласи шифокорларни тайёрлашда касбий компетентликни ривожлантиришнинг ўзига хос жихатлари**

Ўзбекистоннинг ҳалқининг бой интеллектуал мероси ва умуминсоний қадриятлар асосида замонавий маданият, иқтисодиёт, фан-техника ва технологиянинг янги ютуқлари асосида мукаммал тайёргарликдан ўтган кадрларни тайёрлашнинг янги тизимини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг муҳим шартларидан бири бўлиб қолди. Айтиш мумкини, баркамол инсоннинг шаклланиши унинг муносиб касб-корни эгаллаши жамият тараққиёти учун баҳоли қудрати ўз ҳиссасини қўшиб яшashi ва шу орқали жамиятда ўзлигини намоён этиши яъни шахснинг камол топиши назарга олинган, жумладан ёшларни касбий шаклланиши

жараёнининг дастлабки ва айни дамда ўта мухим босқичи бўлажак касбни танлаш, яъни аниқ бир касбий қарорга келишигача бўлган даврини ўз ичига олади.

Хозирги ахборот технологиялари жадал ривожланиб бораётган даврда таълим олувчиликнинг касбий компетентлилигини ривожлантириш масаласи ўзига хос долзарблик касб этмоқда. Чунки бугунги кунда педагогикадаги асосий масалалардан бири бўлажак шифокорларнинг касбий тайёргарлигининг улардан талаб этиладиган амалий тайёргарлик даражасига мувофиқлигини таъминлаш асосида касбий тайёргарлик мазмунини фантехника ва ишлаб чиқариш тараққиётининг тезкор ўзгаришларига мослаштириш, шунингдек касбий ва амалий вазифаларни тўлақонли бажариш учун зарурий кўникма ва малакаларни шакллантириш бугунги кунда бўлажак оилавий шифокорларнинг касбий компетентлилигини ривожлантириш масаласига ҳам илмий ҳам педагогик нуқтаи назардан янгича ёндашув заруратини шакллантироқда.

Оилавий шифокорларнинг касбий компетентлилиги - тиббий соҳа мутахассислари томонидан бериладиган алоҳида билим, кўникма ва малакаларнинг эгаллашни, касбга тегишли билимлар, кўникмалар ва малакаларнинг ўзлаштирилишини назарда тутган ҳолда ўз соҳаси бўйича касбий билимларини доимо бойитиб боришни, ахборотларни ўрганишни, замон талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади.

Бўлажак шифокорларнинг касбий компетентлилигини ривовлантиришнинг асоси сифатида қўйидагиларни қараш мумкин: доимий равишда ўз билимларини изчил бойитиб бориш, ахборот воситаларидан фойдаланиб янги ахборотларни ўзлаштириш, замонавий талабларни чукур англаш, янги билимларни излаб топиш, тиббиётнинг замонавий усулларини

ўрганиб бориш, шифокорда бўлиши керак бўлган ижобий сифатларга эга бўла олиш.

Жаҳонда тиббий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида бўлажак шифокорларнинг касбий сифатларини ривожлантиришнинг дидактик параметрларини такомиллаштириш, шифокорлик имкониятларини кенгайтириш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш узвийлигини таъминлаш борасида илмий - тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Шифокорлик фаолияти чексиз, мураккаб, сермеҳнатдир. Оилавий шифокор фаолиятида ўзгармаган элементлар мавжуд эмас доимо билим соҳаси ривожланади, яъни шифокор фаолияти қаратилган беморлар контингенти ўзгаради, тиббиёт фани ўзгариб тўлиб боради. Буларнинг барчаси тиббий таълимдаги муҳим бўлган мазмунни, мақсадга мос келадиган ўқитишининг шакл, усул ва ўқитиш воситаларини, ўқув жараёнида талабалар билан ҳамкорликнинг самарали йўлларини доимий равишда излаб топишни талаф этади.

Талабаларда ўз-ўзини ривожлантириш, миллий ва умуммаданий, коммуникатив компетенцияларни шакллантириш асосида ижтимоий компетентлиликтининг ўзига хос компонентлари таркиб топтирилади. Ушбу компонентлар нафақат мотивли-эмоционал компонентга тааллуқли, балки бошқа компонентларда ҳам ўз ифодасини топади. Иккинчи компонентнинг таркибига нафақат бошқаларнинг билимлари, ҳолати, балки ўзининг билимлари ҳам акс этади. Ҳамкорлик жараёнида таълим олувчи ўз ҳолати, хусусиятлари, лаёқатларини идрок этган ҳолда ҳаракатланади. Ўз ҳаракатларини ҳамкасби кўзи билан қараган ҳолда идрок этади. Ҳар қандай нуқтаи назарнинг кучли ва кучсиз томонини кўра олади. Худди мана шундай муносабат доирасидагина ўқувчи ўз атрофидаги воқеликни аниқ баҳолаш имконига эга бўлади.

В.Г.Первутинскийнинг нуқтаи назарига кўра, ижтимоий компетентлилик қўйидагиларни ўз ичига олади:

- ижтимоий интеллект
- ижтимоий вазиятларни тушуниш ва мазкур вазиятларга мослашувчанлик билан ёндашиш;
- маънавий етуклик
- қадриятли йўналишлар,
- дунёқарашиб мотивлар;
- ижтимоий-касбий етуклик
- перцептив, эмпатив, коммуникатив, рефлексив,
- ўз-ўзини намоён этиш, кўникмалар;
- башорат қилиш, мақсадга интилиш;
- ахборот технологиялари ва хорижий тилни билиш,
- ижтимоий-ахлоқий етуклик,
- масъулиятилилк,
- мақсадга интилувчанлик,
- қатъиятилилк,
- ўзига ишониш,
- ташкилотчилик,
- талабчанлик.

Ижтимоий-касбий компетентлилик ўзида фақатгина меҳнат ва касбий кўникмаларни мужассамлаштиурса, ижтимоий-ахлоқий етуклик, лидерлик сифатларини ифодалайди.

Тадқиқот давомида қўйидаги (М.И.Лукъянова томонидан таклиф этилган) ижтимоий компетентлиликнинг таркибий қисмларини таҳлил қилиш жараёни амалга оширилди (Жадвал) :


Мотивли-қадриятли компонент	Жараёнли мазмунли компонент	Ҳиссий-иродавий компонент
<ul style="list-style-type: none"> <li>Ижтимоий фаолият мотивлари</li> <li>шаклланган мотивация, ютуқларга эришишга интилиш</li> <li>ижтимоий муносабатларнинг қонун-қоидаларини ўзлаштириш</li> <li>ахлоқий меъёрларга позитив муносабатда бўлиш</li> <li>жамоа тартибига риоя қилишни</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>ўзи ва ўзгаларнинг хатти ҳаракатларига нисбатан танқидий муносабатда бўлиш имконини берадиган билимлар, кўникмалар, малакалар</li> <li>ўзаро муносабатлар натижасини башорат қилиш</li> <li>мулоқот орқали атрофдагиларга таъсир кўрсатиш</li> <li>ўз олдига мақсад қўйиш ва уни амалга ошириш учун интилиш кўникмалари</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>ечимларни танлаш,</li> <li>ўз-ўзини назорат қилиш ва бошқариш лаёқатига эга бўлиш,</li> <li>ўз зиммасига масъулият олишга тайёрлик,</li> <li>ўзига ишонч ва қатъиятли бўлиш сифатлар</li> </ul>

### 3.3 - жадвал

**Мазкур компетенцияларни баҳолашда таълим олувчилар ўртасида баҳолаш шкаласи асосида олинган натижалар таҳлил қилинди (%):**

Мезонлар/балл	5 балл	4 балл	3 балл	2 балл	1 балл
Ижтимоий фаолият мотивлари	84	78	41	12	3
шаклланган мотивация, ютуқларга эришишга интилиш	86	76	56	10	2
ижтимоий муносабатларнинг қонун-қоидаларини ўзлаштириш	78	62	58	12	1
ахлоқий меъёрларга позитив муносабатда бўлиш	84	77	35	16	4
жамоа тартибига риоя қилишни	89	84	22	11	3
ўзи ва ўзгаларнинг хатти ҳаракатларига нисбатан танқидий муносабатда бўлиш имконини берадиган билимлар, кўникмалар, малакалар	87	76	35	13	5
ўзаро муносабатлар натижасини башорат қилиш	78	70	45	12	6
мулоқот орқали атрофдагиларга таъсир кўрсатиш	82	80	41	28	1
ўз олдига мақсад қўйиш ва уни амалга	88	72	28	12	2

ошириш учун интилиш кўникмалари					
ечимларни танлаш,	88	71	45	12	2
ўз-ўзини назорат қилиш ва бошқариш лаёқатига эга бўлиш,	88	72	25	12	2
ўз зиммасига масъулият олишга тайёрлик,	87	75	35	13	3
ўзига ишонч ва қатъиятли бўлиш сифатлар	90	76	18	10	2



### 3.1. расм. Баҳолаш шкаласи асосида олинган натижалар

### **3.3 §. Оилавий шифокор фаолиятида урологик касалликлар билан bemorlarни олиб бориш самарадорлигини оширишда касбий компетентликни ривожлантириш**

Агар бўлғуси шифокорларда шаклланган билим, кўникма ва малакалари сифатида ижобий силжишлар бўлмаса, касбий компетентликни ривожлантиришга қаратилган услубий ишларнинг самараси паст ҳисобланади. Шунинг учун услубий ишларнинг таъсирчанлиги кўп жиҳатдан режалаштирилишига, режаларининг аниқлигига, амалга оширилган ишларнинг ҳажмига ва бошқа омилларга боғлиқ. Шунингдек, тиббиёт олий ўкув юртларида услубий ишларни ташкил этиш ва бошқаришда аниқликка эътиборни қаратиш зарур бўлиб, бунда ҳар бир педагог меҳнатининг натижаларини ўз вақтида холисона кўрсатиш, рағбатлантириш, танқид қилишни меъёрида амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Сўнгги йилларда таълимда компетенция «биринчи ўринга чиқди». Хаммамиз тез технологик ўзгаришлар, глобаллашув, ўсиб бораётган хилмачилликнинг гувоҳи бўламиз. Бундай шароитда ижтимоий фаровонлик ва сиёсий барқарорликни сақлаш, самарадорлик ва рақобатбардошликни таъминлашда, шубҳасиз, таълимнинг ўрни катта. Гап компетенция ва компетенция таълимнинг янги бирлиги сифатида, таълим натижаларига эътибор қаратилиб, ёдланган билимлар, қобилиятлар, кўнилмалар ва турли муаммоли вазиятларда ҳаракат қилиш қобилияти деб ҳисобланмайди.

Бўлажак шифокорларни тиббиёт олий ўкув юртларида тайёрлаш алоҳида ахамиятга эга, чунки турли урологик касалликларни ташхислаш учун ва даволаш усусларини танлаш ҳамда bemorlarни олиб бориш тактикасини аниқлаш ушбу мутахассислик эгаларига боғлиқ бўлиб, у юқори ижобий натижа ва тиббиёт ривожига таъсир кўрсатади. Уролог ўз олдига мақсад қўйиши ва уларга эришиши, ўз ишини режалаштириши, муаммони ҳал

қилиш йўлларини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишни мақсад қила олиши, ўз касбий савиясини мунтазам ошириб бориши, ўз соҳасида фан ва техника ютуқларини кузатиб бориши лозим.

Бунинг учун зарур бўлган фазилатлар нафақат тиббиёт олий таълим муассасаида ўқитишиш ва таълим натижаси, балки касбий фаолият жараёнида муаммоларни ҳал қилиш учун тўпланган амалий кўникмаларнинг натижасидир. Бундан келиб чиқиб, олий ўкув юртлари мақсадли профилактика ва даволаш муассасалари билан биргаликда бўлажак шифокорлар ўртасида умуминсоний билим, кўникма, малака, шунингдек мустақил фаолият тажрибасининг янги тизимини шакллантириши мумкин.

Касбий компетенцияларни тушунишга барча ёндашувларни инобатга олсак, компетенция тушунчасини изоҳ қилишнинг иккита асосий йўналишини ажратиб кўрсатишимиз мумкин: инсоннинг ишда натижаларга эришишга имкон берадиган стандартлар ва шахсий хусусиятларга мувофиқ ҳаракат қилиш қобилияти. Бунда шифокорлар касбий компетентлигини ривожлантиришда касбий билимлар, кўникма ва малакаларини мунтазам равишда янгилаб бориш, педагогик механизмларини ҳамда касбий таълим сифатини ошириш борасидаги изланишлар асосида такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шифокорнинг касбий компетентлиги тузилмаси унинг тиббий кўникмалари орқали аниқланиши мумкин.

Мутахассисларнинг касбий компетентлиги модели унинг назарий ва амалий тайёргарлигининг бирлиги вазифасини бажаради. Касбий компетентлик бу оилавий шифокорлик фаолиятдаги реал вазиятларда учрайдиган касбий тиббиётга оид муаммо ва вазифаларнинг самарали ечимини таъминлайдиган усуллар, замонавий технологиялари, диагностика технологиялари, психологик ва тиббий коррекция, турли воситаларни қўллай олиш ва доимий такомиллаштириб бориш; аҳоли орасида тиббий ёрдам

кўрсатиши ташкиллаштиришга йўналтирилган замонавий ташхислаш ва инновацион технологияларга доир креатив ғоялар, илгор хорижий тажрибалар, янги адабиёт, шунингдек бошқа маълумотларни ўзлаштириш ва амалиётда қўллашни ўз ичига олади.

Касбий компетентликни ривожлантиришда касбий хусусиятлар билан бир қаторда малака талабларига асосланган ҳолда амалга оширилаётган жараённинг асосий таъминоти, таълим жараёнини амалга оширишда индивидуал ёндашувларни танлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Н.Муслимов томонидан тавсифланган қўйидаги компетентлик турлари га таянган ҳолда бўлғуси шифокорларнинг касбий фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди:

## Яхлит-мазмунли компетентлик

талабанинг урологик муаммоларни бошқа  
йўналишлар билан боғлай олиши

мустақил фикрлаш  
ёрдамида асосий  
урологик муаммони  
аниқлай олиши

оилавий тиббиёт  
амалиётида урологик  
касалликларнинг  
аҳамиятини белгилай  
олиши

урологик касалликлар  
билингвистика  
билимни боғлай олиши

клиник фикрлаш  
билан боғлиқ  
компетентлик

Мазкур компетентлик таълим оловчиларнинг хусусий муаммоларни умумий муаммолардан ажратада олиш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, клиник фикрлаш асосида хулоса қилиш кўниумасини шакллантириш алоҳида ўринни эгаллайди.

## Ижтимоий мадданий компетентлик

аҳоли орасида тиббий маданиятни миллий ва умуминсоний маданиятлар хусусиятлари асосида шакллантириш


соғлом турмуш тарзини тарғибот қилишда инсон ва инсоният ҳаётининг маънавий-ахлоқий асосларини түғри белгилаш

оилавий тиббиёт амалиётида оилавий ва ижтимоий анъаналарнинг маданий асосларини аниқлаш

соғломлаштириш борасида турмуш ва дам олиш борасидаги билимлар асосида мақсадли тавсиялар бериш

аҳолининг турли қатламлари билан ишлашда инсон ҳаётида фан ва диннинг ролига оид маълумотларн түғри талқин қилиш

Ижтимоий соҳанинг долзарб тамойилларига асосланган ҳолда аҳоли билан ишлаш жараёнида шифокорнинг шахсий хусусиятлари ҳамда аҳолининг маданий хусусиятлари оилавий шифокор фаолиятинининг самарадорлигига бевосита таъсир қилувчи омилларан бири бўлиб ҳисобланади. Хусусан, урологик муаммолар билан мурожаат қилиб келган bemорларни қабул қилиш, оила аъзолари билан маслаҳат бериш жараёнини түғри ташкил этишда маданий ва ахлоқий хусусиятларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шу билан бирга тиббий этика қоидаларига риоя қилиш касбий компетентлик ажralmas томонларидан биридир.



Шифокорлик фаолиятига шахсий баҳо бериш борасидаги урология бўйича билим ва малакалар асосида ўрганилаётган муаммоларга нисбатан талабаларни креатив кўнималари, яъни билимларни далилларга асосланган манбалардан олиш, ностандарт ва шошилинч ҳолатларда муаммони ҳал этишнинг харакат усуллари ва инновацион методларини амалиётда қўллай олиши муҳимдир.

# Ахборот олиш компетентлиги

ахборот технологиялари, уларнинг турларини билиш

ахборот технологиялари ёрдамида мустақил изланиш

ахборотларни таҳлил қилиш

ахборотларни танлаб олиш

ахборотларни ўзгартириш ва сақлаш

Ушбу компетентлик бўлғуси шифокорларнинг ўқув фанлари асосларини, хусусан урологияга доир билим ва кўнималарни муҳим ахборотлар асосида ўзлаштириши ҳамда шаклланишини таъминлайди. Мазкур компетентлик тури замонавий тиббиёт асосларини ўрганиш учун замин яратади ҳамда ўз фаолиятида илфор технологиялардан самарали фойдаланиш имконини беради.

## Коммуникатив компетентлик

аҳоли ва унинг турли  
қатламлари билан  
билан ўзаро  
муносабатлар ва  
уларнинг усулларидан  
мақсадли фойдаланиш

мулоқот жараёнида  
устувор ўрин тутувчи  
нутқ турини эгаллаш,  
вербал ва новербал  
усуllibарни мақсадли  
қўллаш

грухларда ишлаш  
кўникмалари, жамоада  
соғлом турмуш тарзига  
оид ва турли  
тадбирларни ташкил  
қилиш ва ўтказиш  
кўникмасига эга бўлиш

Оилавий шифокор фаолиятида урологик муаммолар билан мурожат қилиб  
келган bemорларга маслаҳат беришда ўзига хос хусусиятлар, ижтимоий  
тўсиқлар ва психологияк омиллар кузатилиши мумкин. Мазкур  
компетентликни шакллантиришда тиббиёт ходимларининг деонтологияси  
 билан ўзаро боғлиқлиқда ўргатиш ҳамда шахслар аро мулоқот тамойилларига  
риоя қилиш инобатга олинади.

## Ижтимоий-фаолиятли компетентлик

тиббиёт ва ижтимоий-меҳнат соҳаси

оилавий  
муносабатлар ва  
мажбуриятлар

тиббиёт ва ҳуқуқ  
масалалари

касбий, шунингдек,  
шахсий мавқени  
аниқлаш

билим ва  
тажрибаларни  
эгаллаш

Мазкур компетентлик борасида амалга ошириладиган таълим жараёни аҳоли орасида тиббиёт ҳуқуқига оид маълумотларни тақдим этиш (бемор - фуқаро, ижтимоий муҳофазага оид), ижтимоий-мехнат соҳаси (тиббий ёрдам истеъмолчиси, bemorlarning ҳуқуқлари), оилавий муносабатлар ва мажбуриятлар, тиббиёт ва ҳуқуқ масалалари, касбий, шунингдек, шахсий мавқени аниқлаш борасидаги билим ва тажрибаларни эгаллаш (хусусан, соғлиқни сақлаш тизимидағи меҳнат бозоридаги кадр истеъмолчилари таҳлил қилиш, шахсий ва ижтимоий манфаатларни кўзлаб, харакат қилиш маҳорати, меҳнат ҳамда аҳоли муносабатларининг одобини билиш)ни англатади.

Урология фанидан таълим бериш жараёнида педагогларнинг касбий компетентлигини оширишга қаратилган тамойил қўйидагиларни ўз ичига олади:

- соғлиқни сақлаш соҳасига доир малака талаблари бўйича малака меҳнат фаолиятидаги аниқ вазифаларни бажара олиш учун тайёр бўлиши, касбий компетенцияларни ўзлаштириши;
- касбий компетенция доирасида шифокорлик фаолиятида зарур бўладиган билим, кўнирма ва малакаларни урологик bemorlarни олиб боришдаги турли вазиятларда қўллай олиш қобилияти;
- урологик bemorlarни муоммоларини ҳал этишда касбий компетентликни ривожлантиришга доир ёндашувларни, хусусан мақсадлилик, объективлилик, шифокорлик фаолиятига йўналганлик ҳамда шахслар аро муносабатларнинг асосий томонларини танлаш;
- ўқув жараёнида касбий компетентликни ривожлантиришнинг инновацион шаклларини тўғри танлаш ва амалда қўллай олиш;

– урология фанини ўқитишда касбий компетентликни ривожлантиришга асосланган дидактик таъминотни такомиллаштириш ҳамда натижаларини тўғри таҳлил қилиш.

Оилавий шифокорларни тайёрлашда касбий компетентликни ривожлантириш жараёнининг самарадорлигини таъминловчи тизимли, фаолиятли ва шахсга йўналтирилган омилларни, касбий ривожланишнинг мезонлари, хусусан касбий мотивация, шахсий касбий ҳусусиятлар, инновацион ёндошувчанлик, ўзини ўзи бошқариш, рефлексивлик, креативликни касбий ривожланиш ва касбий фаолият муҳити билан ўзаро интеграциясини таъминлаш асосида такомиллаштиришни ўз ичига олади.

---

#### **IV БОБ. КРЕДИТ МОДУЛ ТИЗИМИДА КЛИНИК ФАНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН МЕТОДИК ТАЪМИНОТИДАН ФОЙДАЛАНИБ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

---

##### **§4.1. Кредит модул тизимида клиник фанларни ўқитишда методик таъминотнинг ўзига хос томонлари**

Ўзбекистон Республикаси дунё ҳамжамияти нигоҳида ривожланаётган ва келажаги порлоқ мамлакат сифатида кўзга ташланмоқда. Ўзининг келажаги учун мустаҳкам пойdevор қуриш ва келажак авлоднинг билимли ва ҳар томонлама етук бўлиб этишишини таъминлаш мақсадида мамлакат таълим тизимида кўплаб ислоҳотлар ва ўзгаришлар амалга ошириб келинмоқда.

Жамият тараққиёти мавжуд тизимни такомиллаштириш, янгича ёндашувни жорий қилиш, кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, ёшларга ўз

билимларини оширишларида ўрнак бўлишни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мутаносиб равишда тегишли қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан бир қаторда янги қарор, фармойишлар қабул қилинди. Мазкур жараёнда асосий мақсадлар белгиланди: олий таълим сифатини яхшилаш, таълим тизимини мувофиқлаштириш, Халқаро стандартларни киритиш. Мамлакатимиз таълим тизими учун янгилик бўлган кредит-модуль тизими, унинг мазмун-моҳияти, тизимда қўлланиладиган атамалар ва тушунчалар ҳамда уларнинг мазмуни, тизимда ўқув жараёнини ташкил этиш борасида кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Кредит - модуль тизими – мустақил таълим олишга қаратилган ва индивидуаллик асосида билимни ижодий ўзлаштириш, ўқув жараёнини қатъий белгиланган ҳолда таълим йўлини танлаш ва кредит ҳолида билим ҳажмини белгиловчи тизимдир. Кредит-модуль тизимининг аҳамиятли томони шундаки, бу тизимда фаннинг ўқув дастури меҳнат бозори талабларини ўрганган ҳолда, шунга мос тарзда тузилади. Ўқув режадаги фанлар икки гурӯҳга, яъни мажбурий фанлар ва танлов фанларига ажратилади. Танлов фанлари ўқув режадаги фанларнинг 50%ини ташкил этади, демак талабаларнинг ўзи қизиқадиган ва келажакда керак деб ҳисоблайдиган фанларни танлаб ўқиш имконияти ортади. Кредит-модуль тизимида талабаларни ўқитиш жараёнида ўқитувчилардан ҳар бир талабага индивидуал ёндашиш талаб этилади ва талабани мустақил таълим олишга ўйналириш лозим бўлади. Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, кредит-модуль тизимида талабаларда фанларни ва ўқитувчиларни танлаш хукуқи ҳам пайдо бўлади, шунингдек ўз устида мустақил ишлаш имконияти ортади.

Кредит-модуль тизимини амалга ошириш сермашақкатли ва мураккаб тизимдир.

Кредит-модуль тизимида ахамият бериладиган асосий масалалар қуидагилардан иборат:

- талабаларнинг мустақил ишлашини таъминлаш;
  - талабалар билимини рейтинг асосида баҳолаш.
- ўқитишининг модулли технологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;
- талабаларнинг ўз устида мустақил ишлашини таъминлаш учун фаннинг методик таъминотини янада такомиллаштириш

Кредит модул тизимида фанларни ўқитишда қуидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ўзига хос томонлари</b>
	Намунавий ўқув режалар	Бакалавриат таълим йўналишларининг намунавий ўқув режалари 4 блокдан иборат бўлади: 1) гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки; 2) клиник олди фанлар блоки; 3) клиник фанлар блоки; 4) кўшимча фанлар блоки.  Хар бир блокдаги танлов фанлари миқдори-50% атрофида
	Баҳолаш тизими	Кредит-соат тизими
	Ўқув ишлари ҳажмининг ягона ўлчов бирлиги	Кредит-соат (Credit hour) ёки кредит (Credit)
	Профессор-ўқитувчилар	Assistant Professor, Associate Professor, Professor лавозимлари бўлиб, улар лектор ва тьюторларга бўлинади.
	Фанлар	Мажбурий фанлар (Core Subjects) ва танлов фанлари (Elective Courses) га бўлинади. Танлов фанлари миқдори 50% ни ташкил этади
	Диплом	Халқаро миқёсда бевосита тан олини-ши таъминланади
	Мустақил ўқиши тури	Office Hours – талаба ўқитувчи раҳбар-лигига аудиториядан ташқарида бажара-диган мустақил иши бўлиб, талабанинг дарс жадвалида кўр-сатилади. Бажарилиш турлари – реферат, модел ва макет тайёрлаш,

		мустакил конспект тайёрлаш ва б.
	Талабанинг босқичга ўтказилиши	Ўртача балл (Grade Point Average - GPA) – талаба-нинг фанларни ўзлаштиришининг ўртача баҳоси (фанлар бўйича кредитларнинг рақамли эквивалентларга кўпайтмалари йигиндилигининг ўқув давридаги умумий кредитлар сонига нисбати) - талабаларни кейинги босқичга ўтказиш учун қўлланилади
	Талабанинг имкониятлари	Фан ва ўқитувчиларни танлаш имконияти юқори даражада. Чет эл олий ўқув юртларида бевосита ўқиш имконияти мавжуд

Тиббий таълим жараёни назарий ва амалий таълимдан иборатdir. Амалий таълим жараёнини тўғри ташкил этиш таълим олувчиликнинг касбий кўникма ва малакаларини самарали шакллантирилишини таъминлайди. Шу сабабли, амалий таълим – малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнининг тоят муҳим таркибий қисми бўлиб, унга умумий ўқув жарёнининг катта қисми ажратилади. Бугунги кунда таълим муассасаларида амалий таълимни ташкил этишнинг моддий техник таъминоти билан бир қаторда унинг методик таъминоти тўлиқ хозирги кун талаблари даражасида шакллантириш долзарб масалалардан биридир.

Талабаларда билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантириш самарадорлигини таъминлаш дастурларнинг тузилиши ва мазмuni билан, шунингдек амалий таълим методлари ва воситалари билан узвий боғлиқ. Шунинг учун талабаларнинг ҳар хил касбларни ўзлаштиришларининг асосий психофизиологик қонуниятларини ҳисобга олиб, амалий машғулот ва амалиёт тизимларининг таснифи ва мазмунини илмий ишлаб чиқиш жуда муҳимдир.

“Методик таъминот мажмуалилиги мезонларини аниқлашда, – деб таъкидлайди В.А.Скақун, – даставвал ўқув дастурлари талабларидан келиб чиқиш зарур. Ўқитиши воситалари мажмуи бутун асосий мазмунни қамраб олиши керак. Мазкур ҳолда мажмуалилик шу билан ифодаланадики, бунда

ўқитиши мазмунининг ҳар бир муҳим масаласини ўрганиш ўқитишнинг зарур воситалари билан таъминланган бўлиши керак”.

Тизимли методик таъминот ўз ичига тавсифлаш воситалари ва ўқитиши мазмунинигина қамраб олмай, балки педагогик тизимнинг бошқа барча элементларини ҳам: мақсадлар, методлар ва шаклларини ҳам олиши керак.

Таълимнинг методик таъминотини ишлаб чиқишининг умумлаштирилган схемаси қуйидаги мезонларни ўз ичига олади (4.1. - расм):



**4.1. – расм. Таълимнинг методик таъминоти.**

Тиббий таълимнинг танлашнинг ҳақиқий эркинлигини яратиш, таълим сифатини муваффақиятини таъминлаш учун ва ўқув муассасасида унинг яхши сифатига эришиш учун олий ўқув муассасасида жиддий методик таъминот бўлиши зарур. Турли хил ўқув дастурларини, битирувчининг касбий моделларини, касб бўйича, фан бўйича технологиялар ва тайёргарлик методикаларини ишлаб чиқиш, апробация қилиш ва амалиётда тезкор фойдаланиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Методик таъминотнинг хужжатлари шахснинг реал эҳтиёжларига, жамиятнинг ижтимоий буюртмасига мослаштирилган бўлиши, ҳудудий ўзига хосликни, истеъмолчиларнинг талабларини ҳисобга олиши муҳим томонлардан биридир.

#### **§4.2 Клиник фанларни ўқитишида мустақил таълим жараёнини ташкил этиш**

Ҳозирги даврда таълим тизими олдига қўйилган вазифаларни бажариш, талабаларнинг мустақил равишида ўқув материалларини ўзлаштириши, уларнинг касбий ўсишини рағбатлантириш, уларда ижодий фаолликни тарбиялашда педагогларнинг масъулиятини ошириш зарур.

Ўқув жараёни сифатини оширишида мустақил таълимнинг роли сўзсиз катта. Педагогдан тайёр маълумот олгандан кўра мустақил фаолият жараёнида олган билимни ўзлаштириш нисбатан анча яхши натижа берад.

Педагог эса мустақил таълим фақатгина талаба учун эмас, балки ўзи учун ҳам керак эканлиги, ўзини ишини осонлаштириш, мустақил фикр юрита оладиган талабалар билан мулоқотда бўлиб, ўз билимини бойитиш ва келажда хизмат поғоналарида ўсишини таъминлашини англаши лозим. Шу билан бир қаторда, педагогнинг ўқув жараёнида талабалар билан ҳамкорлиги, уларнинг мустақил таълимга ишончини шакллантириши, ўқитишининг янги педагогик технологиялардан фойдаланаётганини кўрсата

олиши, маъruzаларни аънанавий, яъни фақатгина маълумот бериш билан чегараланмасдан, балки муаммоли интерактив усулда олиб бориши кутилаётган ижобий натижаларга олиб келади (4.2. - расм).

Талабаларнинг мустақил таълимидан асосий мақсадлар қўйидагилардан иборатдир:



#### 4.2. – расм. Талабаларнинг мустақил таълимидан асосий мақсадлар.

Клиник фанларни ўқитиш жараёнида мустақил таълимни қўйидаги икки гурӯхга бўлиш мумкин: аудиториядаги мустақил таълим ва аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил таълим. Аудиториядан ташқарида

бажариладиган мустақил таълимда талабалар педагоглар томонидан берилган топшириқларни ўқитувчининг иштирокисиз бажарадилар. Педагог биринчи дарснинг ўзидаёқ талабаларга фан учун ажратилган соат, мустақил ишнинг турлари, назоратнинг усул ва шакллари ҳамда муддати, натижаларни баҳолаш мезонлари, мустақил ишнинг аҳамияти ва зарурлигини тушуниради. Мустақил таълим аудиторияда педагог раҳбарлигига олиб борилгандан, мустақил фаолиятни олиб бориш учун талаба бевосита педагогдан топшириқлар ва тавсиялар олади.

Педагог эса назорат қиласи ва нотўғри бажарилган вазифаларни тўғрилаб, бошқарув функциясини бажаради. Аудиторияда олиб бориладиган турли хил машғулотларда талаба бевосита педагогнинг раҳбарлиги ёки унинг иштирокида мустақил ишни бажаради. Мустақил таълимда талаба фақатгина педагогдан билим олмай, ўзаро бир-биридан ҳам ўрганади. Аудитория машғулотларида талабалар маълум даражада билим оладилар, лекин улар олган билимларини мустаҳкамлаш мақсадида мустақил иш билан шуғуланиш мақсадга мувофиқдир. Улар томонидан бажариладиган мустақил иш қуидагилардан иборат: назорат ва лаборатория ишларини бажариш; тезкор сўров (блиц сўров); мисоллар ечиш; вазиятларни кўриб чиқиш; тестлар ечиш; бажарилган ишларни ҳимоя қилиш; услубий материаллар билан ишлаш; маъруза қилиш; маълумотлар билан ишлаш; ўйинли машғулотларда иштирок этиш ва бошқалардан иборат.

Мустақил таълимнинг самарали бўлиши учун қуидаги усул ва воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: кластер, сухбат, баҳс, тоифалаш жадвали, пинборд, инсерт, «Биламан, билишни хоҳлайман, билиб олдим» жадвали, Т-жадвал, Венн диаграммаси, «Нима учун?», балиқ скелети ва бошқалар. Талабаларнинг мустақил ишини ташкил этишда мустақил ўрганишга олиб чиқилаётган ўқув материаллари ҳажми ва мазмунининг

тузилишига катта эътибор бериш билан бир қаторда услубий таъминлашга катта эътибор бериш керак. Услубий таъминот фақатгина маълумотлар базаси бўлмай, у талабани ижодий фаолиятга йўналтириши керак.

Маъруза дарсларида камидаги 50% вақтда талаба мустақил ишлиши керак, бунинг учун маърузани савол-жавоб-мунозара шаклида ташкил этиш лозим, яъни ўқитувчи янги маълумотни нафақат баён этади, балки қўйилган саволларга жавоб излаб топишни ташкиллаштиради; маърузани савол-жавоб усулида олиб боришда ўқитувчи маъруза давомида бутун курс ёки бўлим бўйича ўқувчиларнинг саволларига жавоб беради; анжуман, маъруза, ўқув дастури доирасида илмий-амалий машғулот сифатида, аввалдан белгиланган муаммо бўйича маъруза ва сўзга чиқишлиар эшитилади; машғулот якунида ўқитувчи маълумотларни тўлдиради ва аниқлик киритади; ўқувчиларнинг вақтинча эркин фикр алмашишига рухсат берилади; ўқитувчи олдиндан кўзланган хатоликлар қилиб, маъруза якунида талабаларнинг ташхиси ва қўйилган хатоликлар таҳлили олиб борилади; ўқувчиларга саволлар берилади ва уларнинг жавобларидан фойдаланилади (4.3. - расм).

**Аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил ишлар  
қўйидаги турларда амалга ошириш тавсия қилинади:**

## маъруза, амалий машғулотлар, семинар ва лабораторияларга тайёргарлик

ўқув режадаги фанларнинг маъруза  
машғулотларида ўрганилмайдиган  
мавзуларини мустақил ўрганиш

интернетдан  
керакли  
маълумотларни  
излаб топиш

курс ишлари, курс  
лойиҳалари, битирув  
малакавий ишлар ва  
магистрлик  
диссертацияларни тайёрлаш

ахборот-ресурс маркази  
каталоги орқали мустақил  
равишда адабиётларни  
излаш

ўқув аудиоёзувларини  
эшитиш,  
видеоматериалларни кўриш

### 4.3. – расм. Аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил ишлар

#### 4.1. жадвал

##### Мустақил ишларни амалга оширишда қуидагиларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ

1	ўрганилаётган мавзу бўйича дарслик, ўкув қўлланмаларни ўрганиш;
2	мавзулар бўйича докладлар, рефератлар ва эсселар ёзиш;
3	назорат ишларини бажариш
4	семинар ва конференцияларда маъруза қилишга тайёргарлик қилиш
5	амалий машғулотларда берилган масала ва мисолларни ечиш
6	ўқув материалларини тизимли ўрганиш мақсадида альбом, жадвал, схема, ребус, тестлар ва кроссворд тузиш
7	ўрганилаётган мавзулар бўйича алоҳида талаба ёки бир гурух талабалар кўргазмали қўлланмалар тайёрлаши
8	мустақил ўрганилаётган саволларни конспектлаш;
9	маърузада олинган билимларни мустаҳкамлаш мақсадида тестлар

	ечиш
<b>10</b>	ижодий ва илмий ишларни бажариш
<b>11</b>	талабаларнинг илмий жамиятлар ва тўгаракларда иштирок этиши
<b>12</b>	танловлар ва олимпиадаларда қатнашиш
<b>13</b>	ўтган амалиёт бўйича ҳисоботлар, талабалар конференцияларига илмий докладлар тайёrlаш
<b>14</b>	ҳисоб-китоб ва график ишларни бажариш
<b>15</b>	жорий, оралиқ ва якуний назоратларга тайёргарлик кўриш
<b>16</b>	Илмий адабиётларни конспектлаш

Талабалар мустақил ишининг мақсади, вазифалари, ташкил этилиши, бошқариш ва назорат қилиш ҳамда баҳолашни таҳлил қилиш натижасида талабаларнинг мустақил ишининг самарадорлигини ошириш учун қўйидаги хулоса-таклифларни беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: – бакалавриат йўналиши талабаларининг ҳафталик умумий юкламаси (аудитория ва аудиториядан ташқари) ҳажми 54 соат қилиб белгиланган бўлиб, мустақил таълим 22 соатни, яъни 40%ни ташкил этади (чет давлатларда эса бу кўрсаткич 60-70%). Лекин, шуни тъкидлаб ўтишимиз керакки, фақатгина мустақил соат ҳажмини ошириш билан талабаларнинг мустақил иши самарадорлигини ошириш мумкин эмас. Сифатли ўтказилган маъруза талабалар мустақил ишини бажаришига керакли маълумотлар беради. Бундан келиб чиқадики, талабалар мустақил ишини бажаришга қаратилган катта эътибор маъруза машғулотларининг ролини пасайтирмасдан, аксинча уларни янги педагогик ва ахборот технологияларни кўллаб ўтказиш орқали самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқдир. Талабалар мустақил ишини тўғри режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолашнинг сўнгги ютуқларини чукур ўрганиш учун педагогларнинг малакасини ошириш мақсадга мувофиқдир. Талабалар мустақил ишларини самарали бажаришлари учун компьютерлар ва интернет

тармоғи билан таъминланишлари зарур. Талабалар мустақил ишини тўғри режалаштирмасдан керакли натижаларга эришиб бўлмайди.

Талабалар ўқитувчининг бевосита иштирокисиз ёки билвосита бошқарувида, у берган вазифа, дарслик асосида индивидуал бажарадиган иши мустақил иш ҳисобланади. Талабаларнинг мустақил иши ўқув жараёнининг ажралмас қисмидир. Ўқув материалларининг талабалар томонидан мустақил ўзлаштирилишини такомиллаштиришмасдан замонавий таълим олдига қўйилган вазифаларни талаб даражасида бажариш мумкин эмас.

Шу ўринда бу тизимнинг ўзига хос камчиликларини бартараф этиш мақсадга мувофиқ:

- мустақил шуғулланишга эътиборнинг юқорилиги, баъзи талабаларга доимий йўналиш бериб туриш, ёндашувни тўғри танлашларида ёрдамлашиш;
- модулларда ўқув материалларини тўғри танлай олмаслик эҳтимолининг юқорилигини, ажратилган вақт ҳар доим ҳам батафсил ёндашиш имкониятини таъминлаш;
- модул дастурлари ва материалларини ишлаб чиқишга узок вақт талаб этилишини инобатга олиш;
- янги тизим, янгича ёндашувга кўниши, мослашишнинг муайян вақт талаб қилишига алоҳида эътибор қаратиш.

#### **§ 4.3. Малака ошириш тингловчиларини ўқитишада интерфаол усуслар: мобил иловасининг ўзига хос томонлари.**

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг сифат даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, барча олий таълим муассасаларининг дунёning етакчи илмий марказлари ва таълим муассасалари билан ўзаро

хамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, таълим жараёнига жаҳон таълим стандартлари талабларига мос келувчи ахборот технологиялари ва интерфаол усулларни, модулли дастурлар ҳамда услубий материалларидан фойдаланиш, қўллаш, кадрларни замонавий билимлари ва касбий маҳоратлари ва креатив фикрлаш қобилиятларини намоён қилишларига имкон яратиш, турли аудитория билан фаолият олиб боришда инновацион технологиялардан унумли фойдаланиш педагогик фаолиятни тўлақонли ташкил этишда долзарб вазифадир.

Замонавий тиббий таълим мазмунини маҳаллий шароитларни инобатга олган ҳолда хорижий тажрибалар асосида модернизациялаш ва трансформациялаш, компетенцияларни шакллантиришга қаратилган инновацион таълим муҳитини яратиш, интерфаол ўқитиш усуллари ва бошқа турдаги педагогик технологияларни амалиётда кенг қўллаш ёрдамида таълим оловчиларда касбий фаолиятини олишда муҳим бўлган қўнирма ва малакаларини ҳамда шахсий фазилатларини ривожлантиришнинг ўзига хос усулларни жорий этиш ва такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Тиббий таълим тизимининг ўзига хос ҳусусиятларини инобатга олган ҳолда ўкув жараёнини ташкил этишда педагоглар томонидан интерфаол усулларни мақсадли қўллашнинг аҳамияти катта. Ҳусусан клиник фанларни ўқитишида барча турдаги машғулотлар давомида интерфаол усулларни тўғри танлаш, қўллаш вақтини аниқ белгилашда педагогнинг касбий маҳорати, ижодий ва креатив ёндошуви эътиборга олинади.

Таълим жараёнида педагоглар томонидан интерфаол усулларни қўллаш борасида қуидаги муоммо ва қийинчиликларнинг кузатилиши аниқланди: интерфаол усуллар тўғрисида тўлиқ маълумотнинг йўқлиги, усулларнинг қўллаш тартиби бўйича тушунчаларнинг нотўлиқлиги, интерфаол усулларни машғулот давомида ноўрин фойдаланиш, гурухларда

мазкур усулларни қўллаш бўйича кўникманинг етишмаслиги, педагогик технологияларнинг турига кўра ўқув жараёнида тўғри ва ўз вақтида қўллаш бўйича маълумоиларнинг камлиги, машғулот мпавзусига мос равища технологияларни танлаш ва қўллаш имкониятининг чегараланганилиги, интерфаол усуллар бўйича қўйиладига саволлар ва жавобларни тайёрлаш бўйича вақт танқислиги ва б.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида юқоридагиларни инобатга олган ҳолда тиббий таълим жараёнида клиник фанларни ўқитишда интерфаол усулларни қўллаш жараёнини фаоллаштириш ҳамда педагоглар учун қулийлик яратиш мақсадида педагогик технологияларни татбиқ этишга қаратилган маҳсус мобил иловаси яратилди.

Мобил иловани яратишида ёши катта аҳоли орасида нисбатан кўп учрайдиган касаллик – простата безининг хавфсиз гиперплазиясида IPSS сўровномаси олинди. Шу билан бирга турли активизаторлар, танловлар бўйича ҳам маълумотлар киритилди.

Мазкур илова оилавий шифокорлар ва урологлар фаолиятида нисбатан кўп кузатиладиган муаммо – пастки сийдик йўллари симптомларини муҳокама қилишга қаратилган бўлиб, педагогларнинг касбий фаолиятларида ишлатишлари учун ўзига хос қулийликлар яратилган. Ўқув жараёнида давомида ўтказилган дарс таҳлиллари натижаларига кўра машғулот давомида педагогларнинг мавзу доирасида интерфаол усулларни танлаш ва бериладиган саволларни шакллантиришда вақт танқислиги ҳамда талабаларни қизиқтириш, фаоллаштириш ва креатив ёндошув бўйича касбий маҳорат ривожлантиришга қаратилган тамойиллар инобатга олинди.

### **Мобил иловани яратишида қўйидаги босқичлар амалга оширилди:**

Клиник фанлар, жумладан урология фани бўйича асосий симптомлар ажратиб олинди – сийишнинг бузилиши, тез-тез сийиш, ачишиш, тутилиб-тутилиб сийиш, қонли сийиш, сийдик тутилиши, дизурия, қов сохада оғриқ, дизурия.

Простата бези касалликларида халқаро симптомлар индекси (IPSS) еттига саволдан иборат бўлиб, симптомларни баҳолаш учун кўлланилади. Симптомларнинг ифодалангандик даражаси бузилиш даражасига кўра ажратилган: мавжуд эмас (0 балл), «енгил даражада» (1-7 балл), «ўртacha даражада» (8-19 балл) ва «оғир даражада» (20-35 балл).

The screenshot shows a web-based survey application titled "Survey" in the browser's tab bar. The main content is a form for the International Prostate Symptom Score (IPSS). The title of the form is "Опросник «IPSS» - международная система суммарной оценки симптомов болезней предстательной железы в баллах". It includes instructions in Russian: "Цель применения: получение субъективной информации о выраженности симптомов нижних мочевых путей и их влияния на качество жизни анкетируемых мужчин. Инструкция по заполнению: дайте ответ на каждый из 7 вопросов, отметив нужный вариант с помощью галочки или знаком крестика,галочки, точки). При ответе на 8 вопрос оцените тяжесть Ваших симптомов от 0 до 6 баллов (так же отметив соответствующий Вашему случаю вариант любым знаком).". The form has fields for "ФИО" (Name), "Телефон" (Phone), and "Возраст" (Age), each with an input placeholder. Below these, there is a question: "1. Как часто в течение последнего месяца у Вас было ощущение неполного опорожнения мочевого пузыря после мочеиспускания?" with two radio button options: "Никогда" (Never) and "Примерно в половине случаев" (About half the time).

1. Как часто в течение последнего месяца у Вас было ощущение неполного опорожнения мочевого пузыря после мочеиспускания?

- Никогда
- Реже, чем 1 раз в неделю
- Реже, чем в половине случаев
- Примерно в половине случаев
- Чаще, чем в половине случаев
- Почти всегда

2. Как часто в течение последнего месяца у Вас была потребность мочиться чаще, чем через 2 часа после последнего мочеиспускания?

- Никогда
- Реже, чем 1 раз в неделю
- Реже, чем в половине случаев
- Примерно в половине случаев
- Чаще, чем в половине случаев
- Почти всегда

3. Как часто в течение последнего месяца у Вас имелось прерывистое мочеиспускание?

- Никогда
- Реже, чем 1 раз в неделю
- Реже, чем в половине случаев
- Примерно в половине случаев
- Чаще, чем в половине случаев
- Почти всегда

4. Как часто в течение последнего месяца Вам было трудно временно воздержаться от мочеиспускания?

- Никогда
- Реже, чем 1 раз в неделю
- Реже, чем в половине случаев
- Примерно в половине случаев
- Чаще, чем в половине случаев
- Почти всегда

5. Как часто в течение последнего месяца у Вас была слабая струя мочи?

- Никогда
- Реже, чем 1 раз в неделю
- Реже, чем в половине случаев
- Примерно в половине случаев
- Чаще, чем в половине случаев
- Почти всегда

6. Как часто в течение последнего месяца Вам приходилось натуживаться, чтобы начать мочеиспускание?

- Никогда
- Реже, чем 1 раз в неделю
- Реже, чем в половине случаев
- Примерно в половине случаев
- Чаще, чем в половине случаев
- Почти всегда

7. Как часто в течение последнего месяца Вам приходилось вставать ночью с постели, чтобы помочиться?

- Никогда
- Реже, чем 1 раз в неделю
- Реже, чем в половине случаев
- Примерно в половине случаев
- Чаще, чем в половине случаев
- Почти всегда

**Рассчитать**

Диагноз: (Тяжелая степень нарушений) – пациенту показано комплексное урологическое обследование, рекомендуется оперативное лечение

#### 4.4. – расм. Мобил илова.

Барча жавҳаларда ривожланиб бораётган ахборот ва коммуникация технологиялари таълим соҳасига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатмоқда. Бу борада ёшларни қизиқтириш, анъанавий таълим усулларидан фарқли равишда электрон дастурлар ҳамда мобил дастурлардан унумли фойдаланиш таълим жараёнини фаоллашиши ҳамда такомиллашига катта таъсир кўрсатади. Тадқиқот жараёнида яратилган интерфаол усулларни қўллаш мобил иловаси таълим берувчиларнинг педагогик фаолиятини мувофиқлаштиришга, енгиллаштириш ҳамда вақт ресурсларини тежаш имконини беради.

#### **§4.4. Урологик касалликлар билан касалланган bemорларда ривожланиш прогностик харитасини ишлаб чиқиши**

Хозирги вақтда бир қатор соматик касалликларнинг ташхислаш ва прогнозлаш бўйича ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган. Лекин сийдик йўллари хасталикларида хавф омилларини башорат қилиш услуби амалга оширилмаган.

Ҳақли равишда таъкидлаш лозимки, сийдик йўллари хасталикларининг профилактикасида ташқи ва ички секретор етишмовчиликнинг ривожланиш хавф омилларини сийдик йўллари касалликлари билан хасталangan bemорларда турли прогностик мезонларни ўзаро таққослаш орқали ажратиш жуда муҳим ёндошув бўлиб ҳисобланди.

Прогнозлаш жадвалини тузиш мақсадида нисбатан муҳим бўлган ва кенг тарқалган хавф омилларининг градациясига боғлиқ ҳолда башорат бериш имконини яратувчи ҳолатларга доир қиёсланувчи кўрсаткичлар олинди. Омилларнинг аҳамиятлилик даражаси ва уларнинг градацияси нисбий хавф кўрсаткичларини ( $R$ ) кўллаш орқали аниқланди. Мазкур кўрсаткич ўз навбатида максимал муносабатнинг кўрсаткич интенсивлиги ( $c$ ) даражаси бўйича минималга ( $d$ ) нисбатан ҳар бир алоҳида омил бўсағасида ифодаланади( $R=c/d$ ).

Агар омил таъсир доирасига эга бўлмаса, у ҳолда мазкур омил бирга тенг бўлиб ҳисобланади.  $R$  кўрсаткичи қай даражада юқори бўлса, мазкур патологик ҳолатнинг келиб чиқишида хавф омилининг аҳамиятлилик даражаси шу тариқа юқори бўлади.

Ушбу усулнинг асосий моҳияти шундан иборатки, одатий интенсив кўрсаткичлар ўрнига меъёрлаштирилган интенсив кўрсаткич (МИК) кўлланилади ҳамда қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш имконидан

фойдаланилади:  $N=r/M$ , бунда: N – меъёрлаштирилган интенсив кўрсаткич, r – интенсив кўрсаткич, M – «меъёрлаштирувчи кўрсаткич».

Тадқиқот давомида мазкур ҳолат юзасидан меъёрлаштирувчи катталиқ сифатида барча текширув маълумотлари бўйича (100 нафар илмий тафтишга жалб қилинган bemorlar) ташқи ва ички секретор етишмовчилик билан кечувчи сийдик йўллари хасталиклари ўртacha частотаси қабул қилинади. Масалан сийдик йўллари касаллликлари билан хасталangan bemorlarда буйрак етишмовчилик ҳолатининг ривожланиш частотаси ( $r$ ) 46,7 га teng бўлиб, ташқи секретор етишмовчилиги билан меъёрлаштирилган кўрсаткич эса 54,5 ни ташкил этади. Мазкур кўрсаткич барча текширилганлар орасида 51,0 дан иборат бўлди. Ушбу катталиқ “меъёрлаштирувчи” кўрсаткич ( $M$ ) сифатида олинди.

Сийдик йўллари хасталикларига таълуқли бошқа хавф омиллари бўйича МИК ҳам аналогик шу тарзда ҳисобланди. Олинган МИК дастлабки стандарт бўлиб, унинг ёрдамида сийдик йўллари хасталиклари билан хасталangan bemorlarда буйраклар етишмовчилигининг ривожланиш хавфига доир алоҳида омиллар ҳамда омиллар мажмуи бўйича интегралланган баҳолашни амалга ошириш мумкин.

Маълумки, ҳар бир омил сийдик йўллари хасталиклари билан хасталangan bemorlarда буйраклар етишмовчиликнинг ривожланишига нисбатан турли хил таъсир кучига эгадир. Ушбу тамойилни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир омил бўйича нисбий хавф кўрсаткичларини инобатга олдик. Касаллик ривожланиш нисбий хавф кўрсаткичини ( $R$ ) ҳамда меъёрлаштирилган интенсив кўрсаткични ( $N$ ) билган ҳолда СПда ташқи буйраклар етишмовчилик ҳолатининг ривожланишига нисбатан ҳар бир алоҳида олинган хавф омилиниң таъсир кучини, яъни прогностик коэффициентни ( $X$ ) аниқлаш мумкин.

Мазкур катталик қуидагида аниқланади:  $X=R \cdot N$ , бунда  $X$  – алоҳида омил таъсир кучидан хавфнинг интеграллашган кўрсаткичи (прогностик коэффициент);  $N$  – сийдик йўллари хасталиклари билан хасталанган bemорларда буйрак етишмовчилик ривожланишининг МИК;  $R$  – нисбий хавф кўрсаткичи.

Бизнинг намунадаги маълумотларни, яъни нисбий хавф кўрсаткичи ( $R$ ) 1,17, МИК1 – 0,916, МИК2 – 1,069 га тенглигини инобатга олсак, у ҳолда ҳар бир алоҳида омилнинг таъсир кучига доир интеграллашган кўрсаткич, яъни прогностик коэффициент қуидагида ифодаланади:

агар сийдик йўллари хасталиклари билан хасталанган bemор бўлса -  $1,17 \cdot 0,916 = 1,072$ ;

агар ташқи секретор етишмовчилиги билан бўлса  $1,17 \cdot 1,069 = 1,25$ .

#### **4.2 – жадвал**

##### **Ташқи секретор етишмовчиликини комплекс баҳолаш прогностик харитаси**

Хавф омиллари		%	МИК	R	X		
						мин	макс
Ўтказилган, ёндош ОИТ касалликлари	мавжуд	73,1	0,571	2,505	1,429	1,429	3,582
	мавжуд эмас	29,2	1,429		3,582		
Алкогол истеъмол килиш	мавжуд	69,2	0,667	2,000	1,333	1,333	2,667
	мавжуд эмас	34,6	1,333		2,667		

Тамаки чекиши	мавжуд	26,9	0,727	1,750	1,273	1,273	2,227
	мавжуд эмас	15,4	1,273		2,227		
Бел буйрак сохаси жарохатланиши натижасида МОБнинг заарланиши	мавжуд	55,8	0,389	4,143	1,611	1,611	6,675
	мавжуд эмас	13,5	1,611		6,675		
Жарроҳлик амалиёти	мавжуд	34,6	0,500	3,000	1,500	1,500	4,500
	мавжуд эмас	11,5	1,500		4,500		
МОБга агрессив таъсир қилувчи дори воситаларни бетартиб қабул қилиш	мавжуд	48,1	0,276	6,250	1,724	1,724	10,776
	мавжуд эмас	7,7	1,724		6,250		
Овқат маҳсулотлари билин заҳарланиши	мавжуд	21,2	0,706	1,833	1,294	1,294	2,373
	мавжуд эмас	11,5	1,294		2,373		
Кимёвий моддалар билан захарланиши	мавжуд	23,1	0,588	2,40	1,412	1,412	3,388
	мавжуд эмас	9,6	1,412		3,388		
Синтетик қўшилмалар билин кўп микдорда овқат истеъмол қилиш	мавжуд	23,1	0,622	2,215	1,378	1,378	3,053
	мавжуд эмас	10,4	1,378		3,053		
ОИТ касалликларига наслий мойиллик	мавжуд	44,2	0,496	3,033	1,504	1,504	4,562
	мавжуд эмас	14,6	1,504		4,562		
МОБнинг туғма ривожланиши патологиялари	мавжуд	48,1	0,561	2,564	1,439	1,439	3,689
	мавжуд эмас	18,8	1,439		3,689		
Гормонал тебраниши ва бузилишлар	>4,19	55,8	1,252	1,673	2,094	1,252	2,094
	<4,19	33,3	0,748		1,252		
Очлик ҳолатлари	>31,2	53,8	1,206	1,520	1,834	1,206	1,834
	<31,2	35,4	0,794		1,206		
Баланслашмаган таркибли овқат маҳсулотлари билан парҳез қилиш	>2,93	65,4	1,554	3,487	5,420	1,554	5,420
	<2,93	18,8	0,446		1,554		

Ўта ёғли ва ўткир овқат билан балансланмаган овқатланиш рационига риоя қилиш	>3,73	94,2	1,346	2,056	2,766	1,346	2,766
	<3,73	45,8	0,654		1,346		

Прогностик матрица ташқи секретор етишмовчиликнинг ривожланишини прогнозлашга доир барча аниқланган хавф омилларини, алоҳида омил таъсир кучидан ( $X$ ) интеграллашган қўрсаткичнинг қиймати ва градациясини, ҳар бир омил бўйича нисбий хавф қўрсаткичини ( $R$ ) ҳамда омиллар мажмуи бўйича уларнинг йифиндисини ( $RN$ ), шу билан бирга меъёрлаштирувчи катталиктини - барча текширув маълумотларига кўра ташқи секретор етишмовчилик билан кечувчи сийдик йўллари хасталиклари частотасининг ўртача қўрсаткичини ( $N$ ) ўз ичига олади.

Прогностик жадвалдан ташқари олинган омиллар мажмуасининг хавф қийматининг эҳтимолли диапазони аниқлаш имконидан фойдаланилди. Мазкур жараён қуйидаги талқинда амалга оширилди: прогностик жадвалда ҳар бир хавф омили бўйича прогностик коэффициентнинг минимал қиймати аниқланади ва улар йифиндиси амалга оширилади. Ушбу катталиқ мазкур касалликнинг хавфнинг дастлабки қиймати сифатида изоҳланади.

Масалан, юқоридаги жадвалда ташқи секретор етишмовчиликнинг ривожланиш хавфининг интеграллашган баҳоланиши учун прогностик индексларнинг ( $X$ ) минимал қиймати барча омиллар бўйича қуйидагicha бўлди:

$$1,429+1,297+1,235+1,585+1,469+1,705+1,257+1,378-1,504+1,439+1,252+1,206+1,554+1,346=19,66$$

Ушбу ҳолатда хавфнинг минимал дастлабки қиймати 19,66 га teng.

Сўнг аналогик ҳолатда ҳар бир омил бўйича прогностик индексларнинг максимал қиймати йифиндиси аниқланади:

$$3,582+2,396+1,995+6,063+4,069+9,854+2,127+3,053+4,562+3,689+ \\ +2,094+1,834+5,42+2,766=53,50$$

Мазкур ҳолатда хавф диапазони  $19,7 \div 53,5$  оралиғида бўлади.

#### **4.3-жадвал**

#### **Буйраклар етишмовчиликнинг ривожланиш хавфининг индивидуал прогнозлаш диапазон ости ва гурухлар қиймати**

Диапазон	Диапазон ости қийматлари	Хавф гурухлари
Суст эҳтимоллик	19,7-31,0	Ижобий башорат
Ўртacha эҳтимоллик	31,1-42,4	Дикқат талаб қилувчи
Юқори эҳтимоллик	42,5-53,5	Салбий башорат

Юқоридаги маълумотлар таҳлилига кўра маълум бўлдики, сийдик йўллари хасталиклари билан хасталанган bemorларда ташқи буйраклар етишмовчиликнинг ривожланиш хавфининг интеграллашган кўрсаткичи қай даражада юқори бўлса, текширилувчи инсонда унинг ривожланиш хавф эҳтимоллиги шунга боғлиқ ҳолда юқори бўлди, ҳамда текширилувчининг салбий башорат гуруҳига киритишга асос бўлади.

Таҳлил натижаларига боғлиқ ҳолда хавф диапазони ( $19,7 \div 53,58$ ) ҳамда диапазон ости ажратиб олинди. Амалий жиҳатдан хавф диапазони учта интервалга ажратилди: буйраклар етишмовчилик ривожланишига доир хавф эҳтимоллиги бўйича суст ( $19,7 \div 31,0$ ), ўртacha ( $31,1 \div 42,4$ ) ва юқори ( $42,5 \div 53,5$ ).

Шу билан бирга якуний прогностик коэффициентнинг бўсағавий қиймати ва патологик ҳолатнинг келиб чиқиш хавф гурухлари аниқланди.





#### 4.3.-расм. Касалликнинг ривожланиш хавфи бўйича прогноз.

Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини ҳамда клиник шифохоналарда мутахассислар томонидан сийдик йўллари хасталикларини комплекс баҳолаш прогностик харитасини қўллаш имконини кенгайтириш мақсадида интернет браузер ёрдамида барча турдаги компьютерларда қўллаш имконига эга бўлган ЭХМ дастури ишлаб чиқилди ва олинган натижаларни дарҳол ҳисоблаш ҳамда патологик ҳолатни олдини олиш,

беморларни ўз-ўзини назорат қилиш, bemorlar ҳолатини мониторинг қилиш имконияти яратилди.

### **Тўртинчи боб бўйича хулосалар**

Таълим беришнинг кредит тизими замонавий жиҳатларга эга кадрларни тайёрлашга кенг имконият яратганча меҳнат бозорининг ўзгарувчан эҳтиёжини қопловчи механизм сифатида намоён бўлади, хусусан тиббий олий ўқув юртлари битирувчиларининг академик ҳаракатчанлигини таъминлайди. Кредит тизимининг аҳамияти шундаки, академик дастурлар меҳнат бозори талабларига мос ҳолда тузилади.

Ўқув режадаги фанларнинг 50 фоизи танлов фани бўлиб, ўқув жараёнига ахборий тизимлар жорий этилади. Шунингдек, курсантларни ўқитиши ва меҳнат бозорига тайёрлашга индивидуал ёндашилиб, улар мустақил таълим олишга йўналтирилади. Индивидуаллашган ва дифференцияллашган ўқитиши тизими таълим муассасаларининг муқобиллиги, ўқув-дастурий ҳужжатларнинг ҳаракатчанлиги, ўзгарувчан ижтимоий-иктисодий шароитга мослашувчанлигига асосланган. Фикримизча, модул - кредит тизимини жорий этишда миллий менталитетимиз ва ёш билан боғлиқ хусусиятларни инобатга олган ҳолда талabalарнинг маънавий-маърифий жиҳатдан ривожланишига етарлича эътибор бериш лозим. Бунинг учун тиббий олий таълимда ўқув ва тарбия жараёнини уйғун олиб бориш, олим, ўқитувчининг ижтимоий мавқеини ошириш, яъни талabalарнинг уларга ҳавас қилиши, эргашишига эришиш мақсадга мувофиқ. Шундагина ўқитишининг кредит технологияси ёрдамида юксак маънавиятли, ижодкор, ностандарт фикрлайдиган, инновация ва ташаббусларга бой мутахassisларни этиштиришга эришилади.

Малака ошириш тингловчиларини ўқитишда ўзига хос томонларни инобатга олган ҳолда шакллантирилган янги интерфаол усулларидан мобил иловасини қўллаш давомида муҳим бўлган компонентларини қисман ёки тўлиқ қўллаш орқали таълим жараёнида нафақат мавзу ёки фан доирасида билим ва қўникмаларни чуқур эгалланишига туртки бўлади, шу билан бирга таълим берувчиларнинг педагогик фаолиятини мувофиқлаштиришга, енгиллаштириш ҳамда вақт ресурсларини тежаш имконини беради.

